



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФАРГОНА ФИЛИАЛИ**

**“ТАСДИҚЛАНДИ”**

Ўқув ва тарбиявий ишлар  
бўйича директор ўринbosари

\_\_\_\_\_ А.Расулов  
2018йил“ \_\_\_\_\_ ” август

**“Касбий педагогика. Касбий психология”**  
фанидан

# Маъруза матни

5350400 –Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб  
таълими

**Фарғона - 2018 й**

Фан ишчи дастури Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахбороттехнологиялари университети кенгаши томонидан тасдиқланган фан дастури асосида тайёрланган. № 816. 11.10.2016 й.

Фан ишчи укув дастури филиал Кенгашида 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги сонлибаёни билан тасдиқланган.

**Тузувчи:**

Х.Х.Ражабова – ТАТУ Фарғона филиали «Ахборот таълим технологиялари»кафедраси асистенти

**Тақризчи:**

М.Джалилов .– ТАТУ Фарғона филиали “Компьютер тизимлари»кафедрасимудири

Ушбу фан ишчи дастури «Ахборот-таълим технологиялари» кафедрасининг 2018 «27» августдаги «1» - сонли йигилишида мухокама килинган.

“Ахборот таълим технологиялари ” кафедраси мудири:  
2018йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ С.Абдурахмонов  
(имзо)

Ушбу фан ишчи дастури Телекоммуникация технологиялари ва касбий таълим факультетининг 2018 йил «1» - сонли йигилишида мухокама килинган.

ТАТУ Фарғона филиали “ТТ ва КТ” факультети декани:  
2018 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ О.Қўлдошев  
(имзо)

«КЕЛИШИЛДИ”  
Ўкув –услубий бўлим бошлиги  
2018 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ Ш.Умаров  
(имзо)

## **1-Маъруза** **Тема.Педагогика умумий асослари. Таълим умумий маданий феномен сифатида**

**Режа:**

1. Педагогика фанининг предмети, мақсади, вазифалари.
2. Педагогика фанининг таркибий тузилиши, методологик асоси ва бошқа фанлар билан муносабати.
3. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими. Педагогиканинг тадқиқот методлари
5. Шахснинг ривожланиши ва тарбияси.
6. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик ва касбий талаблар.

Педагогик фаолият, маҳорат ва қобилият.

### **Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим соҳасида ҳам кенг ислоҳотлар бошланди. Олий Мажлиснинг 1997 йил 27 август куни бўлиб ўтган 1X сессиясида Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли сўзлаган нутқида таълим ислоҳатларини амалга ошириш йўллари ва усуллари тўғрисида гапириб ўтди. Шу сессияда «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастурда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ўз аксини топган. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да асосий масалалардан бири сифатида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларини яратиш қилиб белгиланган. Дастурда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳам эътибор қаратилган. Шу сабабли, ҳозирда фаолият кўрсатаётган мухандис-педагогларни қайта тайёрлаш иши Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Қайта тайёрлаш факультетига юклатилган. Қайта тайёрланишга келган ҳар бир таҳсил олувчи янги ўқув муассасаларида ўз фаолиятини ташкил қилиши учун бир неча фанларни мукаммал билишлари зарур. Шу фанлардан бири «Умумий педагогика» ўқув фанидир.

«*Педагогика*» атамаси юононча сўздан олинган бўлиб «бола етакламоқ», маъносини англатади. кенг маънода тарбия ҳақидаги фан; ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш; умуман инсонни тарбиялаш ҳақидаги фан деган маъноларни билдиради. Умумий педагогиканинг обьекти асосан ўқувчилардир, предмети эса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

Умумий педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради.

Демак, умумий педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон ва касб-хунарли қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фандир.

Кишилик жамияти ёш авлодни доимо тарбиялашдан иборат бўлган. Ёш авлодга ижтимоий-сиёсий тажрибани зарур билимлар ва амалий кўнинмалар кўринишида беришдан, уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашдан манфаатдор эди. Жамият тараққиётининг турли босқичларида тарбия фақат амалий йўл билан ижро этилган.

**Ёш авлодга таълим-тарбия берииш, бу педагогиканинг предметидир,** яъни у ўрганадиган ҳодисалар доирасидир. Педагогика тарбия ҳақидаги фан ҳисобланади. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги обьекти ўқувчи ҳисобланса, субъекти эса ўқитувчи ҳисобланади. Педагогика фани фақат болаларни эмас, балки ёшларни ҳам, катталарни ҳам қамраб олади. Бир қатор фанлар фалсафа, социология, этика, эктетика, психология кабилар тарбия масалалари билан шуғулланадилар. Бироқ, уларнинг ҳар бири тарбияга маълум бир томондан ёндашади. Фалсафа ва социология тарбияни ижтимоий тараққиёт омили деб қарайди. Психология тарбияга шахснинг психик ривожланига таъсири нуқтаи назаридан қизиқади. Этика жамиятнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишига тарбиянинг таъсирини ўрганади ва ҳоказо.

Тарбия масалаларни ўрганишда педагогика алоҳида ва ҳал қилувчи ўрин тутади. У педагогика жараён сифатида тарбиянинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганади. Педагогика шахснинг таркиб топишига тарбиянинг таъсирини ўрганади, турли ихтисосликдаги ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий ишлари назарияси ва методикасини ишлаб чиқади.

**Тарбиянинг мақсади.** Тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги хусусида фикр юритганда, тарбиянин аниқ мақсадга йўналтирилган ҳодиса эканлиги таъкидланади. Инсон камолотига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу омиллар ичida тарбия муҳим ва етакчи ўриндадир.

Тарбиявий ишларнинг самарадорлиги шундаки, тарбия билан шуғулланадиган ҳар бир тарбиячи ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсаднинг муҳимлигини тушуниши лозим. Бу мақсад жамиятнинг комил инсонни тарбиялашдек мақсадга мос келиши керак

**Педагогика фанининг вазифалари.** Педагогика фани тарбия масалаларини ўрганар экан, у ёш авлодни тарбиялаши учун қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- шахсни ҳар томонлама, гармоник ривожланишида педагогик жараённи такомиллаштириш;
- шахснинг таркиб топиш қонун-қонуниятлари нималардан иборат эканлигини аниқлаш;
- замонга мос педагогларнинг таълим-тарбиявий фаолияти назарияси ва методикасини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш;
- илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалга жорий этиш;
- педагогларни илғор педагогик технологиялар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

**Тарбиянинг вазифалари** кенг ва кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш

бўлса, тарбия ёш авлодга жамиятда қабул қилинган урф-одат, одоб-ахлоқ қоидаларига мос келадиган эътиқодни, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтиришдан иборат.

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, турли йўналишларда билим ҳажмининг ошиб бориши фаннинг табақаланиб, турли тармоқларга бўлинишига сабаб бўлмоқда.

Яқин ўтмишда фалсафадан ажralиб чиқсан педагогика фанида ҳам кўпгина тармоқларга бўлиниш жараёни, яъни таркибий тузилиши кўзга яққол ташланади. Масалан, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси, катталар педагогикаси, олий мактаб педагогикаси кабилар шулар жумласидандир. Айримлари эса, фан сифатида энди шаклланиб келмоқда. Ҳозирги замон педагогикаси кўп тармоқли фан бўлиб, аввало тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги жиҳатидан педагогика тарихи фани билан боғланади. Педагогиканинг кўзи ожиз, ақли заиф, қулоғи кар – жисмоний камчиликларга эга бўлган болаларни тарбиялаш ва уларни ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланадиган яна бир тармоғи – **маҳсус педагогика** (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика) дефектология билан чамбарчас боғлиқдир

Педагогика фани тармоқларида предметларни ўқитишнинг қонуниятларини ўрганувчи фан – методика ҳам киради. Шу билан бирга педагогика фани бошқа фанлардан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги обьекти ўсиб келаётган ёш авлод бўлганлиги учун педагогика инсонни ўрганувчи фанлар билан боғлиқдир.

Ўзининг бутун тарихи давомида педагогика фалсафа билан чамбарчас боғланган ва хатто XIX асргача унинг бир қисми ҳисобланган эди. Хуллас, педагогика фанининг методологик асосини Ўзбекистон республикаси Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида” ги қонун, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қонун ва фармонлар ҳамда фалсафа ташкил этади. Чунки, тарбиянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантиришдан иборатдир.

Педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва индивидуал (психологик) ҳусусиятларини ҳисобга олиб боради. Шу боис, педагогика бугунги кунда фалсафадан ажаралиб чиқиб, бир қатор фанлар Билан муносабатда бўлади. Жумладан, у психология фани билан чамбарчас боғлиқ. Кейинги вақтларда педагогика кибернетика билан боғланмоқда, буни дастурлаштирилган таълим мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, у этнография, биология, одам анатомияси, иқтисодиёт, санъат, маданият каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир

### **Тадқиқот методлари**

Ҳар қандай фан фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот усусларида эга. Бу усуслар орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Ҳаёт ва обьектив дунёни билиш назариясидада нимани ўрганиш ва қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган тадқиқот усуллари билан ўрганади.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика Фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усуллариға дорматик ёндашиш мумкин эмас. Иккинчи томондан, илмий-тадқиқот усуллари ҳозирча фанда тўла яратилган, ҳал этилган деб бўлмайди.

Педагогиканинг ҳозирча мавжуд бўлган ва ишлаб чиқилган қўйидаги **илмий-тадқиқот методларини** санаб ўтиш мумкин: 1) кузатиш; 2) сухбат; 3) ўқувчилар ижодини ўрганиш; 4) тест, сўровномалар; 5) ўқув муассасаси

хужжатларини таҳлил қилиш; 6) эксперимент, тажриба, синов; 7) статистик маълумотларни таҳлил этиш; 8) математика-кибернетика; 9) адабиётлар билан ишлаш: библиография, аннотация, конспектлаштириш ва бошқалар.

### **Шахснинг ривожланиши ва тарбияси**

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характеристери, қизиқиши, қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу руҳий хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсагина уни мукаммал, камол топган инсон дейилади.

Шахс номини олиш учун нималар даркор? Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида шахс номини олиши учун унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фани боланинг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлама камолга этиш қонуниятлари, унга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, ривожланиш жараёнига алоқадор даврларни аниқлаши керак.

Шунингдек, педагогика фанининг муҳим методологик муаммоларидан бири бу **шахснинг ривожланиши ва тарбияси** ҳисобланади. Ўсиб ва ривожланиб борувчи инсон тарбия обьекти ҳисобланади. Бутун ҳаёти давомида инсоннинг ривожланиш жараёни давом этаверади. Бу жараёнда у турли ўзгаришларни ўз бошидан кечириб боради. Инсонда бўладиган жисмоний ўзгаришларга – бўйининг ўсиши, вазнининг оғирлашиб бориши, суюк ва мушак тизимларининг, ички аъзолари ва асаб тизимининг ўзгариб бориши киради. Руҳий ўзгаришлар эса, унинг ақлий ривожига алоқадор бўлади ва инсонда руҳий сифатларнинг шаклланиб бориши, унда ҳаёт учун зарур бўлган социал сифатларнинг таркиб топиши ҳисобланади.

Инсон – индивид туғилиши билан ўзида инсоний, шахсий хислатларни шакллантира бошлайди. Икки ва ундан ортиқ инсонлар билан муносабатда, мулоқотда бўлган ҳар қандай инсонда шахсий хислатлар пайдо бўлади. Демак, ҳар бир туғилган инсон индивиди – одам. Шахсий хислатларга эга

бўлган инсон аста-секин шахсга айлана бошлайди. **Шахслар оддий ва буюк шахсларга бўлинади.** Буюк шахслар туғма ёки кейинчалик меҳнат натижасида пайдо бўлиши мумкин.

**Шахснинг ривожланиши** – бу муҳим жараён ҳисобланади. Маълумки, бола бутун ҳаёти давомида жисмоний ва руҳий томондан ўзгариб боради. Айниқса болалиқ, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида

камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Муносабатлар доирасига кишилар орасидаги муносабат эмас, балки табиат, жамият, ҳаётга бўлган муносабатлар ҳам киради. Мана шу кўп қиррали алоқа ва муносабатлар заминида ҳар бир шахс ўз қобилияти, қизиқиши, ўз билими ва уқувини намоён қиласи, ўз ишига, вазифасига, бурчига, халқига, Ватанига, ўз-

ўзига бўлган муносабатларини ифодалайди. Табиийки, шахсдаги бу фазилатлар фақат тарбиянинг маҳсулидир.

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигига мунтазам амалга ошириб боради. Аммо, тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади. Тарбия инсоннинг кўзи, сочи, терисининг ранги, баданининг тузилишига таъсир эта олмайди, лекин, жисмоний тараққиётига таъсир этиши мумкин. Махсус ташкил этилган жисмоний машқлар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чинқирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Педагогика шахснинг камолотга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг камолга етишида насл-ирсият (биологик), ижтимоий муҳит, мақсадга мувофиқ амалга оширадиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қайси жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга асосан камол топади. Шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигидан баҳраманд бўлади. Моддий ва маънавий бойликларни яратишда иштирок этади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлса, у шу шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараённида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради. Ана шундай ижтимоий фаолиятлар ўз навбатида меҳнат турининг такомиллашишига олиб келади.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишchanлик керак.

Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш булар фақат тарбия натижасида орттирилган фазилатлардир.

Педагогик жиҳатдан түғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, ўқувчи улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверади.

Инсон камолоти ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда ўқувчи фаолиятига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қиласа, кутилган натижага эришилади.

### **Ўқитувчи шахсиға қўйиладиган педагогик талаблар**

Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири – ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, иймонлилиги, болажонлилиги, ўз фанини мукаммал билиши ва севиши каби хислатлари орқали бошқа касб эгаларидан ажralиб туради. Чунки, таълим муассасасида таълим-тарбия

ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат ўқитувчига ва унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсиға қўйиладиган муҳим талаблардан бири ўзи ўқитаётган предметни чуқур билиши билан бирга, унинг ўқитиш методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Ўқитаётган предметнинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши ўқувчиларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади ва ўқитувчининг обрўйини оширади.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларни севиши, хурмат қилиши, уларнинг ҳаёти билан қизиқиши, бутун куч ва билимини уларнинг келажаги ҳамда уларни ватанга содик фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган инсонгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Ўқитувчи ўқувчиларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятлар асосида тарбия қила олиши лозим. Унинг нутқи равон, халқ тили бойлиги, ифода усули, тасвир воситаларини, адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши зарур. Ўқувчига бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд инсон ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

Ўқитувчи ташкилотчилик фазилатига эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи лозим. Ташаббускор, ташкилотчи, ғайратли ва ўқувчиларни чин қалдан сева оладиган ўқитувчи ўқувчиларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчилар унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда жуда руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ҳам ўқитувчининг саломатлилиги ҳам яхши бўлиши зарур. Унинг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши, узок вақт тикка бўлиши, кўп юриши, этчил ҳаракат қила олиши керак.

Шунингдек, махсус фан ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар шундан иборатки, у амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларига раҳбарлик қилувчи ва бошқарувчи шахс ҳисобланади

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни. мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

## 2-Маъруза

### Тема: Узлуксиз таълим тизими. Таълимнинг ягона тизими.

#### Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизими ва унинг қоидалари.

2. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими. (Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий)

3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Халқ таълими тизими деганда аниқ мақсадни кўзлаб мамлакат ёшлирига таълим тарбия бериладиган муассасалар тушинилади.

Халқ таълими тизими деб муайян мамлактлар ички ва ташқи тараққиётига тавсиф берувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат қилинади. Республикамиз Конституциясида, яъни 18-41-моддаларида кўрсатилганидек, барча фуқаролар жинси, ирқи ва миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар билим олиш хукуқига эга. Шунингдек, фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон худудида азал-азалдан таълим-тарбия соҳасига катта эътибор берилган.

Шарқ педагоглари болаларни ўқишига қизиқтириш учун китобдаги воқеаларни қуш ва хайвонлар тилидан ҳимоя қиласар эдилар. Масалан, «Қобуснома», «Аҳлоқи Муҳиний», «Камила ва Димна» каби асарларидағи нақл-ривоятларга одоб-аҳлоқ қоидалари сингдириб юборилган. 1991 йилнинг 31 августида Республикамиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиқлол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда, мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислоҳат ўтказиш масаласи кўтарилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизиининг янгиланишига сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишида бир қанча янги қоидалар жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайд қилинди. Бу қоидалар қўйдагилар:

1. Таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги.

2. Бунинг моҳияти шундаки, биздаги барча халқ таълими тизимиға кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларнинг моддий ва маънавий камолатини, ақл-заковатининг ўсишини, ўзлигини билиш хақ-хукуқлари учун курашадиган ватанпарвар бўлиб кетишларини мақсад қилиб қўяди.

3. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.

4. Мустақил Ўзбекистонимизда Халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз ўзаро боғлиқдир. Таълим жараёни ўқув режаси ва дастури асосида тизимни, изчил олиб борилади.

5. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга эга бўлиб, фан техника тараққиётининг энг янги мувафақиятлари ва инсон ақл-заковати туфайли такомиллашиб боради.

6. Таълимда умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларнинг устиворлиги.

7. Барча таълим тарбия масканларида берилаётган билим аждодларимизнинг минг йиллар мобайнида шаклланган анъаналарига таянади.

8. ДТС лари қоидасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.

9. Конуннинг 4-моддасида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, турар жойи, республика худудида қачондан бери яшаётганлигидан қатъий назар, барчанинг таълим олиш учун тенг хукуқлари кафолатланади.

10. Таянч таълимнинг мажбурийлиги.

11. Мамлакатимизда 1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йида саккиз йиллик, 1970 йилда умумий ўрта мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълимга ўтилди.

12. Таълим маънавий ва жисмоний дастурларини ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларни тасдиқлади. Уларни бажарилишини назорат қиласи. Ёш авлодни маънавий бой, рухан тетик, жисмонан бақувват, аҳлоқан пок ва меҳнатсевар бўлиб вояга етиш учун барча моддий ва маънавий шароитларни ҳозирлайди.

13. Билимдонлик ва истеъдодли рағбатлантириш таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш стипендия, турли қўринишдагимақтов ёрликлари шаклида ташкил этилади.

14. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.

15. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий харакатларнинг таъсиридан холи бўлиши.

16. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни хурматлаш.

17. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини хурматлаш.

18.Олдинги қабул қилинган қоидалардан фарқли ўлароқ, янги қонунда педагог шахсини унинг ижтимоий мавқеини хурматлаш лозимлиги белгилаб қўйиган.

19.Амалдаги қонунлар доиларида мулкчиликнинг тенг хуқуқлилиги, уларнинг мустақиллиги таъминланиб, таълим муассасаси мустақил юридик шахс сифатида, қонунларга белгиланган тартибда барпо этилади.

20.Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув партия комплекслари ва ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибиға киришга хақлидир.

### **Таълимнинг ягона тизими.**

Ўзбекистон республикасида таълимнинг ягона тизимиға амал қилинади. Ягона таълим тизими қўйдагиларни ўз ичига олади.

1. Мактабгача тарбия.
2. Умумий таълим.
3. Ҳунар-техника таълими.
4. Ўрта маҳсус таълим.
5. Олий таълим.
6. Илмий ва илмий педагог ходим. тайёрлаш.
7. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.
8. Оиласдаги таълим.
9. Мустақил таълим.

#### **1.Мактабгача таълим.**

Мактабгача таълим тармоғига 1-Зёшдан, 6-7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва боғча муассасалари, шунингдек оиласдаги таълим-тарбия киради. Бундан кўзланган мақсад бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини таъминлашдан, маданий ахлоқий меҳнат қўникмаларини, илмга муҳаббатини тартиб топтиришдан иборат.

#### **2. Умумий таълим**

Узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билим, меҳнат ва бошланғич касбқор кўникма ва малакаларини, ишбилармонлик асосларини, эгаллашларини шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

#### **3. Мактабдан ташқари таълим.**

Болалар ва ўсмирларни талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, жамоа бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари таълим муассасалари барпо этилади.

#### **4. Ҳунар-техника таълими.**

Ҳ.Т.Т, меҳнат ва касб-кор маҳорати ҳамда ишчи ва кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва малакаларни оширишни мақсад қиласди. Ҳ.Т.Т таянч таълим асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта маҳсус ўқув юртларида, таянч урта ва касб-хунар таълими негизида амалга оширилади.

## **6. Олий таълим**

Олий таълим танланган фаолият соҳасида чу4қур умуммиллий ва маҳсус билимни зарур касбқ-кор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахасисларини шунингдек илимий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлади. ОЎЮда таълим икки босқичда бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади: ОЎЮ қонунда белгиланган тартибида вақти-вақти билан аттестация ақиредакциядан ўтказиб туриади.

## **7. Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш**

Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб. Шахс ва жамият эҳтиёжларини шунингдек, жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришни таъминлайди. Илмий илмий педагог ходимларни тайёрлаш илмий даражалар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий унвонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва х.) бериш тартиби қонулар билан белгиланади.

## **8. Оиладаги таълим**

Ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий камолотига ва ақл-заковатини ўстиришига маълумотли бўлишига жавобгардирлар. Оиладаги таълим ўқув юртларнинг дастурлари бўйича амалга оширилади. Кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан ўтган таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

## **9. Мустақил равишда таълим олиш.**

Давлат фуқароларининг мустақил равишда ўз маълумотлар, маданий, касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишлари, қизиқишлигини қўллаб -қувватлайди, уларга шарт-шароит яратади.

Билим ва малака даражасини мустақил равишда оширишган шахсларга экстернат тартибида имниҳон топшириш имконияти берилади.

Таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётида устивор деб эълон қилинади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари куйдагилардан иборат:




- т.-т. нинг инсонпарвар демократик хар-рда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус касб-хунар колледжида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.
- ДТС асосида таълим олишнинг ҳамма учун баробарлиги.
- таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашиш, билим олишга интилиш истеъдодни рафбатлантириш.

- Таълим тизимида давлат бошқарувини уйғунлаштириш.

Жиниси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида қанчй вақт яшаётганлигидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишга тенг хукуқ яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

1.



## Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари.


**БИРИНЧИ БОСҚИЧ**  
(1997-2001)  
Мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосидпа ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий кадрла жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

**ИККИНЧИ БОСҚИЧ**  
(2001-2005)

Миллий дастурни түлиқ рўёбга чиқариш. Меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўта аниқликлар киритиш.

**УЧИНЧИ БОСҚИЧ**  
(2005 ва кейинги йиллар.)

Тўпланган тажрибаларни тахлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларига мувафиқ кадрлар тайёрлаш тизими니 такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.



Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни. мазмуни. йўналтирувчи маъзуза, сухбат, мунозара савол жавоб. Фойдаланилган адабиётлар  
Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

### **3-маъзуза.**

#### **Тема: Касбий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши**

##### **РЕЖА:**

1. Таълим методлари ва усуллари ҳақида маълумот.
2. Таълим методлари ва воситаларининг тавсифи.
3. Таълим методларини фаоллаштириш йўллари. Мустақил иш ва уларнинг турлари.

**Таълим методлари ва усуллари ҳақида тушунча.** Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига боғлиқ бўлиб, у таълим назариясида асосий ўринлардан бирини эгаллади.

“Метод” юононча “**metdos**” деган сўзни англатиб, у “йўл”, тадқиқ қилиш каби маъноларни англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятдир.

**Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ҳамда ўқув материалини назарий ва амалий йўналтириш йўлларини англатади.**

**Ўқитиши методлари** таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим оловчи фоалиятининг қандай бўлиши, ўқитиши жараёнини қандай ташкил этиши ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда таълим оловчилар қандай иш ҳаракатларини бажаришлари кераклигини белгилаб беради. Шунингдек, таълим методи ўқитувчи ва таълим оловчиларнинг ўқиши вазифаларини бажаришга қаратилган назарий ва амалий билиш фоалияти йўлидир.

Таълим жараёни ва унинг натижалари таълим берувчининг таълим оловчилар билиш фоалияти ҳаракатини белгиловчи **ишусулларига** боғлиқ. Шу сабабли доимо педагогикада таълим методларига таълим берувчининг иш усуллари ва таълим оловчиларнинг **билишфаолиятиусуллари** деб қараладики, бу усулларнинг ҳар иккаласи ҳам ўқув вазифаларини бажаришга қаратилгандир.

Таълим методлари таълим берувчи ва таълим оловчилар фоалиятининг хусусиятини белгилайди. Улар таълимнинг мақсад – вазифаларига боғлиқ бўлади [5].

**Хозирги замон дидактикаси ва хусусий методикасида таълим методларини тавсифлашга турлича ёндашувлар.**

Таълим методлари теварак –атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонуниятларини тушунишга боғлиқдир, яъни улар фалсафий методологик

асосга эгадир ва таълим жараёнидаги қарама – қаршиликларни, таълим жараёнининг моҳиятини ва тамойилларини тӯғри англаш натижасидир.

Таълим материали таълим мазмунидаги ифодаланган илмий фикр мантиғига боғлиқдир. Ўқув материалининг мазмуни тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб, такомиллашиб ва илмий тус олиб бормоқда, шунинг учун таълим методлари илмий билишнинг мантиғи ва методларига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда.

Замонавий илм – фан ва техника – технологияларнинг ривожланиши билан таълим методларига бўлган муносабат ҳам ўзгариб, такомиллашиб, замонавийлашиб боради ва улар ҳозирги замон дидактикаси ҳамда хусусий методикалардаги таълим методлари билан уйғун ҳолда шакллантирилиб борилади. Шу сабабли ҳам унга турлича ёндашувлар бўлиши ҳам табийдир. Бунда айниқса дидактик ҳарактерга эга бўлганлари муҳим аҳамият касб этади ва улар педагогик назария доирасида амалга оширилмоғи лозим. Бу борада таълим методлари назарий жиҳатдан яхши асосланган бўлиши ва педагогик назариядан келиб чиқсан бўлиши керак ҳамда унинг амалий аҳамиятига албатта эътибор қаратилади, чунки таълим методлари амалда кўлланилмаса у фойдасиз бир нарсага айланади.

Маълумки, таълимнинг амалий йўналганлиги таълим методларининг энг муҳим талабларидан биридир ва у доимо замон талабидаги долзарб йўналишдир.

Демак, таълим методларида педагогик назариянинг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлашга қаратилган ёндашув ҳар доим зарур ва керак. Назария қанча чукур ва илмий бўлса, таълим методлари ўшанча самарали бўлади. Педагогик қарашларда назария қанча кам ифодаланган бўлса, таълим методлари бу назарияга шунча кам боғлиқ бўлади.

Педагогика фани мактаблар ва таълим берувчиларнинг илғор иш тажрибаларини умумлаштиради, анъанавий таълимнинг илмий асосларини кўрсатиб беради, ўқитишнинг замонавий, самарали методларини ижодий равишда излаб топишга ёрдам беради. Шу сабабли ҳам таълим методлари олдига қуйидаги асосий талаблар кўйилади:

1). Ўқув материалини ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик материалистик усусларини, миллий мағкурага ҳамда миллий қадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ – атворнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиш керак. Шу талаб нуқтаи назаридан қараганда, таълим методи тарбияловчи ҳарактерда бўлиши, яъни билимларни ўзлаштиришгагина эмас, балки таълимнинг тарбияловчилик имкониятларини ишга солишга ҳам ёрдам бериши керак.

2). Таълим методи илмий далиллар билан равшан ва аниқ асосланган бўлиши лозим. Ана шунда таълим берувчиси, бу метод билан ишлашда қандай вазифаларни қўйиб, ҳал қилиш мумкинлигини ва қандай вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини кўра олади. Методнинг илмийлиги таълим олувчиларнинг равшан ва аниқ фикр юритишини ҳамда материалларни ўзлаштириш жараёнидаги далил – исбот ва муҳокамаларнинг мақсади,

воситалари, усулларини, шунингдек, асосий ва иккинчи даражали натижаларни ҳам билдиради.

3). Таълим методларининг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди. Ўқув материалини ўрганишнинг ҳар қандай алоҳида олинган усули, гарчи, шу дарсда қўлланиш учун жуда қулай бўлса ҳам, ўқитишнинг бошқа методлари билан бирга қўлланилмаганда таълим олувчилар ақлининг ўқишига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

4). Таълим методлари олдига муқаррар суръатда қўйиладиган яна бир талаб – уларнинг тушунарли бўлишидир. Ўқитиш йўли таълим олувчига тушунарли ва мақбул бўлиши, ўқув материалини ўрганиш усувлари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имконияларига мувофиқ келиши лозим.

5). Болани сезги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўрсатмали қуроллардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдига қўйиладиган муҳим талабдир. Таълим методларини таълимни онгли ва фаол шаклда олиб бориш тамойтили нуқтаи назаридан асослаш зарурлиги ҳам муҳим талаблардан биридир. Боланинг ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлиши, ўқув материали мазмунини онгли равишда тушуниши, ундаги билиш фаоллиги ва қизиқишининг даражаси таълим берувчининг тушунтириш методларига ва таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириш усувлари боғлиқ.

6). Таълим методлари олдига қўйиладиган талаблардан яна бири – бу билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижа берадиган бўлиши лозим. Таълим берувчининг тушунтириш ва таълим олувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши керак [5].

### **Таълим методлари ва воситаларининг тавсифи.**


Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга киравчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув – билув фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнинг ўзи эса ахборот узатиш, қабул қилиш, англаш ва ўқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинадиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишни ҳисобга олсак, биринчи гуруҳ методларига сўз орқали ахборотни узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари оғзаки методлар; ҳикоя, маъруза, сухбат ва бошқалар; иккинчи гуруҳ методларига ўқув ахборотларини қўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари – қўргазмали методлар: тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар; учунчи гуруҳ методларига ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лабаратория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) киради.

Демак, амалиётда кенг қўлланилиб келаётган таълим методларини қўйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (1 - шакл).

Ўқув материалини **оғзакибаён** қилиш методи баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан – тўғри таълим берувчининг жонли нуқти орқали

идрок қилиниши билан тавсифланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қиласди.

Таълимнинг **кўргазмалилик методидан** амалий фаолиятда фойдаланишда намойиш этиш, тасвирлаш ва экскурсия методи билан иш кўришда таълим олувчиларни турли мавзуларда тасвирий материаллар билан ишлашга жалб этиш муҳим дидактик аҳамиятга эга.



**Амалиймашғулотлар** методи, асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкамлаш ва уни амалда қўллай олиш, тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлишни таъминлашга хизмат қиласди. Одатда машқ қилдириш деганда илмий билим ва маълум бир иш – ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали равища ташкил этилган такрорлаш тушинилади.

**Машққилдиришметоди** ўқув предметларининг мазмуни ва тавсифига караб турлича олиб борилиши мумкин. Таълим олувиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда машқ қилдириш қуйидаги талабларга амал қилиши лозим:

1. Топшириқнинг мақсади таълим олувчиларга аниқ ва равshan тушунтирилган бўлиши, мазмуни ва уни ишлаш йўллари эса пухта ўқтирилган бўлиши лозим.
2. Таълим олувчилар дикқати тақдим этилаётган машқقا жалб қилиниши, жамоанинг ва ҳар бир таълим олувчининг интилиш ва қизиқишилари ҳисобга олиниши лозим.
3. Топшириқ режалаштирилган (лойиҳаланган) тизим асосида ва уларни бажаришдаги жараёнларнинг изчиллигига асосланган бўлиши лозим.
4. Маълум қоида юзасидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар шу қоидага оид бошқа мазмундаги топшириқларни бажаришда ҳам осонлик билан қўлланилиши лозим.

5. Топшириқ берилишида таълим олувчиларни фаоллаштирилган ижодий фаолиятга йўналтирилишини ҳам эътиборга олиши лозим.

6. Бериладиган топшириқ (машқ ва шу кабилар)ни таълим олувчиларнинг белгиланган вақти ичида албатта бажара олишлигини эътиборга олиш керак ва бунда таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятига (умумий ва айrim ҳолларда хусусий интеллектуал салоҳиятига) эътибор қаратилиши машқ қилиш жараёнининг оптималь вариантларини кафолатлаш имкониятини беради.


Таълим методларининг бу турида таълим олувчиларга бериладиган ёзма ижодий машқлар ва топшириклар муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек, таълим олувчиларга берилидаган машқ – топшириклар ичида коллокумлар бажариш ҳамда айrim мавзулар бўйича мустақил маъruzалар тайёрлаш ва график ишларни бажариш таълим олувчиларнинг мазкур соҳадаги онгли ижодий муносабатини янада юксалтиришга дидактик асос бўлади.

**Лабораторияметоди.** Бу таълим жараёнида таълим олувчиларга атрофни ўраб турган объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг шакли, ҳажми, таркиби, тузилиши, ўзгариши ва ривожланиши қобилиятлари ҳақида янги – янги билимлар бериш, ўзлаштираётган илмий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, бу шундай таълим методики, унда таълим олувчи таълим берувчи раҳбарлигига олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказади ёки амалий вазифларни бажаради ва шу жараёндаги билимни янгилайди ва тушиниб етади. Шу сабабли ҳам улар қатъий режа асосида олиб борилади. Режа таълим мазмунини таълим олувчилар томонидан тажрибалар ва амалий ишларни бажариш ҳамда ўрганишнинг кўрсатмаларини ифодаловчи таълим берувчининг хужжати ҳисобланади. Унда машғулот мавзуси, ишнинг мақсади, унга ажратилган вақт, машғулот мавзусининг мазмuni, машғулот бўйича адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топади.

Лабаратория методи, деярли барча фанлар бўйича таълим беришда учрайди. Айrim фанларда, яъни, физика, кимё, биология, география, қасбий таълимга оид фанларда, психология, информатика ва шу каби предметларни ўрганишда эса кўпроқ қўлланилади. Улар маҳсус жиҳозланган лабаратория хонасида тегишли моддий – техника воситалари ва мажмуалари ёрдамида олиб борилади.

Лабаратория машғулотлари хусусиятига кўра қуидагича турларга ва шаклларга бўлинади (1 - шакл):



## *1-шакл. Лабаратория машғулотлари турлар ва шакллари.*

*Таълим воситалари.* Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиласди.

*Ўқитишининг асосий воситалари* – бу асосий ўқув мазмунига эга бўлган режалар, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари.

*Ўқитишининг қўшимча воситалари* – бу таълим оловчилардаги билим, кўнирма ва малакаларни шакллантирувчи масалалар, машқлар тўплами, маълумотномалар, тарқатма материаллар, кўрсатмали ва кўргазмали воситалар, дискетлар, ЭХМ ва бошқалардир.

*Ўқитишини такомиллаштирувчи дастур воситалари* – бу мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ва предметдаги тегишли мавзулар бўйича дарс жараёнини такомиллаштиришга имкон берувчи интеллектуаллаштирилган дастурлар ва уни амалиётга жорий этишга шароит яратувчи дастурий – техник воситалардир.

Демак, таълим воситалари муайян ўқитиш методи ёки усулларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалидир. Улар: асбоб – ускуналар, дастгоҳлар, лабаратория жихозлари, ахборот – коммуникацион технологиялари воситалари, кўрсатмали қуроллар, расмий белгилар, макетлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, услубий тавсияномалар ва қўрсатмалар, радио, телевидение ва интернет тармоғи ва шу кабилар.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш табиий ёки тасвирий қўргазма материаллари (предмет, схема, ташкилий – тузилмавий модель, диаграмма, гистограмма, суръат ва х.к.), лабаратория ёки демонстрация (намойишли) машғулотларида қўлланиладиган асбоб – ускуналари, ўқув қуроллари, макетлар, шунингдек, мавзуга оид далиллар (справочник маълумотлар, таъриф, қонун, қоида, тамойил, хосса, хусусият, формула ва х.к.)нинг дарс жараёнида ишлатилишини англашади.

Таълим жараёнида ва уни олиб боришининг самарадорлигини оширишда таълим шакли, тури, метод ва воситаларининг алоҳида – алоҳида аҳамиятлари бор. Бу борада таълимда қўргазмалик методини амалиётда жорий этишда таълим воситаларининг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, таълимда қўргазмалик методининг қуйидаги турларидан фойдаланилади: намойиш этиш; тасвираш ва экскурсия. Бундаги намойиш этиш ва экскурсия методлари таълим оловчиларнинг ўқув материалларини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув материалларининг оғзаки баён қилиш методининг асосий турларидан бири – бу дарслик ва китоб билан ишлаш туридир. Бунда ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараёндир. У таълим жараёнида таълим берувчи томонидан баён қилинган билимларни ўқув материалларини китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни ҳам назарда тутади.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни. мазмунни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ах1, Ах2, Ах3, А1, А3, А5, А6, Ак1, Ак2, Ак5.

#### **4 маъруза. Дидактик билим ривожланишининг замонавий тенденциялари Режа:**

1. Дидактика ҳақида тушунча
2. Дидактиканинг асосий назарий муаммолари
3. Касб-хунар таълим муассасаларида педагогик жараённи ташкил этиш

##### **Дидактика ҳақида тушунча**

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, “Дидайко” – ўқитиш, “Дидаскол” – ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиқсан

Дидактиканинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳиятини, таълим қоидаларини, услублари ҳамда ташкилий шаклларини ўз ичига олади. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат..

Дидактика педагогиканинг “нимага ўқитиш”, “нимани ўқитиш” ва “қандай ўқитиш” каби саволларига жавоб излайди. Дидактика ўз навбатида айрим ўқув фанларига оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуниятларини ечиб боради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қиласди.

Дидактиказга оид яқин ва ўрта Шарқда яшаб ижод этган Ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, санъат, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар. Кайковуснинг “Қобуснома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Юсуф Хос Ҳожибининг ”Қутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Хибот ул-хақойик”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб – ул-қулуб” (Кўнгиллар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта ҳисса қўшишди.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг “Қутатғу-билиг” асари орқали илм-фан, маърифатнинг аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундайди. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм-маърифат ётади. Илм зиёси туфайли жаҳолат зулмати ёзилади, фикр равшанланади, оламга рўшнолик таралади. Ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлиқ ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маърифатга интилиши керак.

Мутафаккир Абу Райхон Беруний (973-1048) илмнинг қадр-қимматини юксак баҳолаган ҳолда, инсоннинг чин фазилати илмда эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Илм ўзи лаззат бағишлийди. Одамлар илм туфайли эзгуликка

эришадилар. Улар илм туфайли ёвузындан холос бўладилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир”.

Билимлар ривожида Шарқнинг буюк алломаси Ал-Хоразмийнинг салмоқли улуши бор, албатта. Бу буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география ва мусиқа соҳаларида бир қанча асарлар ёзган. Унинг “Алжабр ва алмуқобала ҳисобидан қисқача китоб” асари асосида алгебра пайдо бўлди.

Ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси, унинг бебаҳо “Хамса” асарида, ҳикматларида лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод илмли, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарҳод – илм-ҳунарни ҳаёт билан боғлади.

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгти даврларида битган «Маҳбубул қулуб» асари чуқур тарбиявий аҳамиятга молик фалсафий асардир. Асарда донишманд алломанинг ўѓитлари, панд-насиҳатлари мужассамлашган. Асар шоирнинг келажак авлод билан ҳаёлан мулоқотлари тарзида ёзилган.

“Маҳбубул қулуб” баҳонасида улуғ адаб Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ҳақида сўз юритилар экан, бу ноёб асар бошидан-оёқ ҳикмату насиҳат, ибратли ҳикоя ва ўѓитларга сероб бир баҳр эканлигини ҳар бир педагог унумаслиги, таълим жараёнида бу панду насиҳатларда унумли фойдаланмоғи керак. Зотан, “Маҳбубул қулуб” да шоирни ўйлантирган муаммолар бугунги кунимизга ҳам ниҳоятда мос тушади.

Илмий дидактикага асос солган чех олими Я.А.Коменский, швейцариялик педагог И.Г.Песталоцилар Европада дидактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Я.А. Коменскийнинг фалсафий фикрларига ва ўша даврдаги мактаблар тажрибасига таяниб, ўзининг машхур «Буюк дидактика» асарини ёзди. Бу асарда у биринчи бўлиб умумий таълим ҳақида сўз юритган ва таълим беришни ташкил этишни, унинг тамоилларини (асосий қоидаларини), методларини, мазмунини асослаб берган эди. Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» си кейинги асрларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам педагогиканинг ривож топишига жуда катта таъсирини кўрсатди.

Француз файласуфи Жан Жак Руссо ўзининг «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» деган педагогик асарида боланинг ёши ўлғайишига, унга таълим беришга бетакрор тафсифлар бердики, бу эса дидактиканинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. У муаммоли, изланувчанлик хусусиятдаги алоҳида ўқув юртлари бўлишини таклиф этган, таълим беришни бевосита табиат ҳодисаларини бевосита кузатиш билан олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган эди.

1997 йил 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг 13-моддасида Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълим тизими фаолияти белгилаб берилган (12-илова).

«Умумий педагогика» нинг асосий бўлимларидан бири – дидактика бўлими. Дидактика бир неча категориялардан иборат: ўқитиш тамойиллари (13-илова), ўқитиш жараёни (14-илова), таълим мазмуни (16-илова), таълим воситаси (17-илова), ўқитиш (таълим) методлари (18-илова), таълим шакллари (20-илова), баҳолаш методлари (21-илова) (13-, 14-, 15-, 16-, 17-, 18-, 20-, 21-илловалар).

Дидактиканинг ҳозирги вазифаси ўқитишда техника воситаларининг дидактик асосларини тадқиқ этишдан иборат. Ҳозирги пайтда касб-хунар таълими муассасалари замонавий техника воситалари, ускуналар ва компьютерлар билан жиҳозланаётир. Лекин, ўқитувчилар ҳар доим хам улардан тўғри фойдалана билмайдилар. Таълим воситаларининг оқилона қўлланишининг педагогик жиҳатдан асослаб берилиши ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳудудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илфор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

Бу янги ўқув масканларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бир томондан ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўқув юртини замонавий техника билан таъминланганлигига боғлиқ.

Касб-хунар коллежи муҳандис-педагог ходимлари олдига тайёрланадиган малакали ишчи кадрларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятни, жамоа олдига бурч хис туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўяди.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу мураккаб ва маъсулиятли вазифа ўқитувчи-педагоглар зиммасига юклатилади. Ўқитувчи – педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги йўналишлари бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади ва у ўқитиш шаклларида фойдаланиладиган ўқитиш қонуниятлари, принципларини ижодий қўллашда, илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишдек муҳим вазифани бажаради.

Бу вазифаларни бажариш ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдалана оладиган юқори малакали ишчиларни етиштириш демакдир. Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал қилишда муҳандис-педагогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илфор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини тадбиқ эта олишлари катта аҳамиятга эга.

Хозирги касб-хунар таълими дидактикасида қандай ўқитиш жараёни қонуниятлари мавжуд?

- ўқув жараёнига системали ёндашув нұқтаи назаридан қаралғанда унинг ўзаро боғланған икки тизими амал қилади.

Бириңчидан, ўқув жараёни ўзининг ўқитиш мақсади, ўқитиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган.

Иккинчидан, ўқув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг таг тизимиdir. Бу таг тизим ўқитиш, таълим бериш ва тарбия жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизимда салмоқли тизим сифатида касб-хунар таълим тизими ўқув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизими ҳам мавжуд.

Шундай қилиб ўқув жараённинг муҳим ташқи ва ички боғлиқлигини фарқлаш лозим. Шу асосда таълим қонунлари таснифланади. Дидактиканинг ўз қонуниятлари сифатида ўқув жараёни компонентлари орасидаги зарурӣ, такрорланувчи ва муҳим боғланишларни кўрсатиши мумкин.

*Касб-хунар таълим муассасаларида педагогик жараённи ташкил этиши ва педагогик технологиялардан фойдаланиши.*

Касб-хунар таълим тизимида ўқитиш жараённинг ўзига хос хусусиятли томонлари мавжуд бўлиб, самарали натижани кафолатлаш асосан педагогик технологиялар асосида амалга ошади.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, хозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмидан мустаҳкам ўрин эгаллади

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг мешақатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур хурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Уларнинг педагогик маданиятлари негизини болани тушуна олиш, унга инсбатан инсонпарвар муносабатда бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, педагогик фаолиятнинг ҳақлиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда талабалар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларнинг ҳаёт мавжудлигини таъминлашда қудратли омил (восита) эканлигига ишонч кабилар ташкил этади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блуи, Ж. Королл, П.Я.Гальперин, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызына, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина,

Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактик олимларга тааллуклидир.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

**«Педагогик технология** – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

**“Педагогик технология**- бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муаян шароитда таъсири кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир” (Н.Сайдахмедов, О.Очилов).

**“Педагогик технология** – педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учунзарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий – сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса”(Б.Зиёмуҳаммедов).

**“Педагогик технология** – педагогик жараённи бошқариш омили сифатида қўйидаги мазмунга эга: ПТ - таълим жараёнини лойиҳалаш асосида ташкиллаштириш, унинг самарали натижасини кафолатловчи хусусиятларга,(педагогик маҳорат, педагогик такт, педагогик стил, педагогик аниқлик) педагог фаолиятининг инновацион хусусиятларига (ижодкорлик – креативлик, юксак профессионализм – акмеология, таҳлилий ва танқидий ёндошув - рефлексия) таянган ҳолда таълимнинг янги шакл ва усулларини яратиш ва амалиётга жорий этишни бутунлигича аниқловчи тизимли категориядир”(С.Йўлдошева).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва тадбиқ этиш деган холосага келиш мумкин.

Касб-хунар таълим тизимида педагогик жараённи ташкил этишдаталабанинг ва ўқитувчининг муносабатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.Бу муносабатни қўйидаги турларини ажратиш мумкин:

**1. Авторитар технологиялар.** Ўқитувчи асосий субъект бошқарувчи, талаб қилувчи, етакловчи сифатида майдонга чиқади. Талаба шахси эса тобе булиб, барча талабларни бажариши керак. Бунда талабанинг қизиқишилари ва эҳтиёжлари таълимни ташкил этиш жараёнидаэътиборга олинмайди.У бажарувчи сифатида майдонга чиқади.

**2. Дидактик марказлашган технология.** Бу технология марказида таълимжараёни туради ва таълим жараёни тарбияданустунқўйилади. Айнан дидактиковсита ёрдамида шахсни шакллантириш, унда касбий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўқитувчи етакловчи (амалиётчи) сифатида майдонга чиқади. Икки томон ҳам (ўқитувчи ва талаба) бир хил позицияни эгаллайди. Асосий мақсад таълим олишва томонларҳамкорликда иш олиб борадилар.

**3. Шахгайўналтирилган технологиялар.** Таълим тизимининг марказидаталаба шахси туради. Талабанинг ривожланишига соғломпсихологик муҳитни ташкил қилиш, низо ва инқирозлардан асраш, табиий имкониятларини ривожлантириш, қобилиятини ўстиришга қаратилган. Бу йўналишни тўрт гурӯхга бўлиш мумкин:

**а) Инсоний технологиялар.** Бу технология ўзининг инсонийлиги билан, психотерапевтик йўналиши биланажралиб туради. Ушбу технологиянинг мазмуни талаба шахсини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва талабани ижодий қобилиятларини ривожлантиришдир. Талабага нисбатан ҳурматва меҳр биланқарашва мажбурийликдан воз кечишдан иборатdir.

**б) Ҳамкорлик технологияси.** Бу технология демократия, ҳамкорлик, тенглик каби ғоялар асосида қурилган. Ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабатлар субъект -субъект сифатида қаралади. Биргаликда таълим жараёни ташкил этилади ва биргаликда ижод этилади.

**в) Эркин тарбия технологияси.** Талабагатанлаш, мустақиллик эркинлиги берилади. Талаба ўзи танлаганвоситава мазмунни тўлиқ қабул қиласиди ҳамдабу фаолиятни хоҳиш билан бажаради. Ичкиэхтиёж билануйғунликхосил бўлади.

**г) Эзотерик технология.** Эзотерик билимлар (онгдан ташқари) қонуниятларни ўрганиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш назарда тутилади.

Методика – метод ва усулларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, қандайdir харакатни амалда бажарилишидир. Ўқитиши методикасида у ёки бу фанни ўрганиш ҳақида тушунилади. Адабиётларда шундай сўз талқини учрайди «Ўқитиши методикаси», «Ўргатиши методикаси».

Лекин бу икки тушунча ҳам амалда тенг ҳуқуқлидир. Чунки ўқитиши – бу ўргатилганни фаолияти, ўргатиши эса – уларни биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитиши методикасининг методологик асослари билим назарияси бўлиб, умумий қонуниятларни, инсон атрофида содир бўлаётган, уни ураб турган дунё шакли ва методларни ўрганади.

Ўқитиши методикаси ўқув предмети сифатида бўлғуси муҳандис-педагогга қуидагини тушунитириши керак. Қандай ва нимага ўқитиши, қандай кетма-кетлиқда ва нимагаэнди шундай ўқитилади, бошқача эмас. У нафақат методларнинг билим таълим мазмунини, ўқитилаётган фанлар мажмуасини ўз ичига олади.

Ўқитиши методикаси фани махсус ва ишлаб чиқариш таълими фанларни касб-хунар мактаблари ва колледжларда ўқитиладиган предметларни бир бутун гурӯхлар сифатида бирлаштиради.

Махсус фанлар ўқитиши методикаси фанида талабаларга мутахассислик фанларини ишлаб чиқаришига тадбиқ этилган ҳолда ўқувчиларга ўқитиши методларини ўргатишдан иборат. Ўқув жараёнида тарбиявий ишларни олиб бориш, мутахассисликка бўлган қизиқишлини шакллантириш ва қобилиятларини ривожлантириш, касб-хунар коллежи ўқув дастурлари ҳамда хужжатларини тўғри юритиш каби муаммоларни ечишга ёрдам беради.

## **5 маъруза: Ўқитиши жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари. Ўқитиши жараёнинг таркибий қисмлари**

### **Режа:**

1. Ўқитиши тамойиллари
2. Ўқитишининг тарбиявий хусусиятлари
3. Ўқитиши индивидуаллаштириш

Дидактиканинг асосий қисмларидан бири – ўқитиши тамойиллари қисми. **Ўқитиши тамойиллари** – бу ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалардир. Бу тамойилларни билмаслик ёки уларни қўлланишдаги нўноқлик ўқитиши ишига тўсқинлик қиласди, билимларни ўзлаштирилишини, ўқувчилар шахсига тааллуқли фазилатларнинг шаклланишига тўсқинлик қиласди.

Таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни ўқитишининг анъанавий равишда таркиб топган ва ҳозирга замон шароитларида ҳосил бўладиган ҳамда унинг таълим бериш, ривожлантириш функциялари амалда рўёбга чиқишига имконият тугдирадиган умумий қоидаларга таянади. Педагогикада бу умумий асосий қоидалар ўқитиши тамойиллари деган ном билан юритилади.

Ўқитиши тамойиллари тизимини педагогик тафаккур тарихида биринчи бўлиб Я.А.Коменский ишлаб чиқди. У бу тамойилларни ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди.

Таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланиладиган ва амал қилиниши лозим бўлган ўқитиши тамойиллари мазмунининг таърифлари қуидагичадир (13-илова):

**Ўқитишининг тарбиявий хусусияти.** Бу тамойил бир неча йўналишларда амалга оширилади.

- Ўқув материалини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан, миллий истиқлол ғояси, ҳалқнинг меҳнатдаги ютуқлари билан, ҳозирги замон фани ватехникаси, маданияти билан боғлиқлиги.

- Шахсада маънавий фазилатларни, интизомлиликни, қатъиятлиликни ва меҳнатсеварликни тарбиялаш.

- Ўқув жараёнида ҳосил бўладиган ҳиссиётлар, кечинмалар, таассуротнинг ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш.

- Ақлий қобилиятларнинг ривожлантирилиши ва шакллантирилиши

**Ўқитишининг илмийлиги тамойили.** Бизни қуршаб турган оламни билиш жараёни мураккаб, зиддиятли бўлиб, ҳар хил босқичларни, шаклларни ва турларни ўз ичига олади. Илмий билиш ҳодисадан моҳиятга, нарсанинг

ташқи таъсиридан унинг ички тузилишини тасвирлашга ўтишдан иборатdir. Агар ўқув материали ўқувчини қонунлар, тушунчалар, формуалалар ва теоремалар олами билан таништирса, бундай билимлар илмий билимлар деб аталади. Улар ақлий ривожланиш учун етакчи аҳамиятга эгадир. Фақат ана шундай билимларгина ўқув фанининг илмий мазмунини ўзлаштириб олишга, кепгусида эса фанни чуқурроқ эгаллаб, меҳнатда фаол иштирок этишга имкон беради.

**Ўқитишининг тизимлилик тамойили.** Бу тамойил тўртта асосий қоидани ўз ичига олади:

1. Билим одамнинг нарсаларни, ўзини қуршаб турган оламнинг ҳодисаларини акс эттиришидир. Оламда ҳамма нарса нарса ўзаро бир-бирига боғлиқ ва ҳамиша ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Таълим муассасалари ўқувчилари оладиган барча билимлар, узлуксиз ривожланаётган дунёнинг айrim кирралари, қисмлари, хусусиятлари, ҳолатлари таърифидан иборатdir.

Ўқитишининг тизимлилик тамойилининг биринчи талаби ўқув билимларининг ilk мабайнини кўра билишдан, ўқувчи ўқув материали тизимида нарсаларнинг, ҳодисаларнинг реал муносабатларини тасаввур эта олишларидан иборатdir.

2. Ўқув материали фаннинг маҳсус ишланган асослари, қисмлари, қоидалари, бўлинмаларидан иборатдар.

Ўқитишдаги билимлар тизими билан фандаги тизим бир-бирига тўла мос бўлавермайди. Тизимлилик тамойилининг иккинчи талаби – фандаги билимларларнинг коллеждаги ўқувматериалига асос қилиб олинадиган тизимини яхши англаб етишдан иборат. Ўқув фани мазмуни ва уни ўрганиш изчиллигини фаннинг тегишли бўлимларидан фарқини пайқай билиш керак.

3. Таълим муассасаси ўқувчиларининг ўқув материалини ўзлаштириш тизими ўқитувчининг тушунтириш усуllibарига боғлиқдир. Ўқитувчининг тайёргарлик даражаси, унинг ижодкорлиги ва маҳорати ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ва тизимли тарзда ўзлаштирилишини таъмин этади. Тизимлилик тамойилининг учинчи талаби билимларни ўзлаштириш ўқувчиларнинг ёш имкониятларига мос келадиган дастур материалини ўрганиш тизимини топишдан иборатdir.

4. Билимларни тизимли равища тушуниш ўқувчиларни ривожлантириш функцияларини, масалан, таққослаш, таҳлил, синтез қилиш, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, фикрлашнинг индуктив (ягона ёки унчалик умумий бўлмаган туридан кўпроқ даражадаги умумий хулосаларга ўтиш) ва дедуктив (умумий қоидалардан камроқ даражада умумий бўлган хусусий турига ўтиш) формаларини ривожлантиришини ўз ичига олади.

Тизимлилик тамойилининг тўртинчи талаби – ҳар бир дарсда ўқитиши системаси маҳсулдор бўлиши кераклигидир. Бу ўқув дастуридаги материални чуқур ўргангандикда, фикрлашнинг мантиқий жараёнлари ва шаклларини ривожланишда, дикқат-эътиборни, хотирани, тасаввурни, ҳиссиётни тарбиялашда ўқув фаолияти давомидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган хислатларни хосил қилишда ўз ифодасини топади.

**Тушунарлилик тамойили.** Билимларни ўзлаштиришнинг осонлиги, малака ва кўникмаларнинг хосил қилиниши уларнинг мактаб ўқувчиларининг ривожланиш даражаси билан, уларнинг шахсий тажрибаси билан, ўқувчи олган билимлар, малака ва кўникмалар билан алоқасини кўрсатади. Агар бундай алоқаларни аниқлаб бўлмаса, билимлар тушунарли деб ҳисобланмайди.

Оlamda барча нарсалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, барча нарсалар, ҳодисалар ўртасида алоқа маавжуд. Шунинг учун барча билимлар, барча фанлар, барча ўқув фанлари ўзаро бир-бири билан боликдир. Ўқувчи биладиган билимлар инсоният тажрибасининг бир заррачаси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам янги билимларни мавжуд билимлар билан ҳамиша боғлаш мумкин.

**Ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили.** Кишилик жамияти ривожланининг ilk босқичларида ўқитиш болаларнинг катталарга тақлид қилишлари, катта ёшдаги киши бажарган амалий ҳаракатларни қайтариш ҳисобига олиб бориларди. Ўқитишнинг бу содда формаси ўзининг ишонарли, самарали эканлиги туфайли ҳозирги кунда ҳам сақланиб келяпти.

XVII асрда Я.А.Коменский кўргазмалилик тамойилини ҳар қандай тарздаги ўқитишнинг муваффақиятли бўлиши негизи сифатида таърифлади. И.Г.Песталоцци бу тамойилни ўқитишнинг асосий воситасига айлантирди.

Кўргазмалилик тамойилининг ҳозирги изоҳи қуидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

1. Кўргазмалилик деганда ўқувчининг ҳиссий билишини ташкил қилиш тушунилади.

2. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ўқув жараёнида ҳиссий билишини ташкил этишнинг бир жиҳати ҳисобланади.

**Ўқитишнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили.** Бу тамойил ўқувчиларнинг билиш фаолиятида ва дарс беришда асос қилиб олинган қоида сифатида учта муҳим жиҳатни – ўқувчилар томонидан ўқув материалини онгли равишда тушунилишини, ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлишни, билиш фаолиятининг шаклланишини ўз ичига олади.

**Ўқитишнинг пухталиги тамойили.** Ўқув материалини ўзлаштиришнинг пухталиги кўпгина омилларга: тушунтиришнинг илмийлиги ва тизимлилигига, тушунишнинг онглилигига, ўқувчиларнинг билиш фаоллигига, ўқиш сабабларига, ўқув китобларнинг сифатига, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Ўқитишнинг пухталиги тамойили ўқув жараёнининг билимлар пухта бўлишига эришиш имконини берадиган жиҳатларни таҳлил қилишда асосий қоида ҳисобланади.

**Ўқитишни индивидуаллаштириш.** Ҳар бир ўқувчини умумий ҳислатларидан ташқари индивидуал ҳисларга эгадир. Ўқувчининг билиши, иродаси, ҳиссиётiga оид хусусияти, шахсий ҳислатлари ўқитишнинг боришига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ёки бетараф қолиши мумкин. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дарс жараёнини ташкил қилиш – ўқитишни индивидуаллаштириш деб юритилади.

**Фанлараро боғлиқлик тамойили.** Таълим муассасаларида ўтилаётган умумтаълим, махсус ва касбий фанлар бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб бориши лозим. Бунда фанлардаги мавзулар қайтарилемасдан, балки улар бир-бирини тўлдириб боришади.

**Назария билан амалиёт бирлиги тамойили.** Ўтилаётган касбий фанлар назарияси бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Назарий дарслар пайтида берилган маълумотлар амалий машғулотлар мобайнида мустаҳкамлаб бориши зарур.

Таълим жараёнида ўқувчилар анъанавий таълим методлари орқали муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўқув материалининг битта мазмунининг ўзи таълимнинг турли воситалари ёрдамида турли усувлар билан ўзлаштирилиши мумкин. Ўқув материалини ўрганишнинг турли шаклларини қидириш дарснинг мақсадлари, вазифаларини англаб олишдан бошланади.

## **6 маъруза. Ўқувчининг ўқув фаолияти. Ўқув фаолияти тузилиши Режа:**

1. Ўқитиш жараёни, таълим мазмуни ва воситалари
2. Ўқитиш жараёнининг вазифалари
3. Ўқувчининг билимларни эгаллаш босқичлари

Инсон фаолиятининг ҳамма асосий турлари (мехнат, фан, санъат, ўйин каби), унинг теварак-атрофдаги оламни ва ўзини-ўзи билиш билан боғлиқ. Ўқиши теварак-атрофдаги оламни билишнинг махсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиласиган алоҳида тури ҳисобланади. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдан иборатdir.

**Ўқитиш жараёни** орқали ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда билиш фаолияти натижасида **билим, кўникма ва малакаларни** эгаллаб олишга доир махсус ташкил этилган ва бирор мақсадга қаратилган фаолиятdir.

Шунингдек, ўқитиш жараёнини ташкил этиш учун аввало, дарсда дидактиканинг барча категориялари бир вақтда ҳамоҳанг олиб бориши лозим. Хусусан, ҳар бир фаннинг мақсади бўлади, ундан натижа кутилади, натижа эса, назорат ва баҳолаш билан белгиланади. Дарс жараёнида таълим мазмуни, воситаси, ўқитиш методлари, таълимни ташкил этиш шаклларидан фойдаланади, бу ўз навбатида ўқитиш жараёнини ташкил этади (14-илова).

Ўқитиш жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малака ташкил этади. Ўқувчилар ўқиши орқали билим билан қуролланадилар. Бунда билимнинг ўзи кифоя бўлмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай билиш лозим. Бунинг учун эса, ўқувчида кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

**Кўникма** – машқ қилиш натижасида бажариладиган ҳаракатлар ийғиндиси. Кўникма ва иқтидор машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага

айланади. Билим асосида кўникма, сўнгра малака ҳосил бўлади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда керак. Шу жиҳатдан ўқув юртларида ўқувчилар ўртасида баҳслар, беллашувлар, ўткир зеҳнлилар мушоираси, қувноқлар ва зукколар беллашуви каби тадбирларни ташкил этиш фойдалидир. Малака эса, автоматлашган ҳолда бажарилган назарий-амалий билим ва кўникмалар мажмуидир. (15-илова).

Шунингдек, ўқитиш доимо шуғулланувчиларнинг фаоллигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам унинг моҳияти шундаки, бир томондан педагоглар, ўқитувчиларнинг, иккинчи томондан ўқувчиларнинг ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этадиган фаолиятидир.

Ўқитиш жараёни сифатида таълимнинг учта тузилиш элементи бор: ўқитиш (ўқитувчининг таълим берувчи фаолияти), ўқиши (таълим олувчининг билиш фаолияти) ва таълимнинг мазмуни (уларнинг биргалиқдаги фаолият объекти).

Дидактика вазифаларининг комплекс тарзда ҳал этилишига ўқув жараёнининг таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш функцияларини самарали рӯёбга чиқариш имконини берадиган тўлақонли ўқитиш назариясини яратиш учун барча ижобий нарсадан унумли фойдаланиш орқали эришилади.

Хозирги шароитда ўқитиш ўсиб келаётган ёш авлодга имконият тажрибасининг айрим жиҳатларини меҳнат, маданият, санъат, фан, ахлоқ ва бошқаларни ўзлаштириш имкониятини таъмин этадиган ва мақсадга йўналтирилган жараёнга айланади. Ўқитишнинг моҳияти мазкур жамиятда яшашга ва меҳнат қилишга тайёрлашдан иборатдир.

**Ўқитиш жараёнининг вазифалари.** Ўқитиш таълим бериш, камолга етказиш ва тарбиялаш каби учта функцияни ўз ичига олади.

**Биринчи,** билимларни эгаллаш, ўқув кўникмаларини эгаллаш ва малакаларни шакллантириш жараёнидан иборатдир.

**Иккинчиси,** ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ривожлантирилишини ўз ичига олади. Бир хил турдаги билимлар йиғиндиси ақлий ривожланишнинг турлича даражасига олиб келиши мумкин.

**Учинчиси,** тарбиялаш функцияси шундан иборатки, ўқув фаолияти ўқувчини тарбиялайди. Унда ватанпарварлик, ахлоқий фазилатлар, нуқтаиназар, эътиқод, эстетик туйғу, интизомлилик ва меҳнатсеварлик каби хислатлар шаклланади.

Ўқувчилар билимларни эгаллаш жараёнида маълум босқичларни ўтадилар. Муҳандис-педагоглар ўқувчиларнинг билимларни эгаллаш босқичларини яхши билишлари керак. Ўқувчининг билимларни эгаллаш босқичлари куйидагилардан иборат:

**Биринчи босқич** – бу идрок этишдир. Психологиядан маълумки, идрок этиш – мақсадга йўналтирилган билиш жараёни демакдир. У сайланма характерда бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга аввало мавзу хақида хабар бериши, яъни улар нимани ўрганиши кераклигини айтиши керак. Вазифа қўйиши ва уни тушунтириши шарт. Агар ўқувчилар ўқув топширигини англаб етмасалар, ўқув материали билан таништиришга ўтмаслик керак.

**Иккинчи босқич** – бу ўқув материалини идрок этиш босқичи ҳисобланади. У билимларнинг назарий томонини алоҳида ажратиб кўрсатишдан ва таҳлил этишдан иборатдир. Асосий фикрни топиш, тушунчаларни ажратиб кўрсатиш, уларни белгиларини асослаб бериш, изоҳловчи материалнинг характеристини тушуниб олиш мисоллар ва тушунтирувчи фактлар йигиндисини ўрганиш керак.

**Учинчи босқич** – бу ёд олиш ва мустаҳкамлашдир. Вазифа олинган билимларни узоқ вақт давомида хотирада сақлаб қолишдан иборатдир. Бу борада билиш фаолияти асосан, машқлар, мустақил равишда репродуктив ва ижодий иш қилиш тарзида номоён бўлади.

**Тўртинчи босқич** – билим, малака ва кўнилмаларни амалий фаолиятда, айниқса ўқув муассаса қошидаги ўқув устахоналарида, лабораторияларда ишлаш чоғида шунингдек, тракторларда, машиналарда, комбайнларда, станокларда ва бошқа машина, механизмларда ишлашга ўргатишидирдир.

**Таълим мазмуни** – умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда олий таълим мазмунига давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурлари, дарслеклар, ўқув ва услубий қўлланмалар, тавсияномалар киради. Қуйида уларга қисқача таърифлар келтирилади (**16-илова**).

**Давлат таълим стандарти (ДТС)** – таълим мазмунига ва унинг ўзлаштириш сифатига қўйиладиган талаблар мажмuinи ташкил этади, яъни стандарт таълим мазмунининг ўзлаштириш даражасини белгилиб берувчи меъёрий ҳужжат.

**Намунавий, танч ўқув режалари** таълим мазмунидан келиб чиқиб, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тайёрлов йўналишлари бўйича алоҳида тузилади. Таянч ўқув режалари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади. Таянч ўқув режасида ўқув йили 40 ҳафта ва 2 семестрдан иборат. Ҳар бир семестр 20 ҳафтани ўз ичига олади. Ўқув режаси лойиҳаси шу соҳада тажрибага эга бўлган мутахассислар гурухи томонидан тайёрланади. Ўқув режаси лойиҳаси Республика комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Айрим ҳолларда ўқув режаси лойиҳаси Марказнинг Илмий-методик кенгаши томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин.

**Ўқув режалар** қўйидагича бўлади: намунавий, таянч ўқув режаси ва ишчи ўқув режаси. Ишчи ўқув режаси муайян таълим муассасаси учун ўқитиши жараёнининг календар тузилмасини ва босқичларини ифодалайдиган, намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқиладиган ҳужжат ҳисобланади. Намунавий ўқув режа таянч ўқув юртлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Фанларнинг ўқув намунавий дастури муайян предметлар бўйича таълим мазмунининг зарурий минимумини ва ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини батафсил очиб берувчи ҳужжат ҳисобланади. У мутахассис фан ўқитувчилари томонидан тузилади ва ЎМКХТ Маркази томонидан тасдиқланади.

**Ўқув фани дастури** таълим мазмуни, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган меъёрий ҳужжатдир.

Фаннинг ўқув дастури ўқув жараёнининг мазмуни ва сифатини белгиловчи меъёрий ҳужжатдир. Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида таълим ўқув режасидаги ҳар бир фан, маҳсус ва факультатив курс бўйича тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ олиб борилиши шарт.

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастур асосида яратилади. Ишчи ўқув дастурида фан бўйича режалаштирилган ўқув соатлари асосида мавзуларнинг соатлардаги тақсимоти (ушбу тақсимотни 10% гача ўзгартириш имконияти ҳисобига олинган ҳолда), мавжуд ўқув-услубий ва техникавий

таъминот, амалий ва лаборатория машғулотларининг соатларидаги аниқ рўйхати келтирилади.

**Дарслик** – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фаннинг асосларини мукаммал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр. Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

**Ўқув қўлланма** – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айrim боб ва машғулотлар ечимиға мўлжалланган нашр. **Услубий қўлланмалар** таълим муассасасининг илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Дарсликлар қўлёзмаси тайёр бўлгандан кейин ички ва ташқи тақриздан ўтказилади, таълим муассасасидаги эксперт комиссияси қўригидан ўтиб, тегишли хулоса олгандан сўнг мутасадди кафедра йиғилишидан ўтади, кейин таълим муассаси илмий-услубий кенгашидан ўтади ва нашрга тавсия этиш ҳақидаги таклифни Вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қошидаги эксперталар қўригидан ижобий ўтгандан сўнг мазкур Кенгашнинг нашр этишга рухсати ҳақидаги қарорини олади.

**Таълим воситалари** – таълим-тарбия жараёни сифати самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминлданганлигига боғлиқ бўлади. Таълим жараёнини амалга оширишда ёрдам берувчи воситаларга таълим воситалари дейилади. Таълим воситалари учга бўлинади: аниқ, техник ва чоп этилган ўқув материаллари (**17-илюва**)

Аниқ таълим воситаларга ўқитишда қўлланиладиган барча аниқ воситалар, хусусан: машина, тарактор, жиҳоз, дастгоҳ, тайёр маҳсулотлар ва ҳакозалар киради. Техник воситаларга проектор, кино аппарат, ўқув телевиденияси, ведиомагнитафон, компьютер видеофильмлар, мультимедиа

ва бошқалар киради. Бундан ташқарии синф доскаси, доска-стенд, доска-блокнот, кодоскоплар ҳам техник воситаларга киради. Чоп этилган ўқув материаллариға барча чоп этилган ўқув ва күргазмали материаллар киради. Жумладан, дарслик, ўқув қўлланмалари, тарқатмали материаллар, ишчи варақалари, назорат (тест) варақалари, маъруза матнлари, жадваллар, йўл-йўриқ хариталари, топшириқ карточлари ва бошқалар.

**1. Ўқитувчи учун воситалар:** ўқув предметини ўқитиш методикаси бўйича қўлланмалар, шахсий методика, мураккаб масалалар бўйича методик тавсиялар, ўқитувчилар томонадан тайёрланган методик ишланмалар, мантииций структура ва бошқалар.

**2. Ўқувчи учун восита:** дарслик, ўқув қўлланма ёки ўқитувчининг маъруза матнлари, жадваллар, йўл-йўриқ хариталари, топшириқ карточкалари ва бошқалар.

**3. Дарс ўтиши учун восита:** плакатлар, диаграммалар, моделлар, макетлар, эталонлар, намойиш қилиш жиҳозлари, лаборатория Амалий ишларини ўтказиш учун жиҳозлар, диафильм ва бошқалар.

Танлаб олинган метод, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши яъни уйғунлашуви керак. Чоп этилган ўқув материаллари таълим олувчиларнинг мустақил ишлаши ва уларнинг фаоллашувига кўмаклашади. Шунингдек, ўқитувчи учун юқорида келтирилган таълим воситаларини дарс ўтиши жараёнида тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эгадир.

**Синф доскаси** – ўқув материалини визуал намойиш қилишнинг анъанавий ва қулай воситасидир. Ундан ўқув материалининг асосий таянч нуқталарини белгилашди ёки бирор нарсани тез ёзиш лозим бўлганда фойдаланиш жуда қулайдир. Бундан ташқарии синф доскаси таълим муассасасининг ҳар бир ўқув хонасида мавжуд.

**Камчилиги:** янги материални тушунтириш учун доскада ёзилганларни ўчиришга тўғри келади, аввал ёзилганларни қайта кўрсатиш имкони бўлмайди. Бундан ташқари ўқитувчи доскага ёзаётганида таҳсил олувчиларга тескари ҳолатда бўлиб, уни эшитиш қийин бўлади.

**Доска-стенд** – машғулотларда ўқув мунозаралари, ақлий ҳужум, гуруҳ ишлари ва бошқа муҳокамалар натижаларини ҳужжатлаштиришда фойдаланиладиган ўқитишининг техник воситасидир. Бунда, стендга ўша катталиқдаги қоғоз қўйилади ва унга турли рангдаги ҳамда шаклдаги карточкалар ёпиштирилади. Машғулот давомида стенда мазкур карточкалар ёрдамида иловалар, тузилмалар, шарҳлар ва шу кабиларни тузиш мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, карточка (илова, тузилма, шарҳ) лар жойлашувини хоҳлаган вақтда ўзгартириш имконияти мавжуд. Шунингдек, доска-стенд билан ишлаганда қисқа вақт давомида барча таҳсил олувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва ғояларини қамраб олиш ва қайд этиш имконига эга бўлинади.

**Кодоскоп (графопроектор)** – шаффоф плёнкадаги тасвир (слайд) ниэкренга проекциялаш учун қўлланиладиган жиҳоз ҳисобланади. Ундан маъруза вақтида материалларни намойиш қилиш учун, шунингдек, гуруҳ ишлари тақдимотида ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади. Кодоскоп

фойдаланиш учун қулай, мослашувчан восита бўлиб, бир марта фойдаланган плёнкадан кўп марта фойдаланиш мумкин, бундан ташқарии доска бўлмаган ҳолларда асосий тушунчалар, ғоялар ва натижаларни ўқитувчи плёнкага фломастер ёрдамида тўғридан-тўғри ёзиб кўрсатиши мумкин.

**Тарқатмали материаллар** – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1, 2 варак) ёзма ўқув материали ҳисобланади. Мазкур материаллар Машғулот ишини қизиқарли қилиш имконини бериб, кўп ҳоллардатаълим олувчилар учун мустақил равишда ўқиб чиқиб муҳокама қилиш учун мўлжалланган бўлади.

### **Ўқитиш методлари ва уни ташкил этиш шакллари**

**Ўқитиш (таълим) методи** кўпинча ўқитувчининг ўқувчилар билимларни чукур, онгли ва мустақил эгаллаб олишларига қаратилган ва ўқувчилар билиш фаолиятини бошқаришни таъминлайдиган фаолият усуллари сифатида таърифланади.

МЕТОД-юононча атама бўлиб, у мақсадга эришиш йўлини билдиради – муайян маънода тартибга солинган фаолият. Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Таълим методи, бу ўқитувчи ва ўқувчининг тартибга солинган ўзаро алоқадаги фаолияти, ўқитиш жараёнида таълим ва ривожланиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир

Таълим методлари ҳозирги вақтда қуйидагича классификацияланади:

- а) *билим олишининг асосий манбаи бўйича* (оғзаки, кўргазмали ва амалий);
- б) *ўқитувчи фаолияти шакллари бўйича* (ўқитиш методлари) ва ўқувчилар фаолиятининг шакллари бўйича (таълим (олиш) методлари);
- в) *фикрлаш, эслаб қолиши ва билим олиши фаоллигининг характеристи бўйича* (репродуктив, изоҳли-кўргазмали, муаммоли-изланишли, тадқиқотли);
- г) *хуроса чиқарии турлари бўйича* (индуктив, дедуктив) (18-илова).

**Ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар.** Агар ўқувчилар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг оғзаки мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик матнлари асосида олсалар, бундай методлар *оғзаки*: тушунириш, хикоя, сухбат, баён, изоҳ, ва ҳоказо методлар жумласига киради. Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Аммо, улар ёрдамчи ўрин ўйнайдилар (18-илова).

**Кўргазмали методлар** деганда таълим жараёнида қўлланиладиган кўзгазмали қуроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материалини ўзлаштириш шакллари тушунилади.

Машқлар, мустақил топшириклар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўқув материалини эгаллаш шакллари таълимнинг **амалий методлари** жумласига киради.

Ўқувчиларнинг ўқув материалини эгаллашлари асосан хотиранинг эслаш функциясига асосланган методлар *репродуктив методлар* дейилади.

**Изоҳли-кўргазмали методлар** янги мазмунни ўрганишнинг турли шаклларида фойдаланилади. Изоҳли-кўргазмали методлар икки қисмга

бўлинади: биринчи қисмда назарий маълумотлар берилса, иккинчи қисмда оғзаки тарзда ҳам, кўргазмали қуроллар ёрдамида ҳам маълумотлар берилади.

**Муаммоли-изланишили методлар.** Ўқувчилар онгида проблемали вазият ёки илмий изланишларни ташкил этувчи методлар муаммоли-изланишили методлар дейилади.

Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига айрим тадқиқот вазифалари ва ишларни бажаришлари, мустақил кузатишлар, уларни ёзиш ва натижаларни таҳлил қилишлари каби методлар *тадқиқот* методлари дейилади.

Шунингдек, фаол ўқитиши методлари – ҳозирги вактда таълим муассасаларида ўқитишининг икки хил тури яъни, анъанавий ва ноанъанавий ўқитишининг замонавий методлари қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Анъанавий ўқитиши жараёнида асосан ўқитувчи авторитарлик билан дарсни олиб борса (субъект-объект), ноанъанавий ўқитиши жараёнида эса ўқувчи шахсига эркинлик бериш, муносабатларни демократлаштириш (субъект–субъект) асосида дарс жараёнлари ташкил этилади.

Анъанавий (суст) ва ноанъанавий (фаол) ўқитиши жараёнида ўқувчилар билимларини ўзлаштириш самарадорлигини 19-илова орқали кўришимиз мумкин.

Дарс жараёнларида юқори самарадорликка эришиш учун қуйидаги фаол ўқитиши метод (усул) ларидан фойдаланиш мумкин (18-илова):

**1. Ақлий хужум.** Бу усулда ўқитувчи томонидан муаммоли топшириқ (савол) берилади ва барча ўқувчиларнинг фикр – мулоҳазалари тўпландади. Дарсда қатнашаётган ўқувчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиласилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар.

**2. Гуруҳ (жуфт) бўлиб ишлаш.** Дарс қатнашчилари кичик гурухларга (4-5 ўқувчи) бўлинган ҳолда ёки жуфт бўлиб ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажаришади.

**3. Баҳслар.** Ўқув гурухини икки командага бўлган ҳолда, бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказилади.

**4. Мехмон машқлари (уларни кутиб олиш).** Дарс жараёнларида борор мавзуни таълим муассасаларига тегишли бўлмаган мутахассис иштирокида ўтказиши. Мутахассисни чақириш, уни кутиб олиш, дарс жараёнини ташкил этиш, кузатиб қўйиш каби барча ташкилий ишлар ўқувчилар томонидан бажарилади.

**5. Анкета ўтказиши.** Касбийфандарни ўқитиши давомида ҳар бир бўлим, боб якунлангандан сўнг, ўқитувчи анкета сўровлари ўтказади.

**6. Оғзаки ва ёзма машқлар.** Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурини тараққий эттириш, уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ.

Ёзма машқларнинг асосий вазифаси – керакли кўнинма ва малакаларини шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Бу машқлар

орқали таълим олувчиларнинг ҳусниҳатлари, хатосиз ёзиш каби қўникмалари шакллантирилади.

**7. Тез ўқиши.** Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқини, ҳар хил сўзларни, атамаларни, терминларни тўғри талафғуз қилиш қўникмаларини шакллантирувчи усулдир.

**8. Ўз-ўзини аттестация қилиш.** Ҳар бир таълим берувчи ва таълим олувчи ўз фаолиятини назорат қилишга қаратилган усул.

**9. Натижаларни таҳлил қилиш.** Таълим берувчи таълим олувчиларга қўйган баҳолар натижасини, дарс машғулотида қўйилган мақсадга қай даражада эришилганлиги таҳлил этилади.

**10. Аудиокассеталар эшитиб, уни ҳикоя қилиш.** Касбий фанларда ўқув материалини аудиокассеталарга ёзиб, уни таълим олувчиларга эшиттириш ва уларнинг ҳикояларини тинглаш.

**11. Видиоматериаллардан фойдаланиш.** Дарс жараёнида мультимедиа тизимидан, видеоёзувлардан, кодоскоп, пректор, ўқув телевидениеси, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланиш.

**12. Тадқиқот.** Таълим олувчиларнинг айрим тадқиқот ишларни яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асосланган ҳолда мустақилбажаришлари, уларни ёзиш ва қўйилган мақсад ва натижаларни таҳлил қилишлари тадқиқот усулидир.

**13. Пантомимо.** Таълим олувчилар томонидан ўқув ахборотларини сўзсиз, факат харакатлар орқали бир-бирларига етказиши.

**14. Импровизация.** *Дарс машғулотларида ўқувчиларнинг ностандарт вазиятларни таълим олувчиларнинг мустақил ҳал эта олишлари.*

**15. Кузатиш ва маълумотларни етказиши.** Таълим олувчиларнинг бир –бирларини кузатишлари ва қўйилган муаммо бўйича маълумотларни етказиши.

**16. Музёрап.** Таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги «тўсиқни» йўқотишга қаратилган усул.

**17. Ўйинлар.** Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётӣ вазият сахналаштирилади.

**18. Лойиҳалаш ишлари.** Бу усул билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

**19. Китоб билан ишлаш.** Ушбу усул таълим олувчиларнинг ўқув материалини мустақил ўзлаштиришини, ўз – ўзини текширув малакаларини, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равишда баён эта билишига қаратилган усулдир.

**20. Индивидуал (амалий) усул.** Таълим олувчилар фаолиятида олинган билимларини амалий вазифани ечишга қаратадилар. Назарий олинган билимларни амалиётга тадбиқ қилишдир.

**21. Кўргазмали материаллар (сетка, диаграмма, карта, фотография, санъат асарлари, плакатлар)** биланишлаш. Таълим олувчиларни мустақил равишда кўргазмали материаллар билан ишлаши ва уларни тайёрлашлари.

**22. Суҳбатлашишлар.** Бу ўқитиш ва ўқишининг диалогик, савол – жавоб усулидир. Суҳбат индивидуал ва гурух шаклида ўтказилиши мумкин.

**23. Вазиятларни ўрганиш.** Таълим муассасаларида вужудга келадиган стандарт вазиятларни ўрганиш ва уни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши.

**24. Пинборд.** Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув сухбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчилар ахборотлари, маълумотлари доскада тартиб билан жойлаштирилади.

**25. Бошқаларни ўқитиши.** *Бу усулда таълим олувчилар қўйилган муаммо бўйича бир – бирларига ахборотлар ва маълумотларни ўргатадилар.*

**26. Давра сухбати.** Таълим олувчилар давра столида ўтириб, бир–бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.

**27. Баҳолаш.** Кўйилган мақсадга эришилганликни аниқлаш мақсадида таълим олувчиларни таълим берувчи орқали ёки бир–бирларини баҳолашлари.

Юқорида санаб ўтилган таълим методлари таълим муассасалари дарс жараёнларида ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ўқитиши ташкил этиш шакллари** ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда ва маълум меъёрда ўтказиладиган фаолиятларининг ташки ифодасидир.

Педагогикада ўқитишининг уч хил кўриниши мавжуд: 1) ташкилий (якка таркибда, жуфтликда, кичик гуруҳда, гуруҳлараро, синфда, таълим муассасасида); 2) дарс ўтказиш жойига кўра (ўқув хоналарида, ўқув хоналаридан ташқарида); 3) ажратилган вақтига кўра (бир соатлик дарслар, кўшма дарслар (80 дақиқалик), кўнгироқсиз дарслар (4-6 соатлик, яъни анжуманлар, коллоквиумлар, семинар, амалий машғулотлар, тадбирлар ва х.к.)) (**20-илюва**)

Ўқитувчи коллеж ўқувчиларини ўқитища хар бир ўқувчи ўзига белгиланган топшириқни бажараётганда ёки ўқитувчи бутун гуруҳ билан шуғулланганда ҳам, у ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида ишлайди. Ўқитувчи дарс ўтказиш жойига кўра дарснинг мавзусига қараб ўзи танлайди, хусусан дарс хоналаридами ёки дарсдан ташқаридами (ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар, медицина пунктлари ва х.к.). Ҳар икала ҳолатнинг ҳам афзаллик томонлари мавжуд. Масалан, ўқитувчи дарс хоналарида ўқитишининг тушунарлилиги, тежамлилиги, изчиллиги, пишиклилигини таъминлаш ҳамда ўқувчилар жамоасини таркиб топтириш учун шароит

яратишидадир. Бунда ўқитувчининг ўрни катта, у таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчисидир.

Кўнғироқсиз дарсларнинг асосий шакллари маъruzалар, семинарлар ва шу кабилардир. Унга ўқув жараёнининг алоҳида гуруҳларга бўлиниши ва ҳар бир гуруҳда ўқув жараёнининг ихтисослашган шакллари (анжуманлар, коллоквиумлар, семинар, амалий машғулотлар, тадбирлар ва ҳ.к.) нинг бўлиши мумкин. Ўқитишнинг бундай кўринишида турли ўқув гуруҳлари – оқимлар, гуруҳлар, кичик гуруҳчалар ташкил қилинади. Бундан ташқари айrim ўқувчилар билан индивидуал яъни, якка тартибда режа асосида шуғулланишлари мумкин.

### **Билим, кўникма ва малакаларни текшириш ҳамда баҳолаш**

Таълим муассасалари ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини текшириш деганда, уларнинг фанлардан олган назарий ва амалий ўзлаштириш сифатлари натижаларини аниқлашнинг хилма-хил усуллари тушунилади. **Баҳолаш** – бу хоҳ назарий, хоҳ амалий билим, кўникма ва малакалар бўлсинки, уларнинг сифат натижаларига қараб, баҳолаб фикр юритиш тушунилади. Баҳолашнинг қуйидаги турлари мавжуд (21-илова):

1. Текширув
2. Савол ва жавоблар
3. Ҳар хил саволларни танлаш
4. Ўзини – ўзи баҳолаш
5. Тенгдошининг баҳолаши
6. Устозларнинг фикрлари
7. Ҳар хил тавсиялар
8. Рейтинг
9. Презентациялар (Тақдимотлар)
10. Интервью
11. Тестлар
12. Видеокамера ёки инсон кузатиши
13. Микротопшириқлар
14. Учинчи кишининг баҳолаши (масалан, иш берувчи)
15. Лойиҳалар орқали баҳолаш.

Ўзлаштиришни текшириш ва баҳолаш ўқитишни бошқаришнинг муҳим таркибий қисмидир. У ўқитувчи ва таълим олувчиларга режалаштирилган ахборот ва маълумотларни бериб, «тескари алоқа» вазифасини бажаради, бу эса ҳар иккаласига ҳам ўқув фаолияти мақсадга мувофиқ тузатишлар имконини беради.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шунданaboratki, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлди. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил эти шва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастуридаги материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта қўриб чиқиши ва баҳолаши учун жуда муҳимдир.

Ўқувчиларнинг билим, қўнимка ва малакаларини назорат қилиш (текшириш) ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишига, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги пайдо бўлади.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадр. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, коллеж ўқувчиларининг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг ҳам кучли, кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

### **Инновацион педагогика**

Инновация педагогик муаммолар ечимини излаш, таълим соҳасида инновацион жараёнларнинг бориши, хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

«Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар изланишлари натижасида пайдо бўлди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирган. Унинг бу маъносига ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

XX аср бошларида бирор билим соҳасига янгиликларни киритиш ва қўллаш Фани юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. 30-йилларда АҚШ да «инновацион фирма сиёсати», «инновацион жараён» атамалари пайдо бўлди. 60-70 йилларда арбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга ошираётган янгиликларни эмперик текширишлар кенг қулоч ёйди.

Олимлар янгиликлар киритиш ва текширишни уч босқичга ажратадилар:

**Биринчи босқич** – янгиликлар муваффақиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликларнинг эмперик маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ.

**Иккинчи босқич** – янгиликлар киритиш жараёнининг ўзини бир соҳа муҳитидан иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш деб қарайдилар.

**Учинчи босқич** – тадқиқотчи диққати турли хил инновацион вазиятларни таҳлил қилиш, таваккалчиликни, баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришларига қаратилади.

Педагогик инновацион жараёнларни арбда 50-йиллар охиридан бошлаб, бизнинг мамлакатимизда эса кейинги 10 йилликдан бошлаб олимлар махсус ўргана бошладилар. Жаҳон педагогик жамоатчилигининг қизиқиши махсус инновацион хизмат, нашриёт фаолияти журнал ва информацион мақолалар кўринишида пайдо бўляпти. Хусусан, ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш ғосиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатлардаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро биланбиргаликда педагогик жамоатчиликка махсус нашрларда улар хақида маълумотлар тарқатади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи педагоглар ҳаракати, таълим муассасасининг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагоглар амалга ошира билмасликлари ўртасида юзага келган қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», янги «инновация», «инновацион жараён» каби

тушунчаларни англаш талаби ортди. **«Инновация»** сўзи лотин сўзидан келиб чиқкан бўлиб, у **«янгилик киритиши»** деган маънони билидиради.

## 7-Маруза

**Тема: Педагогик тантарларни ташкил этиш усуслари**

### Режа:

1. Педагогик тантарларни ташкил этиш тушунча.
2. Педагогик техника ва тантарларни эгаллаш йўллари.
3. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири.
4. Педагогик техникаси ўқитувчи фаолиятини тартибга солувчи шакл сифатида.

Педагогик техника ўқитувчига ўқув фаолиятида хам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади. Аввало, педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ маданиятини, яъни саводли гапириш, уз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, уз фикр ва хис-туйгуларини сўзда аник ифодалаш малакаларини айтиб утиш мумкин.

Педагогик техниканинг бош таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалигидир. Аник имоишора, маъноли қараш, рагбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишида кўп сўзли тушунтириш ёки эътиroz билдиришга қараганда анча самарали мумомила воситалари хисобланади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишида ўқитувчининг уз хиссий психик холатини бошқариш, ўзида энг қулай хиссий (ижодий) жиддийлик даражасини ва умидбахшлик, хайрихохлик кайфиятини саклаш ўзининг хиссий дам олишини ташкил этиш маҳоратида муҳим ролғ ўйнайди. Бу маҳорат педагогнинг касбий жихатдан уз-ўзини назорат қилишини таъминлайди. Кўп йиллар давомида соглом асаб тизимини саклаб қолиш,

асабий бузилишилардан, хиссий ва аклий зерикишдан ўзини тийишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ўқитувчининг педагогик техникаси - бу шундай бир малакалар йириндисидирки, у тарбияланувчилар куриб ва эшитиб турган карсалар оркали уларга уз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. Болалар билан бевосита муомила қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари ёки уларнинг йуклиги унинг хулк атворида намоён бўлади. Тарбиячи, ўқитувчи хар бир ишни ташкил этишни, юришни, хазиллашишни, қувноқ, жахлдор бўлишини билиш лозим. У ўзини шундай тутиши керакки, унинг хар бир харакати тарбияланувчиларга намуна булсин, Педагогик техника ўқитувчи малакаларининг шундай йигиндисидирки, у ўқитувчининг энг яхши ижодий хулк атворига, бошқача қилиб айтганда, хар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларда самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Мукаммал педагогик техника педагогнинг вақти ва кунларини ижодий иш учун бушатиб беради. Педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида болалар билан муомила қилишда зарур сўзни топиш ёки муваффакиятли чиқмаган гап охангини тушунтиришга уз фикрини чалгитмаслик имконини беради. Педагогик техникани эгаллаб олган ўқитувчи овози бўғилгандан ёки ўзининг иш билан борлик булмаган қандайдир кечинмаларини унутишни билмасликдан азобланиб юрмайди. Демак, педагогик техникани эгаллаш ўқитувчининг уз касб маҳоратидан каноатлантириш даражасини ўсишига олиб келиши мумкин.

Педагогик техниканинг хамма учун умумий бўлган малакаларини тадбик этиш соҳасини педагогнинг болалар билан бевосита муомиласини караб утамиз, Ривожланган педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан муомила килганда зарур. Сўз, гап, оханг, қараш, имо-ишорани тез ва аник топиш, энг уткир ва кутилмаган вазиятларда осойишталикни ва аник фикр юритиш, тахлил қилиш қобилиятини саклаб қолиш имконини беради.

Бундан ташкири ҳақиқий педагог таъсир кўрсатишда ўқитувчининг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир вақтда намоён бўлади. Нутқ, имо-ишора, мимика, харакат билан бирга содир бўлади. Узликсиз ўзини тутабилиш; таъсирчанвоситаларга берилмаслик имконини беради.

Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, мижози, феъл атвори, сихат-саломатлиги, анатомик, физиологик хусусиятларига анча боғлиқбўлади.

Педагогик техниканинг шаклланиши шахснинг сифатларига хам таъсир кўрсатади. Чунончи, нутқни ифодали, соф, саводли бўлиши устида ишлаш, фикрлашнинг равон бўлишига таъсир килади. Психик фаолиятни мустакил тартибга солиш усулларини эгаллаш, феъл атвор билан бўлган хиссий вазминликнинг ривожланишига олиб келади. Педагогик техника малакаларининг шаклланиш даражасида ўқитувчининг умумий маданияти, имкониятлари номоён бўлади. Агар педагогнинг нутқи кашшок ва тартибсиз бўлса, булар-булмас сабаблар билан уз хиссиётларига эрк берса, тарбияланувчи хиссиётига таъсир килмайди.

Педагогларнинг ўқувчилар билан бевосита мулоқоти тарбияланувчиларга таъсир кўрсатади. Бу жараёндан икки томонлама ахборот алмасилади. Яъни, педагог бошқариш субъектидан объектга "ўқувчилар"га боради. Ва аксинча объект субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомиладан уз тарбияланувчилари умуман жамоа, ундаги ички жараенлар хакида гоят хилма-хил ахборотга эга бўлади ва х.к.

Педагогик муомила воситаси оркали қандай ахборот олишни караб чикар эканмиз, ўқувчининг шахси хакидаги ахборотини муҳимлигини алоҳида таъкидлаб утиш керак. Бевосита муомила шахснинг гоятхилма хил шароитларда ва кўринишларда урганишга имкон беради, У факат шахснинг хулк атворида намоён бўладиган эркин ва энг таъсирчан ташқи белгиларигина кайд этиш имконини бериб колмайди. Педагог ўқувчилар билан муомила килар экан, жуда майда деталларни хам англаб олишга кодир бўлади, бу деталлар сиртдан қараганда унчалик ахамиятли булмай шахсда содир булаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараенлар кўринишларининг аломатлари буйича бўлиши хам мумкин, Бу хол шахсни чукур тушуниш имконини беради, ташқи катлам остида бошқа усуллар билан аниклаб булмайдиган нарсаларни топиш имконини беради. Педагоглик фаолияти кишини ўзи дуч келадиган ходисаларни тахлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитади. Бу эса уз шериклари ахволини фахмлаб, билиб олиш ва улар хакида хукм юритиш қобилиятини оширади. Нихоят педагогнинг ўқувчилар билан кундалик муомиласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг хатти харакатларидаш чукур маъно ва ҳақиқий сабабини турли вазиятларда пайкаб олади, бунинг учун намуна сифатида ўзи тез-тез кайд килган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулк-атвор усуллардан фойдаланилади, Бу нарса педагоглик фаолиятида айникса сезилиб туради. Бу конуний бир холдир. Чунки "Биз кундалик хаётда одамлар билан муомилада булар эканмиз, уларнинг хулк-атворини билиб оламиз, чунки биз уни гуё укигандай" буламиз, яъни хулк-атворнинг ташқи кўринишлари ахамиятини тушуниб оламиз ва шу тарика контексда хосил бўлган ўзининг ички психологик режасига эга бўлган текстни маъносини очиб берамиз. Бу "укиш" йўл-йўлакай бўлади, чунки атрофимиздагилар муомила жараёнида бизда уларнинг хулкига дойр маълум даражада автоматик тарзда мавжуд бўлган психологик маъно хосил бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомиласи улар уртасидаги узвийликни тулдирувчи вазифасини хам бажаради. Шу муносабат билан тарбия узлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш керак. Болаларга нисбатан тарбиявий вазифани бажарувчи катта ёшдаги кишилар, унга доимий таъсир этувчи тизимиға эга эмас. Хар бир ўқувчига хар хил таъсирлар окими етиб боради. Улар бир-бирлари билан унчалик мос келмаслиги ва маълум даражада бири иккинчисига зид келиши мумкин. Педагогнинг уз тарбияланувчиларига кўрсатадиган турли туман таъсирлари унга тузатиш киритишга интилишига боғлик. Албатта бунда ўқувчиларга муносабат унинг шахсий сифатларига караб бошқарилади. Муаммоларнинг кўп ёки оз даражада бўлиши инобатга олинади. Педагогик қобилияtlарструктурасида акл, идкоа, хозиржавоблик,

танкид куз билан қараш, событкадамлик, нотиклик, сўз бойлиги ва хоказолар мухим роль ўйнайди.

Педагогик қобилиялар факат педагогик фаолият самарали бўлиши шартигина эмас, балки кўп жихатдан ўқитувчининг муваффакиятли ишлаши натижасидир. Шу муносабат билан ўқитувчининг ўзида педагогик қобилияларининг аник максадни кузлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта ролғ ўйнайди. Тажриба ва маҳсус тадқикотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, шахс хусусиятларини кузатиш ўқитувчининг педагогик тажриба хосил қилишга хам, унинг маҳсус маълумотлар туплашида мухим урин тутади. Ўқитувчи ўзининг социал психологик кузатувчанлиги билан ўқувчиларнинг турли характер хусусиятлари ва майлларини пайкаб қолиш қобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш сабабларини билиб олиш, уларга бу сабабларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофик баҳо бериш маҳоратини вахоказоларини ривожлантиришга кодирдир. Агар ўқитувчидаги ўқувчилар билан муносабатларининг ишонч асосида курилишига йўл-йўриқ бўлсагина, бундай мулокот руй беради. Тарбия жараёнида бундай йўл-йўриқни амалга ошириш кийин ишдир, лекин бунга бутунлай эришиш мумкин. Албатта, катта ёшдаги кишиларнинг болалар хаётига кушилиб кетиши нихоятда кийин нарса. Лекин бу мухитга у якинлаша олади, анча якинлашиб боради, Педагогда болалар билан ўзаро ишонч ва дустлик муносабатлари вужудга келгандагина бунга эришиш мумкин.

Ўқувчилар жамоаси билан муомила кўпинча сухбат, маъруза, ахборот ва хоказолар шаклида бўлади. Биринчи навбатда сухбатни қандай қилиб ташкил этиш, ўқитувчининг гапларига болаларнинг диккатини тортишмуҳим ахамиятга эга. Бунинг учун бир неча усуслар бор. Гапни масаланинг куилишидан бошлаш мумкин. Бу масалада булажак сухбатнинг маъноси мужассамлашган бўлади. Мавзуга диккатни тортишга уриниб хам куриш мумкин. Бунда гапнинг эркин кизикарли фактни маълум қилишдан бошласа бўлади. Кейин уни тушунириш ва тахлил қилиш эса муомиланинг мазмунини ташкил этади. Макола ёки бирон бир асадардан парча келтириш хам муваффакиятли бўлиши мумкин. Бундан ташкари дархол болаларга булажак сухбат уларнинг кизикишлари билан боклик эканлигини айтиб утса хам бўлади. Мана сухбатга болаларнинг диккатини жалб килинди хам дейлик. Энди унинг мавзусини анча киска, лекин етарли даражада аник қилиб очиб бериш даражаси туради, буни қандай амалга ошириш мумкин? Масалан, сухбатни тузишнинг бундай варианти бўлиши мумкин. Дастрлаб педагог ўқувчилар онги ва хиссиётига етказмокчи бўлган асосий фикр кискача баён этилади. Сунгра у очиб берилади. Бунинг учун фактлар, мисоллар ва иллюстрациялар тизими баён килинади. Бундан эркин таккослашлар, кутилмаган ухшатишлардан фойдаланиш жуда фойдали бўлади. Шундан кейин хulosса чикариш, яъни сухбатнинг асосий фикрини бошқача сўзлар билан такрорлаш мумкин. Сухбат болаларда доимий кизикиш уйготиш учун бир катор мураккаб булмаган усуслардан фойдаланиш зарур, энг мухим сўзлар ва ибораларнинг интонация билан ажратиб кўрсатиш ва аксинча

интонацияни (ургу) узгаририш унчалик муҳим булмаган текстни баён қилиш керак. Овоз ва нутқ охангини узгаририш фойдалидир. Сухбатни қандай тугаллаш хам муҳим ахамият касб этади. У турлича бўлиши мумкин. Асосий гояларни яна бир марта кискача баён қилиб бериш мумкин. Уни шеърий сатрлар билан тугалласа хам бўлади. Агар болаларнинг узлари эшитган нарсалари хакида фикр юритишларини хохласа жавобсиз савол билан тугаллаш мумкин.

### **Мулокотда ишонтириш, таъсир этиш усулларидан фойдаланиш.**

Муомала категорияси умумий психология фанининг асосий категорияларидан бири хисобланиб, ууз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини камраб олган. Психология фанида муомала категорияси кенг алокани мужассамлаштириб, одамлар уртасида ўзаро муносабатни акс эттиради. Муомаланинг энг муҳим таркиби мулокот саналиб, мотивацияда мотив қандай ахамият касб этса, у хам худди шундай муҳим ролғ ўйнайди. Муомала хамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб кўп кирралари жараёнидир. Муомала куйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган.

1. Коммуникатив (бир томонлама ахборот узатиш).

2. Муомалаузичигахамкорликфаолиятинингкатнашчилиридан ўзароахбороталмашинувиникамраб олганбулиб, коммуникативжабха сифатидатавсифланиши мумкин. Одамларбир-бирлари билан мулокотга киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ фаолиятига бевосита мурожат киладилар.

3. Интерфаол (икки томонлама таъсир) - мулокотга киришувчиларни ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафакат сўз оркали фикр алмашинуви,балки хатти харакати ва хулк атвори ўзаро таъсир утказиш тушунилади.

4. Ўзаробир-бириниидрокқилиши,англаши.Бундамулокотга киришувчилар ўзаро бир-бирини идрок қилиши жараёни намоёнбўлади. Яъни, улардан бири иккинчисининг ишончига лойик аклли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок килинади.

Муомиланинг таркибий қисмларини биргалиқда, яхлит олиб қараш, хамкорлик фаолиятидан намоёнкилади. Ўқитувчи билан ўқувчилар хамкорлик фаолиятига кириша олса, шахсни шакллантиришнинг максад ва вазифаларига ўзаро таъсир ва тушунувчи йўлга куя олса, шундагина педагогик муомала амалга ошади.

**Педагогик муомала** - бу ўқитувчининг талабага таъсир утказиш уларнинг бир-бирлари билан хамкорликларининг фаолиятидир.

Хамкорлик ўзаро ахборот алмашинуви, -турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томонидан талабалар билан ўзаро муносабатни ташкил килади. Педагогик фаолиятда муомала муайян дастур асосида максадни амалга ошириш, режалаштириш ва утказиш функциясини бажаради. Яъни муомала:

-Ўқув фаолиятини якка хол бажаришнинг воситаси;

-Тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими;

-Таълим ва тарбиянинг муваффакиятини таъминловчи ўқитувчи билан талабалар ўзаро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг усули;

-Талаба индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъодини карор топшириш имконини берувчи жараён сифатида хизмат килади.

Муаллим педагогик жараёнда етакчи кишидир. Унга ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун хам ўқитувчига, унинг ахлокий сифатларига ўқувчилар билан муомаласига нисбатан алоҳида юксак талаблар куйилади. Муаллим хаётга эндиғина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шаклланётган инсонлар ёш болалар билан мулокотда бўлади. Болалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлок нормаларини узлаштиради. Ўқувчи муомала одобини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади. Педагоглар жамоасида ўқитувчилар уртасидаги муомала - муносабатлар инсонпарварлик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Улар одатда, икки хил булиб, бири-расмий, иккинчиси-норасмий муомала дейилади. Расмий муомала-муносабатлар Узбекистон Республикасининг конунлари, директив хужжатларига асосланади. Норасмий муомала педагогик этиканинг конуниятларига асосланади ва жамоанинг хар бир аъзоси томонидан ихтиерий равишда бажарилади. Муомала одоби психологик конуниятлар, одоб нормалари, коидалари, талаблари педагоглар жамоасининг фикри асосида бажарилади. Ёшларга таълим-тарбия бериш бир кишининг иши эмас. Уни педагоглар жамоаси бажаради. Таълим-тарбияда кузда тутилган максадга эришиш учун ўқув юрти бутун жамоаси, хамма ўқитувчилар бирлашиб харакат қилишлари лозим. Хар бир муаллимнинг хатти-харакати, хулки, муомаласи педагоглар жамоасининг максади талабларига мос булмоги керак. Жамоанинг айрим ўқитувчига таъсири педагоглар жамоасида шаклланган муомала одоби муносабатларига боғлиқ. Хар бир боланинг тарбияси учун маъсулиятнинг бирлиги педагоглар жамоасининг ўқувчига нисбатан талабларидан биридир. Дарсда ўқувчиларнинг интизоми педагогик жамоадаги муомала одоби ахлокий муносабатлар даражасини кўрсатади, Коллежда ўқув интизомини саклаш бутун педагоглар жамоасининг иши. Педагоглар жамоасида ўзаро ёрдам ва ишончнинг мавжудлиги муомала одобига амал қилишнинг муҳим шартидир. Муомала одобига риоя клиш педагоглар жамоасининг максадига ўқитувчиларнинг ахлокий савиасига боғлиқ.. Педагоглар жамоасида ўзаро муомала муносабатлар ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга масъулият ва интизомни саклашга асосланади. Педагогик жамоада СОҒЛОМ аклий-рухий муҳит мавжуд бўлса, ахлокий норма ва йўл-йўриқлар бажарилибгина колмасдан, балки улар хар бир муаллимнинг эътиодига, одатига айланади. Педагоглар жамоасининг шахс ва жамоа учун фойдали ишларига асосланган таъсири натижасида муаллимнинг маънавий киёфасида чукур сифат узгаришлар содир бўлади. Ижтимоий бурчни Тугри англаш хулкини тугри баҳолай олиш одати шаклланади. Жамоада ўзаро муомала яхшиланади. Муомала жараёнида унинг максадга мувофик амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий конун-коидалар муҳим

ахамиятга эга, Бу назоратда учта муҳим таъсир этиш воситаси иштирок этади: маъкулламаслик, коралаш, жазолаш.

Муомала жараёнида ўқувчи ёки талаба хулки ижтимоий конун-коидалар маромига зид келса, у холда унинг хатти-харакати кораланади, эътиroz, танбех, эслатиш каби воситалар билан таъсир утказилади. Муомала вақтида одоб, одоблилик муҳим ахамиятга эга. Унинг асосий вазифалари: ахборот алмашув, ўзаро таъсир, ўзаро идрок қилиш, тугри амалга ошишини идора қилиб туради. Хар бир фикр билдирилганда, мулокотдош кабул килаётганини фахмлаб туриш, ташқи кўринишлари узгаришига эътибор бериш, узр сураш тавозе билан мурожат қилиш эвазига муомала одоби ушлаб турилади. Муомала жараёнида баъзи бир хатти-харакат уиласмай билдирилган фикр, ортиқча имо-ишора одобсизликка олиб келади. Одобсизлик эса низоли вазият, карама-каршилик, зиддиятли вазиятни келтириб чикаради. Бунинг натижасида муомала фикр алмашув ўзини вазифасини низоли вазиятга бушатиб беради. Педагогик муомалада психологик алока урнатиш алоҳида ахамиятга эга, чунки талаба билан ўзаро муносабат, хурмат ишонч негизида курилади.

Бунда ўқитувчи талабанинг хукук мажбуриятини, унинг коллежда, жамоат жойларида, оиласда бажарадиган вазифаси нимадан иборат эканлигини эътибордан четга чикармаслиги лозим.

Ўқитувчининг талабаларгатаъсир утказиш самараси унинг принципиаллиги ва талабчанлигига уз аксини топади. Бундан ташкири у ўзига хам ута талабчан булмоги, шахсий намунаси билан табиий равишда обру-эътибор козонмоги лозим. Муомала жараёнида ва хамкорлик фаолиятида ўқитувчининг талабаларга таъсир утказиш натижасида уларда:

- уз-ўзини ва узгаларни хурмат қилиш;
- уз-ўзини ва бошқаларнинг фаолияти, хулкини баҳолаш;
- маъсулият билан қарashi, маълумотли булиб педагогика билан психологияни билиш, педагогик маҳоратга, педагогик одобига эга бўлиши лозим.

### **Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.**

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эотибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланади.

Маълумки, ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратиласган энг муҳим хислатлари қўйидагилар:

Ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик рухида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили ўз халқини тарихи ва унинг маданиятини севиш, давлатнинг мустақиллик ғоясида яшашидан иборатdir;

- ижтимоий жавобгарликни юксак даражада хис этиш;
- ўзини қўлга ола билиш, сабр-тоқатли, бардош, матонатлийлиги;
- Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асоси талаблари қўйидагилар:
- шахсини маънавий ва маърифий томонидан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоннинг бойликларининг моҳиятини

билиш, болаларни мустақиллик, ғояларига содик рухда тарбиялаш, ўз ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

кенг билимга эга бўлиш, турли билимлардан хабардор бўлиш;

ёш педагогик психология ижтимоий психология ва педагогик, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

болаларни билиш, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш;

ўзи дарс берётган фан бўйича мустаъкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соъаси бўйича жаъон фанларидан эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

таълим ва тарбия методикасини эгаллаш;

ўз ишига ижодий ёндашиши;

педагогик техника мантиқ,(нутқ, таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактикага эга бўлиши;

ўз билими ва педагогик маъоратини доимий равишда ошириб бориш;

хар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишга интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида теварак атрофидаги кишилар, мактаб маомурияти, ҳамкаслари, ўқитувчилар ва уларнинг ота- оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

### **Ўқитувчи шахсининг характер хусусиятлари.**

Кўпчилик психологлар, шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Бунда гап ўқитувчилик касбининг профессограмма (маолум тизимга келтирилган, меънат психологик томонидан ўрганишни ва ундан келгуси амалий фаолиятида фойдаланишга қаратилган қисқа ва ъар томонлама батафсил кўрсатиб берилган хужжатга профессограмма дейилади.) Ўқитувчи профессограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган маҳсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

хар бир мутахасислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган ъарактеристикасини назарда тутган профессограмма тузилади.

Ўқитувчининг шахсий хислатлари.

Касбига хос бўлиши.

Ўз касбига хос хислатлари.

Шахсий – педагогик улдабуронлиги.

Ташкилотчилар малакалари.

Коммуникатив малакалари.

Гностик малакалари.

Ижодий хислатлари.

Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

болаларни яхши кўриш, уларни севиш;

амалий – психологик ақл-фаросатлик;

меънатсеварлик;

жамоат ишларида фаоллик;

мехрибонлик, камтарлик;  
одамийлик, дилкашлик;  
уддабуронлик, мустаъкам характерга эга бўлиши;  
ўз билимини оширишга интилиш.

### **3. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири.**

Биз психология кафедраси ўқитувчилари мингга яқин ўқувчини ўрганиб улардан ўқитувчининг кайфиятини била оласизми ва унинг кайфияти сизга қандай таъсир қиласи деган саволга ёзма жавоб олдик. Ўқувчиларнинг 94,2 %, ўқитувчининг кайфиятини била олишни, 89,8 % ўқитувчи кайфияти уларга қаттиқ таъсир қилишини билдиришган. Шунингдек қуидаги санаб ўтилган сабаблардан (шахсан унинг ўзига қўйилган ёмон баъо, ўртоига қўйилган ёмон баъо: ўқитувчининг кайфияти ёмонлиги ; дарс материалини ёмон ўзлаштирганини англаш; дарсга ёмон тайёргарлик кўрганини англаши) қайси бири ўқувчининг кайфиятига кўпроқ ёмон таъсир этишини кўрсатиш сўралган. Кўпчилик ўқувчилар ўқитувчининг кайфияти ёмонлигини таокидлаб ўтганлар. “Ўқитувчининг кайфияти сенга қандай таъсир қиласи?” деган саволга олинган жавоб ҳам жуда маоноли бўлди. Жавоб: Агар ўқувчининг кайфияти яхши бўлса ўз муваффақиятсизликларингдан унча қийналмайсан, “Дарс унча зерикарли бўлиб туюлмайди”, “Қийин нарса осон бўлиб қолади”, “Дарсда вақт ўтганини билмай қоласан”, ва ъаказолар, жавоблар. Айниқса ёмон бўлса? “Кўл ишга бормайди”, “Ўзингга бўлган ишончни йўқотасан”, “Дарсдан қочиб кетгинг келади” ва хатто “Миянг қотиб қолади” деган жавоблар олинган. Ўқитувчи фаолиятида индивидуал услуб. Таълим - тарбия ишининг муваффақияти кўп жиъатдан ўқитувчининг педагогик қобилиятига ва қизиқишига боғлиқдир. М.Г.Давлетшинтаокидлашича, ўқитувчининг баози психик жараёнлари ва хусусиятлари унда ўқитувчи шахсига хос сифатлари шундан комплексини ташкил қиласиди, уни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Педагогик қобилият ўқитувчи шахсига хос бўлган бир қанча сифатларни – унинг ақл – заковати, иродаси, хиссиётлари, ъарактерига хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Таълим – тарбия ишига бўлган қобилият тұйма қобилият эмас, одам табиатдан шу қобилият күртакларини олади. Қобилият шахсига онги, фаолияти жараёнида ривожланади. Ўқитувчидан таълим – тарбия ишида катта диққат ва кузатувчанликни талаб қиласи. Ўқитувчи чинакам педагогларга хоссезгирлик, кузатувчанлик қобилиятига эга бўлиши керак. Ъар қандай кузатиш яхшилаб диққат қилиш асосида содир бўлади. Ўқитувчиларни ёзма ишларини эотибор билан текшириш ўқитувчидан диққатни нихоятда қучли ва чуқур бўлишини талаб қиласи. Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари. Ўқувчилар билимларни энг биринчи навбатда ўқитувчининг жонли нутқи орқали олади. Ўқитувчининг нутқи лексика, фонетика, талаффуз, гапларни тўъри тузиш, сўзларда ургуларни ўз жойига қўйиб гапириш ва ъаказолар жиъатидан тўъри бўлиши керак. Нутқда фикрлар изчил, мантиқли, асосли ва ишончли бўлиши лозим.

Ўқитувчи тафаккурининг хусусиятлари. Ўқитувчининг тафаккури асосан ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва системали баён этишда намоён бўлади.

Ўқитувчи ўқув материалларини индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланиб тушунтириш керак. Шу билан бирга, ўқитувчи ўқувчиларни фактлардан мустақил равишда хulosалар чиқаришга ва умумий берилган қонун – қоида ва тушунчаларга асосланиб, айрим факт, хulosаларни тушуна олишга ўрганиши зарур. Ўқитувчи абстракт тушунчаларини конкрет тушунчалар билан бойлай олиши.

Ўқитувчи тафаккурининг мазмунлиги, тезлиги, кенглиги, каби сифатлари болаларга ўз билимларини аниқ, мазмунли, тушунарли қилиб сўзлаб беришда ҳам намоён бўлади. Ўқитувчининг иродавий сифатлари. Педагогик фаолияти таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтиришга ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қиласди.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ак1, Ак2, Ак5.

## **8 маъруза: Педагогик техника ҳақида тушунча.**

### **Нутқ техникаси ва маданияти**

#### ***РЕЖА***

1. Педагогик техника – ҳақида тушунча. Унинг воситаси.
2. Педагогик техника таркибий қисмлари.
3. Ўқитувчининг ўз руҳий холатини бошқариш техникаси.
4. Нутқнинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиётидаги ўрни.
5. Нутқ органлари, нутқ аппарати.
6. Ўқитувчининг нутқ маҳоратини такомиллаштириш йўллари.

**Дарс-** педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Педагогнинг асосий педагогик эҳтиёжи-ўргатиш, етказиб бериш-айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таҳлим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак.

Дарс жараёнида педагоголдида муҳим бир масала туради. Ўқувчиларни билим олишга жалб қилиш, уларни олға ҳаракатлантиришдир. Бу эса педагог ва ўқувчиларни (ўзаро) биргалиқдаги меҳнатга жалб қиласди. Бунинг учун ўқитишга мажбур қилмаслик керак. Педагогик ҳамкорликнинг қарашларидан бири-дарсда ўқувчидаги кўрқувни йўқотиш, уни эркинроқ, дадилроқ қилиш, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий ижод қилишга қодир шахс сифатида қараш.

Дарсда аниқ мақсад ғояси. Бу-ўқувчилар билан ҳамкорлик руҳида иш олиб бориш, уларга аниқ бир мақсад қўйиб, бу мақсаднинг мураккаблигига

ва буни амалга оширишга ишонтириш - уларда ўзига бўлган ишончини, аниқ, мушкул масалани ҳам еча олиш мумкунлигини шакиллантириш.

Дарс ўтиш давомида педагог шундай усуллардан фойдаланиш керакки, ўқувчилар ўзларини шахс сифатида ҳис қилишсин. Бу-ҳар бир ўқувчи ҳар бир дарсда ўзининг баҳосини олиши, масалаларни ўзи танлаб олишда намаён бўлади. Ҳар ким ўз гурӯҳида ҳимоя остида, ҳечким уни шубҳа билан ҳақорат қилмайди.

Бу педагогнинг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интиллектуал фаолиятига боғлик. Албатда бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс бир нечта омиллардан иборат. Шуларнинг асосий давлат педагогикаси томонидан қабул қилинган материал. Педагог ўқув программанинг асосий ўйналишларини билиши керак. Ҳар бир дарсда 3 та масалага эҳтибор қаратиши керак. Булар;

1. Тарбиявий масалалар- педагогнинг бўлаётган масалаларга, атрофга бўлган дунёқарашини шакиллантиради. Уларда инсон парварлие, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. Илм оширадиган масалалар- ўз ичига ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар биланқуроллаттиришини олади.

3. Билиш масалалари- ўқувчиларда ўрганилаётган материаллардан асосийини, муҳим жойларини ажратади олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида ва фикирлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишни шакиллантириш.

Тажрибали педагоглар томонидан ўқувчиларнинг дарсдаги муҳим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчакий хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Педагог томонидан дарсни ишлаб чиқиши, яъни педагог-дарснинг муаллифи. Дарснинг қандай бўлиши унинг ижодкорлигига ва маҳоратига боғлик. Аввало дарснинг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига куйидагиларни олади;

- ўқув дарсидан келиб чиқиб, ҳар бир мавзуу материалининг мазмунини чукур билиш;
- педагогнинг ҳаётий ва тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлиш;
- ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейинги ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;
- ҳар бир мавзунинг ўқувчилар психологиясигамослашиши мақсадга мувофиқидир.

Дарс жараёнини педагог ташкил этар экан, у ўрганишнинг самарадорлигига, ўқувчини таълимнинг субъектига айлантиришга, ўқувчилар ҳам шу дарснинг ҳам муаллифлигига айлантиришга интилади.

Дарсни ишлаб чиқиши-тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситаларни танлаш демакдир.

Шуни таҳқидлаш керакки, дарсни ишлаб чиқишида ўрганилаётган материали ўзлаштиришнинг методик уусулларини танлаш-биринчи ўринда

туриш керак, кейин эса унинг бошқа кампанентлари уй вазифани текшириш мустажкамлаш методларига амал қилиш керак.

Ўқувчиларда ўрганилаётган предметга қизиқиши, уни яхши қўришини шакиллантиришига, изланувчанликка, янги билимларни очишга, муаммоли характердан масалаларни ечишга жалб қилиш муҳимдир. Шундай экан, ўқитиш турли-туман бўлганда қизтқ бўлади. Бир ҳил ахборот ва фаолиятнинг бир хил усууллари тезгина зериктириб юборади.

Ўқитилаётган предметга қизиқиши орттириш учун, унинг умуман ёки алоҳида бўлимларда кераклиги, муҳумлиги, мақсадга мувофиқлигини англашиб керак. Янги материал қанчалик олдинги материал билан боғлиқ бўлса, у шунчалик қизиқарлироқ бўлади. Унчалик осон ёки унчалик қийин бўлмаган материал қизиқиши уйғотмайди. Ўқитиш қийин, лекин уддалаш мумкин бўладиган бўлиши керак.

Ўқувчи ишини қанчалик тез текширилиб ва баҳолаб турилса, ўқувчи учун ишлаш шунчалик қизиқарли бўлади.

Ўқув материалининг ёрқин бўлиши ўқувчиларда қизиқиши уйғотади.

Тажрибали педагоглар ўқитиш усууларини танлашда ижодий ва катта маҳсулит билан ёндашадилар. Агар гурӯҳ ёш группа билан ишлаш жараёнида бир хил методлардан фойдаланиаган бўлса, тарбиялаш жараёнида ижодкорликнинг асари ҳам қолмайди.

Педагог ўқитиш жараёнида ҳар хил қизиқарли воситалар, ўйинлардан, масалалардан, мисоллардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитиша ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлавермайди. Шунинг учун педагог ўқувчилада ирова, катҳиятликни шакиллантириши керак.

Дарсдаги иши формаларнинг турли-туманлиги.

Тажрибали педагогларасосий эҳтиборни маъруза-дарслар, семенармустақил иш дарслар, конкурс-дарсларни ўтишга қаратади. Педагогнинг маҳорати шундай турлардан дарсларни ўта олиш тиҳникасида ҳам намаён бўлади.

**Маъруза дарси** ўқувчилар онгига, фикрлашини фаоллаштиришда катта ёрдам беради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, маъруза бошлишида ўқитилаётган материалнинг мақсадини, нимага ўқитилаётганини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Кейин эса керакли билим олишда асос бўладиган принциплар, фикирни исботлаш ва қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатади.

Шундан кейингина кўриб чиқилаётган масалани мағзи чақилади.

Маъруза дарсида педагогсаволлар, диалог, тақрорлаш, таққослашлардан фойдаланилади.

**Семинар дарси-** ўқувчиларни юқори ақлий фаолиятини, янги билим вакўни маҳоратни интилишини келиб чиқаради. Бундай педагог ностандарт усууларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Мунозара дарси** - ўқувчиларни муаммоли масалалар билан тўқнаштириш ўзларининг фикирларини баён эттириш учун (ўқув) педагогдан катта маҳорат талаб этилади.

Педагог хар бир дарсни муаммоли, изланувчан, фаол бўлиши учун ўқувчиларга савол ва топшириқлар тизимини яратади. Бу саволлар қисқа ва лўнда бўлиши керак. Бундай саволлар ўқувчиларнинг нафақат фикирлаш доираси, изланувчанлигини кенгайтиради, балки уларни ижодий қоблиятларини, ташкилотчилигини, интизомлигини, кучайтиради.

Шундай саволларни қўллаш керакки, уларда эҳтиrozли, қарама-қаршилик томонлари бўлсин. Ўқувчи мулоҳаза юритсин. Шуни айтиш керакки, саволларнинг кўплиги ёки камлиги гурухдаги ўқувчиларнинг ёшга интеллектуал қоблиятига мос келиш керак.

Педагог ўзининг дарсида ўқувчиларнинг хатога йўл қўйиш мумкинлигини инобатга олиш керак. Ўзи эса саволларни тўлдириб, жавобларни хам тўла бериши керак.

Жавобларни юзаки, саёз бўлиши кейинги савол беришга бўлган ҳоҳишини сундириши мумкин, шу билан бирга ўқувчиларни фаоллиги ҳам сўнади.

**Дарсдаги мустақил иш.** Тажрибали педагогнинг ёш педагогдан фарқи у кам куч сарф қилиб яхши натижага эришади, чунки у ўқувчиларни мустақил билим олишга ўргатади. У шундай қоидага бўйсунади; агар материал осонроқ бўлса, у ўқувчиларга мустақил иш қилиб беради, агар қийинроқ бўлса, ўзи тушунтиради. Мустақил ишнинг кўп турларини ўқитувчилар ўқувчиларни янги билимни эгаллашга тайёрлаш учун қўллашади. Биринчи навбатта бу такрорлаш характеристидаги ишлар. Уларга олдинги ўтилган мавзулар юзасидан масала, мисоллар, педагогнинг топшириғига асосан бирор дарсликни танлаб бериш, график ишлар, яхни схема, жадвал ва бошқалар.

Бундан ташқари мустақил ишни янги материални ўрганишда ҳам қўллаш мумкин. Биринчи ва иккинчи холатларда мустақил ишни ўқитиш жараёнига сингдириш педагог раҳбарлигига олиб борилади.

Тажрибали педагоглар ўқувчиларни дарслик билан мустақил ишлашга, конспект қилиш техникасига, ижодий ишларнинг методикасига ўргатиб бориш керак.

Тажрибали педагог дарсда, ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаётган пайтида, тез ишлайдиган ўқувчини тўхтатмайди, секин ишлайдиган ўқувчини шошилтирмайди.

Берилган саволга тўғри жавоб берган ўқувчига кейинги саволни беради. Хатога йўл қўйган ўқувчига тезгина қўшимча топшириқ беради.

Мустақил ишни ташкил қилишда ёш педагог ўзига камроқ мажбуриятни олади. Ўқувчилар шунга ўрганиб қолишадики, педагогхамма нарсани тушунтириб, керакли жойини муҳимлигини таҳқидлаб ўтади. Ваҳоланки, шу материални мустақил ўрганиб чиқишига, уни қайта ишлашга ўқувчилар ўрганмаган бўлади.

Ҳар доим ўқувчиларнинг индивидуал қоблиятларини ўрганиб, кузатиб, ҳисобга олиб юрадиган педагог уларнинг мустақил ишини ташкиллаштиришда педагогик маҳоратга эга бўлади.

Бундай маҳоратга педагог ўқувчилар билан мулоқот қилган кузатувчанлиги, яхши ривожланган тасаввур ва чуқур мулоҳазали бўлгандагина эришилади.

Бундай педагоглар тўғрисида ўқувчилар; «Улар ҳамма нарсани кўрадилар, улардан хеч нарсани яшириб бўлмайди.” деб гапиришади, одатда. Шунинг учун, муносабатни амалга оширишнинг асосий талаби тарбияланувчи психологиясини англай олишdir.

Савол туғилади; қарама-қарши муносабатни қачон амалга оширса яхши бўлади? Илғор педагоглар кўпинча дарсни олдинги билимларни фаоллаштиришдан эмас, балки муаммоли вазиятни туғдириш ёки олдин қўйилган муаммони ечими тўғрисидаги тахминларни, ўртага ташланган таҳминни исботлаш вақтида, улар аввал эгаллаган билимларни долзарб эканлигини қўллашади. Муаммони долзарб ғояси педагогга дарсни нимадан бошлаш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Баҳзида дарсни оғзаки сўроқ билан бошлаш, баҳзида эса масала берувчи ёки мисолни ечиш билан бошлаш мақсадга мувофиқ .

Шуни айтиш керакки, дарснинг бошланиши унинг кейинги боришини ҳам, ўқитиш усулини ҳам танлашни белгилаб беради. Бу албатта педагогнинг ўз ташаббускорлиги ва ижодкорлигига боғлиқ.

**Уй-мустақил иши.** Етук педагог – мутахассислар ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ошириш самарадорлигини ҳар доим уй – мустақил ишини тўғри ташкил этиш билан боғлайдилар. Яхши педагоглар уй вазифаларини қизиқарли бўлишига ҳаракат қиладилар.

Шу мақсадда улар вазифаларни ҳарактер ва формасига қараб: оғзаки ва ёзма, муҳим ва ўз ҳоҳишидаги, қўшимча адабиётларни кўллаб, ўзи танланган топшириқ, индивидуал ва группали ва х.к.га ўзгартиришади.

Уй вазифасини аниқ ва тўғри бўлиши учун педагог дарс жараёнида самарали қилиб, тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам малакали педагоглар янги материални тушунтиришга кўпроқ вақт ажратадилар. Чунки билимларнинг оғзаки мағзини чақиши, англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги дарсда уй вазифалари текширишга шунчплик камроқ вақт кетади.

Шубҳасиз, уй вазифаларини бажаришининг фаоллаштириш сабабларидан бири, уларни тез – тез педагогтомонидан текширилиб борилишидир. Акс ҳолда педагогларда уй вазифаларининг назоратсиз (тарзда) бўлиши вужудга келиши мумкин ва улар уй вазифаларни бажаришда суст бўлиб қолишади. “Топшириқ бердингми – текшир, текширмадингми топшириқ берма” – бу қоидага педагог доимо амал қилиши керак.

Дарснинг психологик аспектларини ҳисобса олиш. Биринчи навбатда, ўқувчига халақит бераётган, диққатини бир жойга жамлашга тўсқинлик қилаётган, гурӯҳ шароитида, ўртоқлари ёки педагогнинг ҳаракатларида ёки ўзининг мустақил ишида чалғитадиган, ғашига тегадиган нарсаларга барҳам топиш керак:

Ёш педагог ўқувчиларга, дарсда нима иш билан шуғуланишаётгани, лоқайд ўқувчиларнинг бор-йўқлигидан боҳабар бўлишлари лозим. Шубҳасиз

бундайлар ҳар бир педагогда ҳам бўлади. Бунга сабаб педагогда ҳали етарли маҳоратга, ўқувчига таъсир этиш қобилиятига эга эмаслигидир.

Ўқувчини кўп нарса безовта қилади: тайёрланмаган уй вазифаси, яқинда ўқиган китоби, севимли футбол командасининг мағлубияти ва х.к. Шунинг учун, педагог ўқувчиларнинг юзидан уларнинг кўнглида нима кечаетганини, уларнинг дикқатини жалб қила олиши учун маҳсус психолог бўлиш керак. Шундагина, хатони жуда лоқайд, бефарқ ўқувчини ҳам дарсга қайтариш мумкин.

Қизиқишларни, қобилиятларни, фикрлаш сурҳатларни, тайёрланиш, ўқувчиларга бўлган муносабат, ўқувчилар характерининг хусусиятларини ҳисобга олиш ижодий дарснинг асосий талаби.

Педагогнинг ўқувчига бўлган талабларининг харакати. Шу нарса маҳлум бўлдики, ҳар хил дарслар жараёнида педагогўзининг тарбияланувчиларидан жуда кўп талаблар қилади. Лекин гап қанча талабларни айтишда эмас, уларни қай тарзда айтишда.

Талаб қилишни қандай ўрганиш керак?

Баҳзи ходисалар уни келажакка етаклайди, баҳзиларига у бефарво бўлиши мумкин. Бир хил нарсаларни яхши кўриб бошқаларини ёмон кўриш, баҳзи педагогларни ёқтириб, бошқалариға фақат тоқат қилиш мумкин. Психологларни айтишича, ижобий тийғулар фаолиятини туғдиришади.

Дарсни эмоционал-интеллектуал шароити турли хил усуллар орқали яратилади.

Биринчидан, ўрганилаётган ёки қўшимча материал таркибида бирор қизиқ информация, ахборот келтириш орқали.

Иккинчидан, дарсга у ёки бу ҳақидаги маҳлумотларни, олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маҳлумотларни, инсоннинг ақл заковати нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи ҳикояларни киритиш.

Учинчи йўналиш, ўқувчиларга қизиқ бўладиган ижодий ишга жалб қилиш усулларидан иборат. Бундай усуллар кўп. Уларни танлаш турли хилмуаммо вазиятини вужудга келтириш билан боғлиқ.

Тўртинчи йўналиш, педагогнинг ўқув материалга нисбатан ижобий муносабатда бўлишини билдирувчи ҳис-туйғуларга боғлиқ. Шундай вазиятлар бўлдики, педагог дарсга қанчалик тайёрланмасин, дарс кўнгилдагидек ўтмаслиги мумкин.

ЭндиGINA ишга тушган педагоглар шуни эслаб қолишлари керакки, ўргатилаётган материалнинг гўзаллиги, қирралиги, эмационал, тўғри етказа олишда ўқувчиларга ҳам ўтади «юқади».

Дарс сурҳати педагог учун нафақат меҳнат маданиятининг муаммоси, балки интизом, дарснинг сифати муаммоси. Ўқув ишининг сурҳатини юқори қилиш учун мутахассислар ўқувчиларда амалий кўнилмаларни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Тажрибасиз педагоглар, улгуролмасликдан қўрқиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олмай, дарснинг сурҳатини ошириб боришга ҳаракат қиласидилар. Дарснинг турлича бузулиб кетиши, ўқувчиларнинг ишчи кайфиятига, лекин хотиржам ишдан кўра кўпроқ салбий таъсир қилади, уларни толиқтиради.

**Дарсда ўз-ўзини назорат қилиш.** Педагогуз-ўзини назорат қила олиши педагогик қобиляйтнинг ривожланишини тезлаштиради, тажрибали педагог маҳоратини намоён қиласди.

Дарсдаги қилиниши керак бўлган ва қилинган нарсаларни таққослаш:

Ўқувчиларнинг олдинга силжиш даражасини (кўникмада, ривожланишда) текшириб бориш, уни олдинги натижалари билан таққослаш:

Ўқувчиларни дарсдаги иштиёқини аниқлаш.

Дарснинг сифатли томонлари. Дарсда қўйилган масалаларни ечилишини баҳолашда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражаси намоён бўлади. Агар натижалар ўқувчиларнинг максимал имкониятлари даражасида бўлса, эришилган масала ечилиш сифати ва самарадорлигини ижобий деб тан олинади.

Дарснинг сифатли томонларини аниқлаш педагогучун маҳорат. Коллеж машғулотни таҳлил қилишда энг самармли усул ва методларни танлаш ва қўллаш шартидир. У дарсда нимага эришади-ю, нимага эришмайди, муваффақиятсизликнинг сабаби ва уни бартараф қилиш йўлларини қўра олади, кеинчалик йўлларини нимани ривожлантириб, нимани мустахкамлаш кераклигини аниқлайди.

Дарснинг сифатини англаш учун анҳанавий схемани қўллаш мумкин: сўроқ-тушунтириш-мустахкамлаш-уйга вазифа. Яна шуни айтиш жоиз-ки, замонавий дарснинг анализини «кенг» ва “тор” ўринда бажариш ва асосий дидактик категориялар ва структурали элементлар асосида ўтказиш керак.

Дарснинг тузилишида ҳар бир мавзунинг муҳимлиги ўқувчиларда янги тушунча ва кўникма ва малакаларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси дарснинг сифатини ташкил қиласди.

Ёшларни ўқувчи бўлгунга қадар ота-онаси, коллеж ўқувчилари, қариндош-уруги, маҳалла-куй назорат қилиб олади. Ўқувчи бўлганидан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни ўқувчининг ўзи англаб этиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялашни бошлаши керак.

**Таълим-тарбиянинг бошқарув назарияси.** Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида қобиляти ва билимларга эга бўлган кишилар томонидан бошқариш эҳтиёжи мавжуд бўлган. Тарихдан бизга маҳлумки, давлатни илмий асосда бошқариш натижасида бошқарув назарияси вужудга келди. Бошқарув назариясини такомиллаштиришда ҳамма соҳалар билан бир қаторда таҳлим тарбия соҳасини бошқариш муҳимдир.

**Иқтисодий бошқарув.** Таҳлим-тарбияни мақсадга мос ҳолатга келтириш усули бошқарув босқичида режалаштирилган ишларни бажаришга кетадиган сарф-харажатлар миқдори аниқ ҳисобланиб, молиявий таҳминланиш манбаалари ҳамда хуқуқий асослари ишлаб чиқилади.

Ҳар бир педагог аввалам бор ўқувчиларга қолаверса бошқа кишиларга яхши муносабатда бўлиши, уларга қандай сўзлар билан мурожат қилишни билиши керак.

Кейинги вақтда «муносабат педагогикаси” тўғрисида кўп гапирилмоқда ва кўп ёзилмоқда. Шунинг учун кўпинча у «тадбирлар педагогикаси”га

қарама-қарши қўйилмоқда. Ўйлаймизки, биринчи иккинчисига қарама-қарши қўйиш ноурин. Булар тарбияга турлича ёндашув аникроғи унинг турли пафоналаридир. Айниқса педагоглар ўртасидаги муносабатлар, мулоқатлар, уларнинг иш тажрибаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Педагог ўқувчига яхши муомала билан муносабатда бўлиш ўртоқлари олдида уни ерга урмаслиги, турли лақаблар билан ҳақоратламаслиги муҳим.

Педагог ўқувчиларга ширинсуханлик билан яхши муносабатда бўлади. Натижада ўқувчиларяхши тарбия топади. Ота-онага, ёру-биродарларга бўлган муносабатларни талқин қилиб берадилар. Улардан ибрат оладилар. Педагогларнинг муносабати орқали ўқувчилардан яхши-яхши ширинсухан педагог, катта-катта фан арбоблари чиқиши мумкин.

**Педагогнинг одоб қоидалари.** Педагог ўз касбини доимо севиши, хурмат қилиши лозим. Ўз ишга, қўл остидагиларга доимо хурмат ва эҳтиромда бўлиши, таълим-тарбия жараёнида камчиликка йўл қўймаслиги ва танлаган касбига бефарқ бўлмаслиги зарур. Педагог ўз фаолияти давомида жамият тараққиётига хисса қўшиш мақсадида иш олиб боради. Ҳалқнинг анъанасига содик бўлиш билан бирга меҳнатсеварлиги, интизомлилиги, муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслиги билан педагогва ўқувчилар ўртасида намуна кўрсата олади. Ўзнинг рост сўзлиги, покизалиги бир ишни қиёмига етказмай туриб, иккинчи ишга ўтмаслиги билан бошқалардан фарқ қиласди.

Педагог ўз шогирдларида руҳий оламини яратиш, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Дарҳақиқат, ўртоқлиқ, дўстлик, ҳамкорлиқ, ҳамжихатлик, садоқат, меҳр-муруват, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалик, озодалик, самимилик, зийраклиқ, ташаббускорлик, инсофилик, ростгўйлик, ор-номуслилик, андишалилик, катталарни хурмат қилиш, соф мухаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилик, миллатларни хурмат қилиш, ҳар бир ўқувчининг маданиятидан чуқур ўрин эгаллаш лозим.

Илмий психологик манбаларда қайд қилинишига кўра, интеллект-лотинча сўздан олинган бўлиб, у одатда ақл-идрок, англаш, тушуниш, фаҳмлаш деган маънони англатади. Бизнингча, интеллект шахснинг муайян даражада мустаҳкам, барқарор ақлий қобилиятлари мажмуаси тузилишидан иборатдир.

Ўз даврида АҚШлик психолог Ф.Фример интеллект олтига таркидан иборат, деган ғояни илга суроди ва уларни қуидагича тартибда жойлашувини кўрсатиб ўтади:

Сонлиоперасиялариганисбатан қобилиятлилик;

лугат бойлиги кўлами; геометрик шакллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонларини ажратишга нисбатан уқувчанлик;

шахс нутқининг тезлиги ёки суръати;

шахснинг фикрлашга, мулоҳаза юритишга нисбатан қобилиятлилиги;

хотиранинг маҳсулдорлиги ёки ноёб хислатлилиги. Яна бир салоҳиятли психолог Л.Тёрстоун умумий интеллектнинг турли жабҳаларини тадқиқ қилиб, уларни умумлаштириб «бирламчи ақлий потенсиялар» деб атайди.

## 3.Анкета методи

Умумий психологияда кенг қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, унда одамларнинг психологик хусусиятлари нарса ва ҳодисаларга нисбатан муносабатлари ўрганилади. Анкета одатда 3 хил бўлиб, биринчи хилида англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан иборат бўлади, иккинчи хилида эса фақат биттагина жавоб танлаш шарти билан ҳар бир саволга бир нечтадан тайёр жавоблар ҳам берилади. Учинчи хил анкетада синалавчига ҳавола қилинганда камида тўрт-

беш тўғри жавоблари баллар ёрдамида баҳоланади. Анкета методидан одамларнинг лаёқатларини муайян соҳага қизиқишилари қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига катта ва кичикларига муносабатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Куйида анкета варакасидан намуна келтириб ўтамиш.

1. Курсингизда энг юқори обрўга эга бўлган талаба қайси?

2. Сизнингча, курсдошларингиз ичидан ким меҳр, ҳис-туйгусини уйфота олади?

3. Ўқиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан сиз кимга мурожаат қилишни хоҳлар эдингиз?

4. Шахсий кечинмаларингиз ҳақида сиз ким билан фикр алмашишни истар эдингиз?

5. Ўртоқларингиз ичидан кимни уйингизга меҳмонга астойдил таклиф қила оласиз?

6. Курсдошларингиз ичida ким билан машғулотларга биргаликда тайёрланишни ёқтирасиз?

7. Қайси курсдошингиз билан сухбатлашишни асло ёқтирмайсиз?

## 4. Социометрия методи.

Бу тадқиқот методига АҚШлик Джон Морено асос солган бўлиб, кичик (бирламчи) гуруҳ аъзолари ўртасида эмоционал, ҳиссий муносабатларни бевосита ўрганиш ва даражасини ўлчашда қўлланилади. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатларини аниқлаш учун унинг фаолиятида ким билан иштирок этиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал, диаграмма шаклида ифодаланади. Улардага микдор кўрсаткичлари гуруҳдаги одамларнинг шахслараро муносабатлари мазмuni юзасидан маълум бир хулоса қилади. Бироқ маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради холос. Уни такомиллаштириш мақсадида ҳозирги вақтда психолог олимлар Я. Л. Коломинский ва И. П. Волков томонидан социометриянинг кичик гуруҳлар психологиясига мослаб ўзгарилилган вариантлари, кўринишлари ишлаб чиқилганки, улар орқали шахсларнинг бир-бирини танлаши мотивларини аниқлаш мумкин. Айниқса социометриянинг Я.Л. Коломинский ишлаб чиқкан ўзгарилилган варианти болалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар тўғрисида тўла ахборот беришга ёрдам беради.

##### 5. Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи.

Бу метод психологияда инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида кенг қўлланилади. Одам чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, тўқиган нарсалар, тиккан қўғирчоқлар, тўқиб, сўзлаб берилилган ҳикоялар, техник конструкциялар схемасини тушуниш кабиларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантикий хотираси, тафаккури, бадиий ва адабий қобилияти, ижодий хаёли, техник ижоди юзасидан материаллар тўплаш мумкин. МазкурА методда ижод маҳсулини яратган жисмоний шахс бевосита иштирок этмайди. Текшириувчи билан текширувчи ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан муайян хукм ва хулоса чиқарилади. Текширувчи (ўқитувчи, мураббий, психолог) эксперт тариқасида шахслар ижодиётига баҳо беради, бунда меҳнат маҳсулининг шакли, мазмuni, сифати, оригиналлиги, ҳажми, хусусияти билан кескин тафовут қилиши назарда тутилади. Ижодий фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш орқали ҳар хил ёшдаги ва касбдаги одамларнинг психик хусусиятлари тўғрисида малумотлар тўплаш мумкин.

Фаолият маҳсулотларини ўрганиш инсон руҳиятини ўрганиш методлари ичida ўзига хос ўринни ташкил этади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, инсон руҳиятини ўрганиш юқоридабаён қилинган методлардан ташқари яна айrim қўшимча методлардан ҳам фойдаланилади.

Назорат саволлари:

1. Метод деб нимага айтилади?
2. Эмпирик методлар деганда ниманитушунасиз?
3. Реалия (реализм) деганда нимани тушунасиз?
4. Социометрия методининг асосчиси ким?

5. Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи орқали нималар ўрганилади?

6. Биография (таржимаи ҳол) методи орқали нималар ўрганилади?

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.

4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчолог Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт. 10-16 пагес.

5. Бордавская Н.В., Рean A.A. Педагогика.-М.: Питер, 2004.

6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.

7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003

8. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.

9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003. 10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остидаю. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.

11. Э. F. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.

Интернетресурслари

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)

3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

**3 - Мавзу: Психологларнинг қасб психологиясини ривожлантиришдаги назарий қарашлари.**

Режа:

1. Ёшларни қасб танлашга йўналтириш ижтимоий воқелик сифатида

2. Буюк аждодларимиз қасб - хунар тўғрисида.

3. Қасбий фаолият самарадорлигини ўрганиш борасидаги Америка ва европа мамлакатларидаги йўналишлар.

1. Ёшларни қасб танлашга йўналтириш ижтимоий воқелик сифатида Республикаиз ахолисининг аксарияти агар хўжалик соҳаси билан шуғуланаётганлиги туфайли унинг тармокдарига оид мутахассисларни тайёрлаш учун қасбнинг психологик хусусиятлари, меҳнат кўнималари ва малакалари билан бўлғуси ихтисос эгаларини қуроллантириш муҳим

ижтимоий вазифалардан биридир. Бўлғуси агрономни касбий тайёрлаш, касб-хунар олдига кўйиладиган талабларга мутаносиб инсонлар қилиб шакллантириш давлат аҳамиятига молик муаммо бўлиб ҳисобланада. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитининг биологик-тиббий жиҳатлари бирмунча ўрганилганлигига қарамай, уларнинг механизмлари, акселерация ҳодисаси, қишлоқ аҳолисининг жисмоний ривожланиши, меҳнаткашларнинг иссиқ шароитга мослашишлари, меҳнатни ташкил қилишнинг оқилона йўллари, меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали усуллари, экологиянинг ўзгаришига ўхшаш муаммолар қарийб ўрганилмаган. Қуйидаги мавзулар юқоридаги муаммоларниш аксариятига жавоб беришга хизмат қиласди. Инсон-табиат муносабатини ўзида акс эттиради, шахс омили ва унинг ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда ҳисобга олиш меҳнат самарадорлигини ошириш, касб маҳоратини такомиллаштириш учун негиз бўлиб ҳисобланади. Касб-хунар моҳиятини очиб берувчи профессиограмма, профессиография, психограмма асосида қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлаш учун аграр олий ўқув юртларини интилмоқлари лозим. Зоро, юксак технологияни бошқаришга лаёқатли, ижодий, мустақил фикрловчи, шахслараро муносабатларни ташкил қилишга ўқувли мутахассислар етиштиришга эришилса, эзгу ниятлар ижтимоий ҳаётда қарор топган бўлар эди. Ижтимоий тараққиётни рўёбга чиқариш учун мамлакатда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни жаҳон стандартлари даражасига кўтармоқ лозим, фан ва техниканинг бугунги кун тараққиётига жавоб бериш учун кенг савияли, билимдон, ўз касбининг фидойи кишисини камол топтириш орқали давлатимизда бозор иқтисодиётiga бардош берадиган рақобатбардош маҳсулотлар яратувчи касб эгаларини шакллантириш жоиз. Токи улар давр талабларш оғишмай жавоб берадиган, қизиқиши кенг, малакаси мустаҳкам, хотираси барқарор, фикр юритиши пухта, изланувчан, меҳнатсевар, вататпарвар, иймон-еътиқодли инсонлар бўлиб вояга етишсин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрта мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси касб танлашга келганда оқилона ва тўғри йўл тутади, деб бўлмайди, албатта. Улардан бальзилари таваккаллигига иш туцалар, айримлари ота она касбини танлайдилар ёки кўзга ташланиб турган яққол намуналарга тақлид қиладилар, гоҳо севимли кишилари изидан боришни мўлжаллайдилар. Кўпчилик ўқувчилар таълим жараённада фан асосларини эгаллаб, муайян тасаввур ҳосил қиладилар, ўзлари ёқтирган касб-хунарлар ҳақида ўйладилар. Мактаб ўқувчиларининг майллари, ҳаваслари, интилишлари, хоҳишли, мотивлари, эзгу-ниятлари хусусан касбкорга бўлган қизиқишли, мотивлари, еҳтиёжлари туғилиши психология фанининг шахс муаммоси билан узвий боғлиқдир. Шахс психологиясини ўрганиш ўқувчиларни касб танлашга йўллаш демакдир. Ўқувчиларнинг идивидуал типологик хусусиятлари, ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирини оқилона касбга йўллаш шахс психологиясининг муҳим вазифаларидан биридир. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш тўғрисидаги хужжатларда ўқувчиларни мустақил касб танлашга (ўз

имкониятларини ўзи баҳолаш орқали) ўргатиш жуда муҳим ва зарур вазифа эканлиги таъкидланади. Шунга кўра психолог олимлар, методистлар, ташхис Маркази ходимлари кенг жамоатчилик билан биргаликда касбга доир билимларни кенг ташвиқот қилишлари, касб-кор танлашга оид йўл-йўриқлари ва методлар ишлаб чиқишилари, касб танлаш маслаҳатлари расмий шахобчалари кенгайтирилиши, профессиограмма, профессиография, психограммалар кўлами орттирилиши лозим. Бу борада Республика ташхис марказининг 2003 йил маълумотлари жуда қизиқарли ва баъзан мунозаралидир. Буларни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: Республика бўйича 9-синфларни битирган ўқувчиларнинг 8,00 %га саноат йўналишларига йўлланма берилган бўлса, уларнинг атиги 3% ўқишига жойлашган. Соғлиқни саклаш соҳаларига эса 12,60% йўлланма берилган бўлса, амалда уларнинг 4,80 % ўқишига кирган. Маориф соҳаларига эса 9,60 % йўлланма берилган бўлиб, уларнинг 4,00%гина ўқишига жойлашганлар (Мактаб ва ҳаёт журналига илова 2003 йил, 24-39 бетлар). Касб танлаш фаолиятини оқилона ташкил этиш учун мамлакатимиз қайси соҳа мутахассисларига муҳтожлигини назарда тутиш ва шунга яраша мактаб ўқувчиларини уларнинг майли, интилиши, қизиқиши, имконияти, ақлий ва жисмоний қобилиятларига қараб, ҳамда у ёки бу касбга яроқлилигини аниқлаб, сўнг касбга йўллаш керак.

Ҳозирги даврда ҳалқ таълими бўлимларида, ишлаб чиқаришда, аҳолини иш билан таъминлаш муассасаларида, коллежлар ва Олий Ўқув Юртларида ёшларга касб танлаш йўлиникўрсатадитан маҳсус касб-хунар кабинетлари ташкил этилган. Бу борада Республика ташхис марказининг, ҳамдажойлардаги унинг бўлимларининг фаолияти ибратлидир. Бундан ташқари малакали психологлар ва педагоглар (шу жумладан маҳалла тарбиячиси), мураббийлар, мухандислар ва техниклар ҳар бир касб-хунарнинг ўзига хос томонлари ҳақида малакавий маслаҳатлар ташкил қилишади. Лекин ёшларнинг касб-хунар танлаши асосан ўрта мактабдан бошланади, шунга кўра ўқувчилар кичик жамоаси билан психологлар олдида турли ёшдал жинсдаги мактаб ўқувчиларини касбга қизиқтириш, меҳнат қобилиятларини ривожлантириш, ички имкониятларини ишга солиш (ўзини-ўзи намоён этиш) каби муҳим вазифа турибди. Психологлар, бундан ташқари, ўқувчиларнинг ақл идроки, қобилиятларини ҳамда муайян касбга яроқлилик даражасини аниқлаш методлари, усуслари, технологияси, акллари мезонлари ва таркибий қисмларини ишлаб чиқишилари шунингдек, бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки психология фани ўқувчиларнинг касб – хуна ртанлашига ёрдам берадиган, йўл-йўриқлар ва тавсиялар, мукаммал қўлланмалар, аксарият касб-хунарнинг профессиограммасини ҳали тўлиқ ишлаб чиқсан эмас. Лекин шахс психологиясига оид амалий ва назарий материаллар етарли микдорда яратилган. Шахс психологияси масалаларини ёритиш, яъни шахснинг билиш қобилиялари, ақл-идроки, ақл-заковати, индивидуал типологик хусусиятлари, руҳий ҳолатларини аниқлаш

йўли билан унинг нималарга қодир, қандайкасб-хунарга яроқлиги тўғрисида аниқ фикр билдириш муайян тавсиялар бериш мумкин.

Кейинги йилларда ўтказилган кузатишлар Республикаизда ёшларни касбга йўллаш соҳасида талай камчиликлар борлигини кўрсатди. Буни эса психололгар вилоятлар кесимида ҳамда Республика бўйича 9 синф битиувчиларига соҳалар бўйича тавсияномалар бериш жараёнида аниқлашди. Дарҳақиқат, мактабда ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларини амалга оширишдаги дастлабки қадамлар бошланди. Ўйлаймизки, ана шу дастлабки қадам мактабларда касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб борувчи мутахассис ҳамда ўкувчиларни касб-хунарга қизиқиши, мойиллиги ва лаёқатини аниқлаш билан шуғулланадиган мактаб амалиётчи психологи штатларни ташкил этишдан иборат бўлиши лозим. Чунки, бу мутахассисларсиз мактабда мазкур ишлар хақида гапириш ҳам мумкин эмас.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Мутахассисларга қўйиладиган касбий талаблар нималардан иборат?
2. Мутахассисларга қўйиладиган шахсий талабларга нималар киради?
3. Психологик тестлар билан ишлашнинг афзалликлари нимада?
4. Касбнинг яшовчанликкўрсаткичларига нималар киради?

К.Фарреннинг шахс яшовчанлик сифатларига қўйидаги кўрсаткичларни киритади:

-Шахс хусусиятларига муносиб касб танлаш.

-Бажараётган ишга қўйилган талабларга юқори даражада тайёрлик.

-Хаёти давомида талим олиш ва ўрганишга тайёрлик.

-Маданийлиги, ўзга кишилар қадр-қимматини, фарқларини қабул қила билиш.

-Компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишни билиш.

-Бир неча соҳаларда касбий маҳоратни намойиш қила олиши.

-Янги лойиҳалар тақдим қилиш ташаббусига эгабўлиш.

-Ишда ҳамкаслар билан ҳамкорликда ишлаш кўнимасига эгалиги.

К.Фаррен касбнинг яшовчанлик кўрсаткичларига қўйидагиларни киритади:

-Касбнинг ташкилот мақсадлари билан чамбарчас боғлиқлиги.

-Бошқа муассаса ва ишлаб чиқариш соҳалари билан уйғунлашиш имконияти.

Бошқа касбларда ўз компетентлилиги ва қобилиятларидан фойдаланиш имконияти.

-Шахсий ва молиявий тамилланганлик.

-Касб бўйича шахслар уюшмасининг мавжудлиги.

-Маҳоратга етакловчи билимга эгалик.

-Ёшидан қатий назар касбий муваффақиятларда мустақил бўлиш.

Назорат саволлари:

1. Республикаизда ёшларни касб танлашга йўналтириш борасида қандай ишлар

амалга оширилмоқда?

2. “Ўқувчиларникасб–хунарга йўналтириш хонаси тўғрисидаги Низом” ни қабул қилинишидан мақсад нима?
3. Абу Наср Фаробий касб-хунар тўғрисида фикрларини қандай?
4. Абу Али Ибн Синонинг касб-хунар тўғрисида фикрларини қандай?
5. Касбий фаолият самарадорлигини ўрганиш борасидаги Америка ва европа мамлакатларидағи йўналишларни айтиб беринг?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт. 10-16 пагес.
5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
8. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
11. Э. Ф. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.
12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования”  
(сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.

### **4 - Мавзу: Шахснинг касбий шаклланиши.**

#### **Режа:**

1. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар.
2. Ўқув фаолияти ва касб мотивацияси.
3. Мотивлар ва уларнинг мутахассислар тайёрлашга таъсири.

#### 4. Касб ва қизиқиши.

##### 1. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар

Касб танлаш жараёни ижтимоий аҳамият касб эца-да, лекин унинг ортида жисмоний индивидуал (яккаҳол) шахс туради. Ҳолбуки шундай экан, ҳар бир касб танловчи шахсиятига индивидуал муносабатни амалга ошириш зарур. Бунинг учун касб танловчининг ёш ва жинс хусусиятлариға биноан касб маорифини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда биринчи навбатда шахснинг касбий эҳтиёжи, мотиви, лаёқати, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш даркор. Акс ҳолда умумий хусусиятли йулланма, кўрсатма ижобий натижага олиб келмайди, чунки индивидуаллик ўзига хос талабларни тақозо этади. Ҳатто оддий касб маорифи ҳам турлича ёндашувни талаб қиласи, бинобарин, уни

қондирмасдан туриб туб мақсадга эришиб бўлмайди. Касб маорифи — ўқувчиларни касбнинг моҳияти билан, ҳар бир касбнинг шахс олдига кўядиган талаблари билан таништиришдан иборат таъсирчан ахборотлар мажмуасидир. Маълумотларнинг аниқлиги, тўлиқлиги, хусусий ва ижтимоий аҳамияти| ифодалангандиги билан бошқа таркиблардан ажралиб туради. Касб маорифи инсоннинг ёши, жинси, савиясига кўра хилма - хил тарзда амалга оширилади, шакллари эса вербал ва новербал, кузатув ва танишув, кўргазмали ва график, учрашув каби

кўринишларга эга. Касбий маслаҳат - касбга йуллашнинг моҳиятини инсон онгига чуқурроқ сингдириш учун, шахснинг иштиёқи ва қобилиятлариға мос касб - ҳунар (ихтисос) танлаши учун муҳим объектив ва субъектив шарт - шароит яратиш жараёнидир. Касб эгалловчи (танловчи) эҳтиёжи, ўқитувчи (мураббий)нинг касбий масъулиятидан келиб чиқкан ҳолда илмий – амалий хусусиятли йулланмалар бериш жараёнидир. Маслаҳат ўзининг мақсадга йуналганлиги, изчилиги, объективлиги, ахборотлар билан тўйинганлиги билан бошқа асосий қисмлардан кескин ажралиб туради. Касбий саралаш — муайян касбни муваффақиятли равишда эгаллаб, ўз олдига қўйган фуқаролик (хусусий) бурчини юқори савияда адо эта биладиган шахсларни ажратади олишдан иборат жараёндир. Касбий билимлар шаклланган маълум кўникмалар, малакаларга асосланган ҳолда текшириш меъзонлариға суюниб омилкорлик билан оқилона саралаш ўтказилади. Саралаш жараёни ўтказилгандан кейин касбий мослашиш даври бошланади. Одатда касбий мослашиш деганда, ёш касб эгаларининг ва мутахассисларнинг касбий фаолиятга, унинг шарт шароитлариға, талаблариға муваффақиятли равишда мослашиш ( бир неча босқичлардан иборат) жараёни тушунилади. Касб моҳиятига киришиш, билимлар, кўникмалар, малакалар билан танишиш, уларни эгаллаш учун оқилона усуслар танлаш, улардан амалиётда унумли фойдаланиш, шарт - шароитларга одатланиш, маҳорат қирраларини ўзлаштириш каби муҳим қисмлар мослашиш таркибларини ташкил қиласи.

Касб танлашга таъсир этувчи асосий омилар моҳияти қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) Таълим - тарбия тизимида касбга йуллаш фаолиятининг (тадбир ва чораларнинг) мазмуни ва методикалари мажмуаси мукаммал равишда мужассамлашганлиги.
- 2) Ўқувчиларни касб танлашга ўргатишида ўқитувчилар жамоаси фаолияти ҳамкорлиги ва самарадорлиги.
- 3) Синф раҳбарининг ота - оналар билан ҳамкорлиги онгли касб танлаш негизи эканлиги.
- 4) Касб танлашда ёшлар ташкилотининг иштироки.
- 5) Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар мазмунида касб танлашнинг алоҳида ажратилиб кўрсатилиши.
- 6) Мактабларда ишлаб чиқариш комбинатларида оммавий ва кенг қўламда йулга қўйилиши.
- 7) Махсус муассасалар фаолияти.
- 8) Касбга оид кўргазмалар, саёҳатлар уюштирилиши.
- 9) Ижодкор, нуфузли, маҳоратли кишилар билан учрашувлар ўтказилиши.
- 10) Касб танлашда маҳаллий матбуот, радио ва телевидениенинг иштироки.

Касбга йуллаш умумдавлат аҳамиятига эга муаммо ҳисобланиб, уни босқичма - босқич амалга оширии «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»да алоҳида ўрин эгаллади. Юқорида касб танлашга йуллаш омиллари фаолиятини ҳамкорликка айлантириш юксак самаралар сари етаклайди.

. Салбий мотивацияга эга бўлган ўқувчи камроқ мусибатли (мушкул аҳвол) йулни танлаб таълим жараёнида қатнашишда давом этади. Бундай ўқиши мотивациясига алоқадор ўқувчилар юқори кўрсаткичларга муваффақиятли ўзлаштириш имкониятига эга бўлмайдилар, чунки иштиёқсиз дарсга қатнашиш туйгуси, билим ва ўкув предметига нисбатан қизиқишининг мавжуд эмаслиги бунга маъновий тўсиқ бўлиб хизмат қиласи. Бунинг натижасида ўзлаштирмовчи, бўш ўзлаштирувчи, суст ўқувчиларнинг сафи табора кенгайиб боради, бу нарса кундалик одатга айлана борса, у стереотип даражасига ўсиб ўтиши мумкин. Мустақил ва муваффақиятли ўқиши эса шахсдан фаол, қатъий, ижодий изланишларни тақозо қиласи ва шунга ўхшаш талабларни ўзлаштирувчи олдига қўяди. Шахснинг мазкур ҳолатларга тайёр эмаслиги, ундаги имкониятларнинг чекланганлиги сабабли ўзлаштирмовчилар қаторини тўлдиришга, бир синфда ёки курсда икки йил ўқишига олиб келади, ўша қийинчиликлар билан ўз синфи, курсини тамомлайди. Бундай тоифадаги ўқувчилар ёки талabalар ўкув фаолияти мотивациясини қайта қуриш эвазига ижобий натижаларга эришиши мумкин. Ўқувчилар ва талabalardan ўқишига нисбатан салбий мотивация бирданига вужудга келмайди, балки уни келтириб чиқарувчи бир неча хусусиятли омиллар таъсир этиши эҳтимол. Ҳозирги замон психология фани билимларни эгаллашга нисбатан ички эҳтиёжга катта аҳамият беради ва бу билан шахс хулқ-атворини бир мунча бошқариш

имконияти мавжуд эканлигини таъкидлайди. Шунинг билан бирга ўқувчи (талаба)да барқарор билишга қизиқиши шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор қилинади. Дарҳақиқат барқарор билишга қизиқишлиар қўзгатувчи туртки (куч) сифатида ўқув мотивларини вужудга келтиради, муваффақиятни таъминлашга хизмат қилади. Ўқувчи ёки талабада билимларнинг муайян соҳасига, у ёки бу фаолият турига қизиқишининг тугилиши кўп жиҳатдан шахсни қай тариқа шаклланиш имкониятини белгилайди.

## 2. Ўқув фаолияти ва қасб мотивацияси.

Психологик маълумотларга кўра, ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва етарли шарт - шароитлар яратилгандағина амалга ошади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун ўқувчиларда ўқув мотивлари мотивлари мавжуд бўлиши шарт. Билиш мотивлари шахснинг (субъектнинг) гносеологик мақсад сари, яъни билиш мақсадини қарор топтиришга, билим ва кўникмаларни эгаллашга йуналтирилади. Одатда бундай турдош ва жинс, мотивлар назарий маълумотларнинг кўрсатишича, ташқи ва ички номлар билан аталиб, муайян тоифани юзага келтиради.

Ташқи мотивлар жазолаш ва тақдирлаш, хавф - хатар ва талаб қилиш, гурухий тазиик, эзгу ният, орзу - истак каби қўзгатувчилар таъсирида вужудга келади. Мотивларнинг навбатдаги тоифасига, яъни ички мотивлар туркумига ндивидуал хусусиятли мотивлар кирадики, улар ўқувчи шахсида ўқишига нисбатан индивидуал мақсадни рўёбга чиқарувчи қўзгалиш негизида пайдо бўлади. Чунончи, билишга нисбатан қизиқишининг вужудга келиши шахснинг маънавий (маданий) даражасини ошириш учун ундаги интилишларнинг этилишидир. Бунга ухшаш мотивларнинг таъсирида ўқув жараёнида низоли, зиддиятли

ҳолатлар (вазиятлар) юзага келмайди. Албатта бундай тоифага тааллуқли мотивлар пайдо бўлишига қарамай, баъзан қийинчиликлар вужудга келиши еҳтимол, чунки билимларни ўзлаштириш учун иродавий зўр беришга тўгри келади. Бундай хоссаларга эга бўлган иродавий зўр беришлар ташқи ҳалакит берувчи қўзгатувчилар (қўзговчилар) кучи ва имкониятини камайтиришга қаратилган бўлади. Таълим жараёнида бундай вазиятларни яратиш ўқитувчининг муҳим вазифаси ҳисобланиб, унинг фаолияти ички англанилган мотивлар ўқувчилар хулқ – авторини шунчаки бошқариш билан чекланмасдан, балки улар шахсини шакллантиришга, уларда мақсад қўя олиш, қизиқиши уйготиш ва идеалларни таркиб топтиришга қаратилган бўлади. Аниқ нарсалар, ҳодисалар ва хатти – ҳаракатлар инсоннинг фаоллиги муайян манбалар билан узвий болганишга эга бўлса, уйгунлашиб борса фаолият мотивлари даражаси ўсиб ўтади. Психологияда манбалар ўз моҳиятига кўра туркумларга ажратиб талқин қилинади.

А) Инсон эҳтиёжлари билан белгиланувчи ички манбалар. Организмнинг табиий эҳтиёжларини намоён қилувчи тугма хусусиятли ва жамоада шаклланувчи ижтимоий эҳтиёжларни вужудга келтирувчи орттирма хусусиятга эга бўлиши мумкин. Тугма эҳтиёжлар орасида ўқишига нисбатан

маъно касб этувчи алоҳида аҳамиятга эга бўлган фаолликка нисбатан эҳтиёж ва ахборот, маълумот, хабарлар олишга эҳтиёж муҳим рол ўйнайди. Мотивга генетик ёндашилганда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бола тугилгандан эътиборан бевосита фаоллик кўрсатишга мойиллик ҳукм суради: у кулади (новербал муомала шакли), қимирлайди (фазода ўрин алмашиш), қўл ва оёқларини ҳаракатлантиради (мослашиш), ўйнайди (муҳим - бола муносабати), гаплашади (шахслараро муносабатга киришиш), саволлар беради (диалогик мулоқот ва бошқалар). Унга ўхшаш хатти-ҳаракатларнинг ўзи уларни қониқтиради, воқеликни инсоннинг ахборотларга нисбатан эҳтиёжини тажрибаларда кўрсатиш мумкин: агар текширилувчини маълум вақтга ташқи оламдан ажратиб қўйилса, натижада унинг иродасида, ҳиссиётида, интеллектида бузилиш содир бўлиши, зерикиши, иродавий акт тизими йуқолиши, фикр юритиш жараёнининг парчаланиши, иллюзион галлюсионал ҳолатлар учраши мумкин. Фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулки ва ўзини қандай тутиши, эгалланган мавқеи ҳам сабабсиз, ўз-ўзидан рўйбермайди. Фаолиятни амалга ошириш ва шахс хулқ-атворини тушунтириш учун психологияда «Мотив» ва —мотивация» тушунчалари ишлатилади. «Мотивация» тушунчаси «Мотив» тушунчасидан кенгроқ маънога эга. Мотивация-инсон хулқ-атвори, унинг бодланиши, йуналиши ва фаолигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини, яъни —нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?», «қандай манфаат йулида?» деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир.

Назорат саволлари:

1. Касб танлашга таъсир этувчи қандай омиллар мавжуд?
2. Касб танлаш мотивацияси қандай усулда ўрганилади?
3. Ҳар қандай муайян фаолият нималар таъсирида вужудга келади?
4. Информацион тақчиллик одамларда қандай ҳис-туйгу ва кечинмаларни олиб келади?
5. Мотивлар мутахассислар тайёрлашга қандай таъсир кўрсатади?

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

- тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт. 10-16 пагес.
  5. Бордавская Н.В., Рean А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
  6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
  7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  8. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: —Шарқ|| нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
11. Э. Г. Гозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.
12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фескова и др. —Психология профессионального образования|| (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернет ресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

## **5-Мавзу: Таълим олувчилар шахси ва фаолиятининг психологик хусусиятлари.**

Режа:

1. Таълимга йўналтирилган ва лойихалаштирилган профессиографлантириш.
2. Чет элларда касб-хунарга йўналтириш ишлари.
3. Шахс психологияси ва касбий шаклланиш.

1. Таълимга йўналтирилган ва лойихалаштирилган профессиографлантириш .

Профессиография - бу касбларни ўрганиш, тасвирлаш ва лойихалаштириш технологиясидир, бу ерда ишчининг касбий фаолиятига қўйиладиган психофизиологик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий талаблар ўрганилади. Психологияда Э.А.Климов томонидан ишлаб чиқилган касблар классификацияси кенг тарқалган. Иш ҳажмига мувофиқ касбларни беш турга бўладилар:

1. Инсон-тирик табиат.
2. Инсон - техника.
3. Инсон -инсон

4. Инсон -белгилар тизими

5. Инсон - бадий образ

Касбларнинг бу беш тури меҳнат мақсадлари белгиси бўйича уч синфга бўлинади:

1. Гностик касблар

2. Ўзgartирувчи касблар

3. Изланувчи касблар

Ҳар бир синф чегарасида асосий меҳнат қуроллари ҳусусияти бўйича касбнинг тўрт бўлимига (доимий эмас) бўлинади:

1. Кўл меҳнати касблари

2. Машина-кўл меҳнати касблари

3. Автоматлаштирилган ва автоматик ускунали ва тизимларнинг ишлатишини талаб қилувчи касблар

4. Инсон ўзининг функционал воситаларини ишлатишини талаб қилувчи касблар(хулқнинг, нутқнинг ифодали воситалари ва х.к.зо)

Э.А.Климов меҳнат шароитига қараб касбларни тўрт груплага бўлади:

1. Микроклимат шароитида, кундалик ҳаётимизга яқин, “хона” шароитига

яқин фаолият

2. Турли шарт-шароитда, очиқ ҳаводаги фаолият

3. Осмонда, сув тегида, ер остида, ҳаво ҳарорати баланд ёки паст даражаларда , ғалати шарт- шароитлардаги фаолият

4. Инсонларнинг соғлиғига, катта моддий қийматга, ҳаётига жавобгарлик шароитидаги фаолият

Таълимга йўналтирувчи профсеограмма қатор блокларни ўз ичига олади:

1-блок касб ва мутахассислик, кодификациялар, касбий йўналишни, касб вазифасини ва касбий таълим даражаси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

2-блок касб тури, касбнинг етакчи объектлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

3-блок шахс касбининг етакчи тамоийларини, касб предметига ўзига хос муносабати аҳамияти ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

4-блок кўп тизимли таълимдагидек профессионал мухит тавсифини ўз ичига олади. Бу ерда меҳнат натижасининг ўзаро алоқаси, ошланғич меҳнат предмети, ишлаб чиқариш жараёни ва жараёни ҳисобга олинади.

5-блок шахснинг аклий потенсиалини ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш ва ривожлантириш имконияти, шахсни бозор шароитида “муваффақият стратегияси” мобиллиги ва эгилувчанлигига йўналтирилиш. Экологик, хукуқли ва иқтисодий маданиятининг масалаларини ўз ичига олади.

6-блок ишчи касбининг белгиланган психофизиологик ҳусусиятларга талабларни; медицинадаги қарши кўрсатмала, жинсига, ёшига талаб, анализаторлар ривожланишини даражаси, санитарно-гигиеник талабларни акс эттиради. Талабга йўналтирувчи дастур, профессионал таълимнинг мазмунини аниқлашда ва янги ўқув касблар, мутахассисликларни

лойихалашда, таълим берувчи дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишида ишлатилиши мумкин. Проспетлаштирилган дастур мутахассиснинг ва професионалнинг касбий ўсиш динамикасини акс эттиради. Унинг вазифаси - мутахассиснинг професионал ўсишини

лойихалаштириш; ишлатилиш соҳаси- персоналлар аттестацияси, профконсультация, бандлик ҳизматига ёрдам кўрсатиш. Проспетлаштирилган дастурни узуликсиз професионал таълимни лойихалаштиришда ишлатиш, малакасини ошириш ва қайта малака ошириш мазмуни ва технологиясини ошириш мақсадга мувофиқдир.

## 2. Чет элларда касб-хунарга йўналтириш ишлари.

Ўзбекистон жаҳон андозаларига мос келадиган кўп босқичли таълим тизимиға ўтмоқда. Таълим технологиялари жаҳон андозаларига мос келадими, илг`ор тажрибалар таълим технологияларига кириб бормоқдами? - деган савол ҳаммамиз учун ўта муҳимдир. Биз фойдаланадиган таълим технологиялари шахсни ривожланишига, мустақил ишлашга ўргатиши зарур. Чет эл тажрибаларини ўрганиб, уларни шароитимизга мослаб татбиқ қилиш керак. Бу борада бир қатор чет эл тажрибалари, хусусан Истроил давлати тажрибалари билан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади. Истроил давлатида таълим 5 ёшдан 18 ёшгacha давлат бюджети ҳисобига амалга оширилиб, уч босқичдан иборат (мактабга 6 ёшдан қабул қилинади):

- а) бошланг`ич таълим (1-4 синфлар),
- б) ўрта таълим (5-9 синфлар),
- с) технологик таълим (10-12 синфлар).

Бу босқичлар якунида бутун Истроил бўйича бир кунда битириш имтиҳонлари бўлиб ўтади. Натижалари асосида ўқувчилар ўзи танлаган мактаб ёки технологик мактабларда ўқишни давом эттиради. в) технологик таълим (10-12 синфлар).

Ўқувчилар бу босқичда касбий билим оладилар ва университетларга кириш ҳуқуқини берувчи аттестат учун имтиҳон топшириб боришади. (Аттестатга имтиҳон топшириш жуда мураккаб жараёндир.) Ҳар йили 12-синфни тугатган ўқувчиларнинг ўртача 20-40 % аттестат оладилар. Шундан кейинги барча тоифадаги таълим ҳизматлари пуллик. Ўн сакиз ёшга кирган ўг`ил - қизлар мажбурий армия ҳизматига чақирилади. Армия ҳизматидан кейин аттестати борларнинг деярли ҳаммаси университетга ўқишга киради. Аттестат олмаганлар технологик мактабларда ўқишни давом эттириши ёки олган касби бўйича ишлаши мумкин. Аттестати йўқлар технологик мактабларнинг 13-14 синфларида ўқийди, лекин истаган синфдан сўнг кичик техник, техник ҳужжати билан ўқишни якунлаши мумкин. 15-16 синфларда ўқишни давом эттирсанлар кичик инженер (15-синф) ва бакалавр (16-синф) дипломига эга бўлади. Бундай синфларга эга бўлган технологик мактаблар Истроил ёки чет эл университетлари билан шартномага эга бўлиб, шу университетларнинг дипломларини беришади.

Таълимдаги устувор йўналишлар ва моддий-техник таъминот

Истроил давлатида технологик (касб-хунар) таълимга жуда катта этибор қаратилган ва турли -туман кўринишдаги ўқув муассасаларида амалга

оширилади. Булар жумласига технологик мактаблар, колледжлар, педагогик марказлар ва бошқалар киради. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш ёки фирмалар билан бевосита bogлиқ бўлиб, мутахассислик йўналишларига эга. Масалан: электроника, компьютер, экология, қишлоқ хўжалиги, кимё, граждан денгиз флоти ва бошқалар. Ҳозир Истроил давлатида жорий қилинаётган таълим технологияси кўра синфларда ўқувчиларни ўзлаштириш даражасига қараб табақаларга ажратиб ўқитилади. Таълим барча фанлар бўйича ҳаёт ва табиат билан бодаган ҳолда олиб борилади. Фанларнинг узвий bog`ланиши доимо кўзга ташланиб турди.

Олий таълим тизими уч босқичли:

1. Бакалавриатура - 4 йил,
2. Магистратура - 2 йил,
3. Докторантура - 3 йил.

Бакалавр ва магистр учун ўқиш Истроилда, докторантура асосан Эвропа ва АКШ да амалга оширилади. Истроил давлатида малака оширишга асосан икки гурух омиллар таъсир қиласи:

1. Ижтимоий-маданий омиллар:
  - а) жамиятни кўп маданиятлилиги (турли давлатлардан келган репатриантлар ўзига хос маданиятга эга);
  - б) турли дин вакилларининг йирик қатламларининг борлиги (иудейлар, мусулмонлар, христианлар ва уларнинг турли оқимлари);
  - в) турли йиллардаги репатриантларнинг катта оқими (50-, 70-, ва 90-йиллар).
2. Педагогик омиллар:
  - а) технологик таълимга ўтиш;
  - б) ўқувчиларни шахс сифатида ривожланишига йўналтирилган таълим (айниқса ўрта ва технологик таълимда);
  - в) ўқув юртларини компьютерлаштириш давлат дастури ва унинг жуда юқори суратларда амалга оширилиши;
  - г) мутахассисларни тайёрлашдаги кўп босқичлилик.

Ушбу факторлар малака оширишнинг мазмунини ташкил этади ва унинг самарадорлигини, малака ошириш келажагини аниқлашда ҳисобга олинади. Бу дастур Вазирлик ва муниципиалитетлар даражасида бошқарилади. Педагогик фаолиятнинг ташкил этилиши Мутахассис (бакалавр, магистр, доктор) истаган кўринишдаги ўқув юртида педагог сифатида ишлаши учун албатта бир йил ўқиб педагогик фаолият кўрсатиш ҳуқуқини олиши керак. Бу ўқиш университетларнинг педагогик факултетларида, педагогик колледж ва марказларда амалга

оширилади. Педагогларнинг малака ошириши икки тоифага бўлинади. 1.

2. Университет профессорларидан ташқари барча тоифадаги ўқув юртларининг педагоглари жорий малака оширишлардан ўтиб туриши керак. Бунинг учун хафта методик кун берилади. Методик кунда малака ошириш учун 2 соатга эквивалент қўшимча хақ тўланади. Бу кунда у ўзининг професионал ва педагогик малакасини ошириш учун курсларга қатнаши керак. Курсларга ҳар хафта ёки соатлар (маблаг`) йиг`илганда бирданига

қатнаши мумкин. Курслар натижасида педагог кредит тўплайди. Минимал кредит ёки кредит бирлиги 112 соатга тенг. Педагог 112 соатлик кредитлардан иккитасини йиққандан сўнг малака оширган ҳисобланиб, маошига 1,6 % қўшилади. Бу жараён ўсуви коеффициент билан узлуксиз давом этади ва маошни 30 % гача ошишига имкон беради. Малака ошириш учун имкониятлар жуда катта бўлиб, у малакали мутахассислар, техника ресурслари ва молиявий жиҳатдан таъминланган. Таълимга, ажратилган маблаг'лар жуда катта бўлиб, давлат бюджетининг 11 % ва муниципиалитетларнинг 40% гача бюджетини ташкил қиласди. Бундан ташқари чет еллардаги ҳомийлар нет эл таълим технологияларини ўрганиш, уларни танқидий таҳлил қилиш ва улар билан ўз тажрибаларимизни бойитиш «Таълим тўғрисида»ги қонунни ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни амалга оширишда ўта муҳимдир. Жаҳоннинг этакчи мамлакатларида ўқувчиларни касбга йўналтириш доимий тадбир сифатида эътироф этилади ва маҳсус фан сифатида ўқув юртларида ўқитилади. Лекин касбий фаолиятга йўллаш тизими ҳозирча этарли даражада самара бераётгани йўқ. Бунинг асосий сабаби тизим таркибидаги нуқсонлар бўлмай, балки ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг ижтимоий детерминизациясидир.

### Назорат саволлари.

1. Чет элларда касб-хунарга йўналтириш ишларини гапиринг?
2. Истроил давлатида таълим тизими қандай?
3. Ақшда «Иш юзасидан ҳамкорлик», «Мактабни ўз қарамог'ига олиш» номли дастурларни изоҳланг?
4. Англияда мактаб ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик ва «Лондон компект» лойиҳасини изоҳланг?
5. Россияда ёшларни касбга йўллаш ишлари меҳнат ва халқ таълими тизими қандай?

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдуатионал Психолог опиригҳт  
© 2009 Келвин Сеиферт.
5. W.Брусе Walsh. Mark L. Savikas. Воатионал Псайнолигӣ. Лондон.2005.

6. Бордаская Н.В., Рean А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
7. Профессионална педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
8. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
9. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “СъҲарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
10. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
11. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остидаю. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
12. Э. F. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.  
Интернет ресурслари
  1. www.edu.uz
  2. www.ziёnet.uz
  3. www.tuit.uz

## **6-Мавзу: Касбий ўқитиш психологияси.**

### **Режа:**

1. Касблар ва уларнинг классификацияси.
2. Диагностик профессиографиялаш.
3. Чет эл адабиётларида касбий ўқитиш тўгрисида.

### **1. Касблар ва уларнинг классификацияси.**

1920 йилларнинг иккинчи ярмида рус психотехниклари тез суратларда Касбий фаолиятнинг тамойил ва усулларини ишлаб чиқдилар. Шу тадқиқотларни умумлаштириши натижасида психотехникада махсус ёндошув профессиографиянишаклланишига олиб келди. Бу ёндашувнинг моҳияти – касблар тасвири|| умуман олганда профессиографияни ўрганиш, касбнинг психологик тавсифи ва лойиҳалаштиришини ўз ичига олади. Профессиографияда маълум меҳнат жараёнини ташкил этувчи обьектлар белгилари, меҳнат субъекти, меҳнат предмети вазифалари, воситалари ва шароитлари ўрганилади.

Профессиографиянинг асосий тамойилларидан бири касбий фаолиятни ўрганишда дифференсиал ёндашув тамойили ҳисобланади. Бу тамойилнинг моҳияти профессиографиянинг аниқ амалиймасалаларини ечишга бўйсунишидир. Масалан, касбий консультасия ва касбий танлов учун шундай касбий муҳим белгиларни ажратиш керакки, улар синовдагиларнинг касбий лаёқатига кўра фарқланиши лозим. Малака даражасинианиқлаш учун меҳнат вазифалари, касбий билим, малака, кўникум тавсифи муҳим аҳамиятга эга. Касбий толиқиши ўрганиш учун шундай белгилардан фойдаланилдики, улар ёрдамида касбий толиқишининг келтириб чиқарадиган омилларини аниқлайди. Шундай қилиб, професиографиянинг дифференсиал тамойили касбнинг ўрганиш усулларини унинг тавсиф, мазмуни, шунингдек, қўлланилиш соҳаси яъни профессиография ўtkазиш хусусиятлари унинг

мақсадлари билан белгиланади. Мақсадлари қуидаги фаолият соҳалари билан бўлиши мумкин:

- 1) Ишчилар аттестасияси.
- 2) Янги касблар мутахассисликларни лойиҳалаштириш.
- 3) Оптантлар профконсултацияси ва мутахассислар танлови.
- 4) Касбий таълим малака тайёргарлиги ва малака оширишни такомиллаштириш.
- 5) Шахс касбий ривожланиши бўйича илмий тадқиқотлар.

Профессиография натижалари професиограммада акс этади, у меҳнат шароитлари тасвири, ишчи хукуқ ва мажбуриятлари, муҳим касбий сифатлари шунингдек, соглигига қарши кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Професиограмманинг муҳим таркибий қисми - психограмма бўлиб, у мутахассиснинг мотивацион, ирода ва эмосионал соҳасининг тавсифи ҳисобланади.

Психограмма - касбнинг психологик портрети бўлиб, у аниқ касбда долзарб бўлган психологик функциялар гурухи билан намоён бўлади. Професиографик тадқиқот методлари. Касбнинг илмий таъсири, меҳнатнинг (меҳнат хулқи ) ташқи яъни психик жараёнлар кўришини яъни, меҳнат субъектининг ички воситаларига бўлган интеграл психологик тузилмаларини назарда тутади.

Професиографияда кўпгина турли-туман усуллар қўлланади:

- 1) Ижтимоий (сўровномалар, саволлар киритилган кузатув);
- 2) Психологик (сухбат кузатув тажриба ва улардан келиб чиқувчи интервю, шахсий сўровномалар тестлар, тажрибалар, психобиографиялар, фаолият маҳсулини ўрганиш методи);
- 3) Физиологик (ЭКГ, КЭР қонда артериал босимни ўлчаш антопометрик ва техник маълумотлар);
- 4) Технологик жараёнлар таъсири ва бошқа усуллар хилма - хиллигидан вақт, куч ва вазиятларни минималлиги билан професиограмма тадқиқотдаги саволларга жавоб берувчи усулларни танлаш лозим. Усуллар комплексини ишлаб чиқишида тизимни ташкил этувчи омил тадқиқот мақсади муҳим рол ўйнайди. Психографияларни касбга йўналтириш учун ишлаб чиқаётганда касбнинг умумий професиографик ва ижтимоий-психологик таъсирига катта эътибор берилади. Меҳнат шароитларидан техник, технологик ва ижтимоий психологик шароитлари анча чуқурроқ ўрганилади. Тадқиқотларнинг муҳим йўналиши бу шахснинг қобилияtlари, психофизиологик хусусиятларини баҳолашдир. Професиограммаларнинг касбга йўналтириш ва касбий танлов мақсадида ишлаб чиқишида психодиагностик тадқиқотлар жуда муҳим ҳисобланади. Қолган тадқиқотлар ўқув - касб муассасаларида талабалар, ўқувчиларни ўқишига қабул қилинадиган шахслар ишлаши лозим бўлган шароитларни аниқлаш учун аҳамиятга эга. Аммо улар ҳам муҳим ҳисобланади, чунки аниқ мажбуриятларни ва меҳнат шароитларини билмасдан, касбга йўналтириш, касбий йўналганлигини ташкиллаштириш ва касбга нисбатан лаёқатини аниқлаб бўлмайди.

Профессиографик тадқиқотларнинг кейинги йўналиши - толиқиши монотония бошқа ёмон ҳолатларни олдини олиш, травматизм билан кўзнинг кўриш касаллиги ва унинг пасайиши мақсадида меҳнат шароитлари ва тартибини ўрганишдир. Тадқиқотларнинг асосий мақсади - меҳнат шароитлар ва тартибини ўрганиши ва шу билан бирга нормал ва патологик ҳолатлар, шунингдек, шахснинг касбий муҳим ва фаолиятига бўлган реаксиясини ташхис қиласди. Бу комплексга профессиографик усуллардан гигиеник, табиий, психологик ва физиологик усуллар киради. Усулларни танлашда касбнинг тўлиқ ўрганилиши назарда тутилиши керак. Бунда профессиографик тадқиқотлар йўналишларида қўйидаги профессиография чизмасидан фойдаланиш тавсия этилади:

- 1) Ишлаб чиқариш жараёни билан умумий танишув унинг ўрганиш ва тасвири.
- 2) Иш ўринларини тасвирлаш, иш ўрнидагиларнинг фаолиятини психологик қўллаш.
- 3) Иш-ҳаракатларининг психологик, физиологик ва антропометрик таҳлили.
- 4) Меҳнат жараёнининг таҳлили.
- 5) Иш кунининг суръати хронометраж.
- 6) Фаолиятнинг индивидуаллигини ўрганиш.
- 7) Хатоли ҳаракатлар таҳлили.
- 8) Санитария - гигиеник меҳнат шароитларини баҳолаш.
- 9) Бир смена, ҳафта, узоқ давр манбаида иш қобилиятини динамикаси.

Профессиографиялар турли мазмунига эга. Бу улар нима мақсадларда тузилганлигига bogлиq. Профессиографик адабиётларни ўрганиб ва тизимли таҳлил тамойилига таянган ҳолда умумлашган професиограмма чизмаси ишлаб чиқилган.

**Назорат саволлари:**

1. Касбнинг психологик тавсифи валойиҳалаштиришини нималарни ўз ичига олади?

2. Касбий фаолиятнинг педагогик жиҳатлари деганда нимани тушунасиз?

3. Касбий сифатлар нималарни ўз ичига олади?

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чоратадбирлари

тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.

4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт. 8-10 пагес.
  5. Бордавская Н.В., Рean А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
  6. Профессионалная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
  7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  8. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  11. Э. F. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.
  12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернет ресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

## **7 - Мавзу: Ўқитувчи профессиограмма ва психограммаси.**

### **Режа:**

1. Профессиографиянинг психологик асослари
2. Касб танлашнинг умумий масалалари
3. Ўқитувчилик касбининг умумий масалалари
4. Ўқитувчи профессиограммаси ва психограммаси.

Профессиографиянинг психологик асослари Профессиография деганда касблар ва уларнинг бир - биридан фарқланувчи ихтисослар томонидан инсон оддига қўйиладиган талабларни баён қилиш мажмуаси тушунилади.

Касб-кор (хунар) оддига қўйиладиган талабларни асослаш ва уларни баён қилиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, умумий ҳамда хусусий жабҳаларни ўзида акс эттиради.

1. Касб ва уни ихтисосликларининг психологик тавсифи.
2. Касб-корнинг (хунарнинг) мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти.
3. Касб ва ихтисосликнинг ижтимоий тавсифи.
4. Касбнинг ижтимоий психологик аҳамияти ва тавсифи: ёшларда унинг ижтимоий мавқеи (нуфузи), жамоанинг ўзига хос хусусиятлари, вертикал ва торизонтал бўйича шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари.

5. Касбий фаолиятни муваффақиятли эгаллаш учун зарур билимлар ва кўнималар кўламининг педагогик тавсифи (махсус мезонлар орқали касбий маҳорат аниқланади).

6. Педагогик жараённи такомиллаштириш юзасидан таклифлар, тайёргарлик муддатлари, тадбир - чораларнинг умумий тавсифи.

7. Меҳнат шароитининг гигиеник тавсифномаси.

Касб бўйича меҳнат қилишга тиббий жиҳатдан таъкиқланувчи омиллар изчиллиги. Касбга психологик номутаносиблик, ёки касбий яроқсизлик.

Ўзини ўзи фаоллаштириш ва идентификациялаш. Касбнинг инсон олдига кўядиган мажмуаси психологик, ижтимоий, иқтисодий, техникавий ва педагогик жабҳаларни қамраб олади. Касб ва ихтисос асосларини егалловчи ёшлар шу фанларнинг барча талабаларига мослашиши орқали мутахассислик лаёқатини ривожлантира боради. Касб танлашга йўналтириш давлатнинг тадбир - чоралари тизимидан иборат бўлиб инсон томонидан танланади, ўз ҳаёт йўлининг илмий асосланганлигини таъминлашга хизмат қиласди, у турмушда ўз ўрнини аниқлайди ва қуидаги шаклларда амалга оширилади;

мактабда касбий маълумотлар бериш;

касб - ҳунар маорифи билан шуғулланиш:

радио, телевидение, кино, матбуода ташвиқот қилиш;

касб юзасидан маслаҳатлар;

касбга саралаш (қобилиятига биноан);

касбга мослашиш (адаптациялаш).

Мазкур соҳада психологик изланишлар олиб борган К.К.Платонов муайян схема ишлаб чиқкан бўлиб, у «Касб танлашга йўналтириш учбурчаги» деб номланиб ўзининг ихчамлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Худди шу боис касб танлашга йўллашда, реориентациялашда ундан унумли фойдаланиш мумкин. Касб танлашга йўналтириш учбурчагининг муҳим бир томони - бу ҳар хил касб - ҳунар эгасига нисбатан қўйиладиган талаблар юзасидан муайян билимнинг мавжудлигидир. Унинг иккинчи бир хусусиятли томони шуки, у ёки бу мутахассисликка нисбатан жамият (вилоят, шаҳар, туман)нинг меҳнат имкониятига эҳтиёжи бўйича билимлар мужассамлашганлигидир. Яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, касбга йўналтирувчининг қунти, қобилияти, шахсий хусусиятлари бўйича билимлар умумлаштирилган бўлиб касбга танлашга оид барча жиҳатлар мажмуа ҳолига келтирилгандир.

Касб танлашга йўналтириш учбурчаги шахснинг қизиқиши, майли, хоҳиши, ўзини ўзи баҳолаши, нуфузи кабиларга оид материалларни ўзида мужассамлаштиради.

Й.А.Климов қарашларига биноан профессиограмма бу:

1) сенсор каналларни юкламалаш, устивор сигналларнинг турлари фаолият жараёнидаги ахборотлар кўлами ва умумий хусусияти (кўриш, эшитиш ва бошқалар);

2) ахборотларни саклаш ва қайта ишлаш билан боғлик ақлий фаолиятнинг хусусияти;

- 3) хотира, тафаккур ва нутқнинг қатнашуви айрим ҳаракатларнинг тавсифи;
- 4) ишда, меҳнат фаолиятида асаб – психологик зўриқиши, тангликтининг мавжудлиги;
- 5) диққатни бошқариш зарурати;
- 6) ишда муваффақиятга элитувчи шахс сифатлари, фазилатлари;
- 7) меҳнат фаолияти тузилишини тавсифловчи интеграл психофизиологик кўрсаткичлар.

Бизнингча, юкоридаги мулоҳазалардан ташқари профессиограмма олдига қуидаги талабларни қўйиш мақсадга мувофиқ.

1. Ишнинг қандай номланиши ва унинг нималардан тузилиши (ишнинг номи, мутахассислик, касб - хунар, лавозим, ишчи ўрни имконияти, меҳнатнинг турдош хусусиятлари ва унинг муҳим тавсифларининг баёни).

2. Ишнинг мақсади, самарадорлиги хусусида маълумотлар.

3. Меҳнат қуроли сифатида нималар қўлланилиши.

Меҳнат предметининг таркиблари ва уларнинг ўзига хос жабҳалари.

Меҳнат фаолияти қайси усувлар ёрдами билан бажарилиши.

Нималарнинг негизида иш (меҳнат, фаолият амалга оширилиши).

7. Меҳнат маҳсулларини баҳолаш мезонлари.

8. Ишнинг қандай ихтисослик талаб қилиши хусусиятлари.

9. Иш қандай воситалар ёрдами билан бажарилиш имконияти ва унинг мотивировкаси.

10. Ишни бажарилишининг шарти ва шароитлари.

11. Меҳнатни (фаолиятни) ташкил қилиш шакллари.

12. Меҳнатнинг кооперасияси (Ким?, Нима?, Ким билан ҳамкорликда?).

13. Меҳнатнинг жадаллиги (интенсивлиги) тўғрисида маълумотлар.

Меҳнат фаолиятида масъулиятнинг ва хавф - хатарнинг қайси дақиқалари (холатлари) учраши.

Меҳнат унинг субъектига қандай фойда, наф келтириши (иш ҳақи, мукофот, маънавий озуқа, имтиёз, ижтимоий мойиллик, алtruизм хислати, мақтов, жамоатчилик баҳоси ва бошқалар).

Иш ёки фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига кўра қандай талабларга ва чекланишларга эга эканлиги.

## 2. Касб танлашнинг умумий масалалари

Касб – хунар тўғрисида ҳар хил муносабатлар ҳосил бўлишининг асосий сабабларидан бири – бу мактаб ўқувчиларида касб танлаш жараёнида турли хил мотивларнинг намоён бўлишидир. Мотивлар ўртасидаги кураш уларнинг у ёки бу қарорга келишларига сабаб бўлади. Бизнингча, воқеликка онгли муносабатда бўлиш объектив ва қатий қарорни келтириб чиқаради. В.А.Крутеский ўспиринларда учраши мумкин мотивлардан қуидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: 1) бирор ўқув фанига нисбатан ўспириннинг қизиқиши, 2) ватанга фойда келтириш истаги (ўзларининг индивидуал - психологик хусусиятини ва қобилияларини ҳисобга олган ҳолда), 3) шахсий қобилиятини рўкач қилиб кўрсатиш, 4) оиласвий анъаналарга риоя қилиши

(ворислик), 5) дўстлари ва ўртоқларидан ўрнак олганлиги, 6) иш жойининг ва ўқув юртининг уйга яқинлиги, 7) моддий таъминланганлик, 8) ўқув юрти кўринишининг чиройлилиги ёки унга жойлашишнинг осонлиги сингари мотивлардир. Бундан ташқари, ёшларда бошқа турдаги мотивлар ҳам мавжуд бўлади. Улар қаторига шахснинг бирор касбга, фанга мойиллиги, ўз олдига қўйган мақсади, унга интилиши, қунти, касб тўғрисидаги маълумоти, унинг сихат - саломатлиги, асаб тизимининг хусусияти ва темпераментининг хусусиятлари каби мотивларни санаб ўтиш мумкин. Бироқ мотивларнинг бошқа хиллари ҳам учрайди. Лекин ҳолатнинг ўзгаришига қараб улардан униси ёки буниси бош мақсадга айланиб туради. Мазкур ҳолатни тадқиқ этган йирик психолог ЙЭ.А.Климов ўспириналар касб танлаш кезида; биринчидан, бирор касбнинг «нуфузли эканлигига» баҳо боришдаги дормаларга асосланиш, иккинчидан, касбга узоқ ва ноаниқ тасаввурга биноан баҳо бериш, учинчидан, бирор касб эгаси бўлмиш кишига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлишни тегишли касбга кўчириш, тўртинчидан, касбнинг оддий кундалик томонини назар - писанд қиласдан, унинг ташқи томонига, сиртига маҳлиё бўлиш, бешинчидан, ўртоқларининг таъсири остида «компания учун» касб танлаш каби хатоликларга дуч келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Ўспириналар касб танлаш тўғрисида яққол тасаввурига эга бўлмаганларни боисидан кўпроқ хатога йўл қўядилар. Танланган ёки танланиши зарур бўлган касб ундан қандай шахс фазилатларининг талаб қилишини тушуниб этмайдилар. Улар ўз лаёқатларини оқилона баҳолашга қурби этмаганлиги учун у ёки бу касбни егаллаганда қандай тезликда ва аниқликда харакат қилишларини, сезиш ва идрок қилиш хусусиятларини, асаб тизимининг мувофиқлашиши мумкинлигини билмайдилар. Шунинг учун юқорида баён қилиб ўтилган ҳатоларга йўл қўядилар. Бироқ ҳозирги даврда бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун қуйидаги педагогик – психологик ва ижтимоий хусусиятли умумий томонларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Назорат саволлари:

1. Профессиография деганда нимани тушунасиз?
2. Касб танлашга йўналтириш андай усулда амалга оширилади?
3. Касбкорликка қандай талаблар қўйилади?
4. Касбкорликка йўналтиришднинг педагогик – психологик ва ижтимоий хусусиятларининг умумий томонларига нималар киради?
5. Касбга йўналтирувчи қандай методикалар мавжуд ?

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт. 10-16 пагес.
5. Бордавская Н.В., Рean A.A. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
8. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: —Шарқ|| нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
11. Э. F. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.
12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. —Психология профессионального образования|| (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.

#### Интернет ресурслари

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

#### **8-Мавзу: Ўқитувчининг психологик портрети. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.**

Режа:

1. Ўқитувчининг психологик портрети.
2. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
3. Маҳсус педагогик фаолиятдаги талаблар.

#### 1. Ўқитувчининг психологик портрети.

Психологик портрети -кузатилган обьектни фото (расм) орқали кузатувчи томонидан фактик ифодаланиши, яъни кузатилган обьектни хусусиятларига жинс, ёш, иш стажи, касб ва бошқа омилларнинг таъсирини аниқлаш учун фойдаланилади. Кузатиш натижаларини умумлаштиришда маълумотлар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинади, тажриба якунлари бўйича ғоялар, умумлашмалар, хоссалар, қонуниятлар, механизmlар, ҳолатларнинг илмий психологик талқини амалга оширилади.

Кузатиш якунида тўпланган маълумотлар илмий ҳисобот сифатида муайян қоидаларга асосланган ҳолда қўйидаги тартибда жойлаштирилади:

кириш, методикаларнинг таснифи, натижаларнинг босқичма-босқич таҳлили, уларнинг муҳокамаси, изланишларнинг хотимаси ва хулосалари, амалий хусусиятга эга бўлган тавсиялар, кўрсатмалар берилиши, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ва ниҳоят иловалар (ҳар бир қисм ўзига хос якунланган, тугалланган маъно англатиши лозим).

Ўқитувчи психология портрети кузатиш жараёнида талабаларни баҳс, мунозара жараёнида ўзаро таъсир ўтказиш имкониятини аниқлаш учун кўллаш ижобий натижалар беради:

- умумий муаммо моҳиятига гурух аъзоларини йўналтириш;
- гурух аъзолари томонидан муаммони эчиш йўлларини баҳолаш;
- баҳс (мунозара, дискуссия) жараёнини назорат қилиш;
- умумий фикрга келиш учун гуруҳий қарор қабул қилиш;
- муаммо ечимиға эришишдаги гурух аъзоларининг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги. Кузатиш якунлари бўйича умумпсихологик хулосалар чиқариш, миллий, этнопсихологик, ҳудудий хусусиятларни қатъий равишида шарҳлаш, ёш даврлари, жинсий хусусиятларига тааллуқли мулоҳазалар билдириш- психология билимларнинг бойишига олиб келади. Тажрибаларда, кузатишларда тўпланган материаллар қийматини ошириш учун вужудга келган барча омилларни психологик таҳлил қилиш, статистик методлардан унумли фойдаланиш зарур, токи бу мезонлар маълумотларнинг илмийлик даражасини юксалтиришга хизмат қиласин.

Психология портрети кузатиш натижаларини миқдорий таҳлил қилишда статистик методларни қуйидаги тартибда кўллаш лозим:

- олинган натижаларни фоизлар бўйича ҳисоблаб чиқиши;
- тўпланган маълумотларнинг ўртача арифметик қийматини топиш;
- сон қаторидаги ўртача квадрат оғишни ҳисоблаш (сигма);
- сон қаторидаги миқдорлар тарқоқлигини аниқлаш (дисперсия);
- омиллар ўртасидаги муайян муносабатлар мавжудлигини (коррелясион) таҳлил қилиш;
- маълумотлар, методикалар ишончлилик даражасини аниқлаш учун Стыодент мезонидан фойдаланиш лозим.

## - 2. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар

Ўкув - тарбиявий жараённи ташкил қилишда тарбиячи характери , унинг шахси сифати ва хусусиятлари каби кучли факторга кўз юмиш мумкин эмас. Баъзи педагогнинг характери жуда қаттиқ ва иродаси мустаҳкам, жамоат ишларида жуда фаол. У барча ишларни ўзи қилишга ҳаракат қиласиди, болалардаги кўтаринкиликини ёқтирмайди, уларни ҳаракациз, иштиёқсиз томашабинга айлантиради. Бошқа ўқитувчининг характери юмшоқ. У ўқувчилардан оддий тартиб сақланишини талаб қила олмайди. Педагогик ва психология билимлари паст. Ўз характерини педагогик талабларга мос шакллантириш ҳоҳиши йўқ. Характерсизлик, шавқатизлик, қатъиятизлик устун келади. Педагогика тарбиядаги демократия, тарбиянинг ривожланиш оптимал формаларини аниқлайди ва улар махсус тайёрланган ва педагогик авторитетга эга бўлган шахс томонидан амалга оширилади.

Болалар қайси тарбиячини ҳурмат қилсалар унинг кетидан эргашадилар.

Ҳар қандай бошқа ҳолатда педагогик муносабатлар чукур расм асосда, ташки талаблар асосида қурилади ўзининг ижобий мазмунини йўқотиб, салбий таъсир қиласи.

«Авторитет» тушунчаси одамни ҳамма тан олган қиймати, унинг одамларга таъсири, Унинг ғоя ва фаолиятини омма фикр- мулоҳазалари билан қувваланиши, унга ишонч, хурмат билдири шунинг ақли, иродасини, ахлоқ -одобини қувватлаш. Педагогик авторитетнинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари шундаки ўнлаб ва юзлаб еш кўзлар рентгендек тикилиб, педагог

Ахлоқий ҳолатини аниқлайди. Ҳақиқий педагогда озодалик, поклик, очиқлик, тўғрилик унинг ахлоқий ҳолатларини белгилайди. Акс ҳолатда ўқитувчи болаларга ўз таъсирини ватарбиячи бўлиш хуқуқини йўқотади, Педагогик авторитетнинг моҳияти шундаки, педагог ўзида фуқоролик, ижодий, Одамийлик шахсиятларини, ҳақиқий маънавийлик, зиелиликни ривожлантиради. Бола Тарбиячига ўзининг хурмати ва ишончини юқори маънавий шахсга топширгандек топширади, ўқитувчи албатта бу ишончни оқлаши керак. Берилган ишонч юқори маънавият билан оқланади. Ҳозирги вақтда жамият турли қатламларидаги, ҳатто оила ва мактабда учрайдиган манфаатпарастлик, мешчанлик ахлоқини кўрган баъзи ўқувчилар умуминсоний ахлоқ -одбни менсимаслик, бош бирлари эса, иккюзламачилик ва ёлғончилик санъатини эгаллаганлаганлар. Шундай қилиб, ёшлар ва болалар муҳитида ахлоқ-одоб қоидаларини етишмовчилиги келиб чиқмоқда. Бундай экстремал шароитда ўқитувчини ўз-ўзини ахлоқий ривожланириш, ўзига юқори талаб қўйиш ўқитувчи учун ўз хурмати ва авторитетини сақлаб қолиш йўлидир. Эртами, кечми ўқитувчининг ахлоқий принципиаллиги ва қатъийлиги болалар онгига устун чиқади ва ўқитувчи ўз ўқувчиларига ахлоқий талаблар қўйишида унга катта Педагог шахсининг яна бир шарти унинг юксак маданияти, унинг чукур фуқоролик эътиқоди, ўқувчилар билан ҳар қандай жамият хаети муаммоларни очиқ муҳокама қила олиши, уларни ишонтира олиши, ўз ҳато ва камчиликларин қўрқмасдан тан олишидир.

Ҳозирги шароитда ўқитувчи ўқувчилар олдида авторитет қозониши учуну, жамиятда содир бўлаетган воқеаларга ўз муносабатини белгила булиши керак. Бу жамият тарихи, сиёсий жараенлар, миллатлараро муносабатлар, инсон хуқуqlари, динга муносабатлар бўлиши мумкин. Болалар эътиқодига фақат эътиқод ва прнсиипиаллик билан жавоб бериш мумкин. Лекин болалар хурмат қилувчи ўқитувчи, ўқувчилар билан бемалол баҳс - мунозара олиб боради ва ва уларни баъзи муаммолар устида уларни фикрлаш еки фикрини ўзгартиришга мажбур қиласи. Педагог ахлоқий ва маънавий қадриятлари унинг интелектуал ривожланганлик ва мустақи фикрлаш авторитети билан бойитилади. Бугунги қунда хаётимиз турли соҳаларида турли маълумотлар оқим кўпайиб кетган. Уларнинг қўпи биз ўрганган тушунча ва фикрларга зид келади. Бу педагог ва тарбияланувчилар ўртасида мураккаб муносабатларни юзага келтираяпти.ешларни маънавий дунесини тушуниш учун педагог ўзи ўрганган фикрлаш қобигидан чиқа олиши керак. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўз авторитетини сақлаши ва

күтариши учун ундаги чидам ва қатъий рад этмаслик, ўқувчи психикасига кучли таъсир кўрсатмаслик ердам беради. Хар қандай одам ўқитувчи бўла олмайди. Ўқитувчилик оммавий касб бўлсада, уни эгаллаган шахсга юқори талаблар қўйилади. Бунинг учун шахсий сифат ва қобилиятига жуда қаттиқ талаблар қўйилади. Ўқитувчи касбининг асосий мазмуни одамлар билан муло кат фақат тушуниш даражсида эмас, балки уларни талабини қондириш даржасида бўлиши керак.

### 3. Махсус педагогик фаолиятдаги талаблар.

Ўқитувчи шахсигабир қанча жиддий талаблартакдим этилади. Қайсики яшаётган ва ишлаётган педагог учун, ижтимоий-иктисодий хусусият, малакали педагог учун асосий ва қўшим психолигик хоссасидир. Бош ва кундалик талаби педагогик фаолиятда болаларга бўлган мухаббат, болаларга таълим бериши учун бу соҳа бўйича махсус билим; кенг билимдонлик, педагогик хиссиёт, қўп қиррали интелект, умумий аҳлоқ қоидалар ва маданият, болаларни турли хил услублар билан таълим беришда касбий қобилият. Бу барча хусусиятлар туғма хисобланмайди. Бу хусусиятлар йиллар давомида масулиятли меҳнатнинг ва ўз устида ишлашнинг натижаси ҳисобланади. Педагогга қўйиладиган қўшимча ва

барқарор талаб ўзининг ташқи кўриниши, актёрлик маҳорати, мулоқатга кириша олиши, хуш кайфияти ва бошқалар. Ўқувчини шахс даражасига келтириш учун-ҳозирда бизга айнан шахс керак вақтда, қўйидаги талаблар - педагог мустақилликка эга бўлиши, саводхон бўлиши, ўзига хослиги, эркин бўлиши ва бошқа сифатларни ўзида ривожлантириши керак. Ўзининг ишини яхши йўлга қўшиш учун педагог педагогик қобилиятга эга бўлиши керак. Педагогик қобилиятда боланинг тарбияси ва таълими учун ўқитувчи катта натижаларга эришиши лозим.

Қўйидаги педагогик қобилияtlарни келтириш мумкин:

- Дидактик қобилият- ўқувчиларга таълим беришнинг мазмун ва методларини танлаб олиши, ўқувчиларда ижобий фаолликни ошириш мақсадида ўкув материалларини тўғри тақдим эта олиш;
- Экспрессив қобилият- ўқитувчи дастурдаги материални хиссий ва тасвирий ифодасини топиш;
- Персептивлик қобилияти- ўқитувчининг ўқувчиларга психологик кузатувлари натижасидаги муносабатда кўринади, уларнинг ички маънавий холатини, ёш ва якка хусусиятидан келиб чиккан холда тарбияланувчини тушуниш;
- Ташкилотчилик қобилияти ,синфда тартиб-интизомни таъминлаш; дарснинг хар бир минутидан фойдаланиш, ўқувчилардан ахил ва жипслашган жамоани ташкил этиш;
- Суггестив ва бошқарув қобилияти- ўқувчилар кўз ўнгидага кучли хиссий-иродали ўқитувчи тимсолини шакллантириш асосида унинг авторитетини намоён этиш; билимларни эгаллаш, қўникма ва фанларни билиш билан академик қобилият бир-бирига боғлиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёrlаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.
  4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009.
  5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
  6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
  7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  8. Фуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  11. Э. F. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
  12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернетресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

## **9 Мавзу: Қасбий фаолият. Ўқитувчи қасбидаги муаммолар. Ўзини**

### **назорат қилиш психологияси.**

Режа:

1. Ўқитувчи қасбий фаолияти ва педагогик маҳорат.
2. Қасбий фаолиятни шахс маънавий аҳлоқий шаклланишига таъсир кўрсатиши
3. Қасбий фаолиятга мослашувнинг психологик асоси
4. Мехнат жамоаларидаги психологик мухит.

1. Ўқитувчи қасбий фаолияти ва педагогик маҳорат.

Халқнинг маънавий руҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий меросни ёшлар онгига сингдиришда замонавий ўқитувчининг касбий билим даржаси, маҳорати юксак ўрин туради.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, малака талаблари ривожланади ҳамда таълим - тарбиянинг мазмуни замонавий билимлар билан янгиланиб педагогик индустрияни ривожлантирилишига ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг назарий, педагогик-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиши, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқитувчида педагогик маҳоратни оширишнинг энг қулай методик тактикалари, йўллари ҳамда шаклларини такомиллаштириш орқали “педагог устахонаси” банки яратилади. Ўқитувчида педагогик маҳоратини ривожлантириш орқали педагогик тажриба, педагогик маданият, меҳнат бозоридаги рақобатбардош малакали мутахассисга қўйилган ижтимоий талабларга тўлақонли жавоб беради олиш имконияти яратилади.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини қўйидаги тартибда намоён бўлади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчи-талабаларни

олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар беради, ўзлаштириш меъёрларини айтиб беради;

- ўқувчи-талабаларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб беради, билишга қизиқиши уйғотиш, ўқиши-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш, эмоциялар, тафаккур ҳодисалари, билимларни ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўйим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов беради.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини ошириш ҳамда ўқувчи маънавий-ахлоқий сифатларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришга доир методик таъминот тизимини ишлаб чиқилади.

Педагогик маҳорат клиникаси сайтини яратишнинг илмий-методик таъминоти номли қўлланмани тайёрлаш ва нашр этиш бўйича фанлар кесимида методик тизимли материаллар, хуросалар, тавсиява таклифлар ишлаб чиқилади. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг таркибий қисмлари (инсонпарварлик, педагогик қобилият, касбий билимлар, педагогик техника) ривожлантирилиб борилса.

- Мослашувчанлик – истъмолчи (педагог)га қулай вақт ва тезлика да хизмат қўрсатиш имкониятининг этарлилиги асосида;

- Модуллик – бир-бирига боғлиқ бўлмаган методик модуллардан

индивидуал ёки жамоавий талабга мос хизмат намуналарини таклиф қилиш орқали;

- Параллеллик – методик хизматни иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда параллел олиб бориш имконияти яратилганида;

- Кенг қамровли – бир вақтнингўзида қўп сонли ўқитувчиларнинг заҳираларига мурожаат қила олиши, ўзаро тажриба алмашиш имкониятининг берилиши;

Ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “Оммавий маданият” нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу, тафаккури ҳимоя қилинади ва ахборот хуружларидан огоҳлик сайтлари маҳаллий ментелетитга мос равища тавсия этилади.

- Турли мафкуравий хатарлардан, ғоявий хуружлар таъсиридан сақланиш мақсадида маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун ўқувчиларнинг маънавий-маърифий дунёқарashi бойитилишига оид виртуал мавзулар ёритилиб борилади ҳамда ўқитувчига методик ёрдам берилиши назарда тутилади;

- Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, малака талаблари ривожланади ва таълим – тарбиянинг мазмуни замонавий билимлар билан бойитилади ;

- Ўқитувчидаги педагогик маҳоратнинг ортиши орқали ўқувчи-ёшлардаги илмий-амалий ижодкорлик ҳар томонлама равнақ топади;

Таълим жараёни ниҳоятда мураккаб ва қўп компонентлидир. Таълим самарадорлиги педагог ва талаба-ўқувчининг фаоллилигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий-методик мукаммаллигига, жамиятда илмли кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган кўпгина омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги ўқори бўлишини талаб этади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий структуралар яратилаётган ҳозирги кунда кенг, чукур билимли ва билимларни амалда қўллай оладиган шахсларга талаб кучайиб бормоқда. Биҳмدون ва тадбиркор, ижтимоий фаол шахс жамият ҳаётида, меҳнатда ўзининг ўрнини топади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «...шуни яхшилаб тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳолининг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғлик фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ», деб кўрсатди. Бундай фаоллик вужудга келиши учун билимдон ва ҳаракатчан, миллий истиқлол ғоясига содик бўлган шахсни шакллантириш керак.

Таълимнинг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у ёшларга чукур ва асосли билим бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргацин. Таълим жараёнида талабада мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориши ҳозирги қуннинг талабидир.

2.Касбий фаолиятни шахс маънавий аҳлоқий шаклланишига таъсир кўрсатиши Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш таълимтарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Бунинг учун таълиммуассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равища,

миллийистиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференсиал педагогик-психологикдастурини яратиш лозим. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларихалқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келибчиқади ва ўзининг мазмун-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимиз онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиласди. Мехнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унингтафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнацеварлик, омилкорлик, адолаттушунчаси, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хосмаскан ҳисобланади. Мехнат жамоалари турли миллат ва динга мансуб одамларни дўстликва ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллийва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга ўргатади. Бу эса, ўз навбатида, соғлом маънавий муҳитни вужудга келтиришда муҳимомил вазифасини бажаради. Ҳар бир шахс ҳаёти давомида бирор бир касбни эгаллайди ва у билан шугулланади. Унинг бу касби шахснинг нафақат иқтисодий ҳаёт мазмуни, балки маънавий дунёқараши, онги ахлоқи фикрлаш доирасини белгилайди. Ижтимоий ҳаётда бошқалар билан ўзаро муносабатларда шахснинг хушмуомалалиги сермулозаматлилиги том маънода унинг эгаллаган касбига ҳам боғлиқ. Шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишига атроф муҳит, ҳамкасларнинг муносабати ўз таъсирини кўрсатади. Ҳар доим тинимсиз ишлаш, кун тартибидаги режасиз амалга ошириш шахсни ҳаёт тарзини маълум маънода издан чиқаради. Ўз иш фаолиятида доимо қувноқлик, ўз ишидан мамнунлик дўстлар оила даврасида бўлиш шахсни иш фаолиятида ва кундалик ҳаётида самарадорликка олиб келади. Психология фани учун энг мураккаб муаммолар категорига унинг асосий категориялари бўлмиш шахс, мотивация, фаолият, муомала, онг тавсифи, уларнинг такомиллашув босқичлари, хусусиятлари, аксессуарларни, имкониятлари, хукм суриш қонуниятлари ва механизмлари бўйича аниқ фикрларни билдириш масалалари ва вазифалари киради. Шу муносабат билан, умумий психология фанига кириш вазифасини бажарса, иккинчи томондан, тингловчиларни, аввало, шахс психологияси, унинг фаолияти ва жамоадаги муносабати ҳақида, уни тадқиқилиш методлари тўғрисида, онг ва психика, асосий психик жараёнларнинг қонуниятлари ҳақида тегишли билимлардан хабардор этган ҳолда уларни профессионал ишга назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашдан иборат аниқ вазифани ўз зиммасига олади. Тирик мавжудотларнинг атрофдаги олам билан ҳаётий аҳамиятга молик боғланишлар бўлишини таъминлайдиган фаолияти уларга хос ялпи хусусият ҳисобланади. Фаоллик тирик мавжудотда «ўз кучи билан жавоб қилиш» қобилиятининг борлигидир. Жонли мавжудотни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракатқилишга ундейдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёж жонли мавжудотнинг ҳаёт кечиришидаги аниқ шарҳароитларга унинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитлар ганизбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир. Кишининг фаоллиги эҳтиёжларининг қондирилиши жараённида намоёнбўлади. Худди шу ўринда одам билан ҳайвоннинг хатти-ҳаракатлари фаоллиги ўртасидаги тафовутлар

аён бўлади. Ҳайвон ўз эҳтиёжларининг обектини эгаллаб олиш учун фаол интилишга даъват этиши эҳтимоли борлигини ўзининг табиий тузилишига кўра бамисоли олдиндан билиши туфайли фаоллик билан ҳаракат қиласди. Ҳайвонлар эҳтиёжининг қондирилиш жараёни уларнинг муҳитга яхшироқ мослашувини таъминлайди. Одамнинг фаоллиги ва фаолликнинг манбайи бўлган инсониётиёжлари тамомила бошқача манзара касб этади. Кишининг эҳтиёжиуни тарбиялаш, яъни кишилик маданияти олами билан яқинлаштириш жараёнида шаклланади. Кишининг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тараққиёт билан белгиланадиган фаолият шаклини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилган жараёни сифатида алоҳида ажралиб туради. Эҳтиёжлар қондирилиши жараёнида ривожланиб ва ўзгариб боради. Кишининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш уни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади эҳтиёжлар келиб чиқишига кўра табиий ва маданий бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчининг касбий фаолиятида нималар ўрин олган?
2. Ўқитувчининг педагогик маҳорати қандай тартибда намоён бўлади.
3. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг таркибий қисмлари ҳақида гапириб беринг (инсонпарварлик, педагогик қобилият, касбий билимлар, педагогик техника).
4. Касбий мослашув тушунчаси.
5. Шахснинг касбий кўникмалари ва малакаларни шакллантиришда касбий мослашув турларини.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Психологии Сопиригҳт © 2009.
5. Сонтемпорарий моделс ин восатионал псайчологӣ а волуме ин ҳонор оғ самуел ҳ. осипов Фредерикс т. л. леонг тҳе оҳио стате университӣ Азӣ Барак университӣ оғ Ҳаифа лашренсе ЭРЛБАУМ АССОСИАТЭС, ПУБЛИШЭРС 2001 Махвас, Нью Жерсей Лондон.
6. W.Брусе Валш. Марк Л. Савискас. Восатионал Псайснолигӣ. Лондон.2005.
7. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.

8. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
  9. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  10. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  11. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  12. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  13. Э. Ф. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
  14. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернетресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

## **10-Мавзу: Мулоқот психологияси. Вербал ва новербал мулоқот.**

### **Режа:**

1. Мулоқот психологияси. Вербал ва новербал мулоқот.
2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.
3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.
4. Жамоаларда психологик ўзаро мослиқ. Чет эл адабиётларида мулоқотнинг ўрганилиши.

### **1. Мулоқот психологияси. Вербал ва новербал мулоқот.**

Мулоқотнинг вербал ва новербал воситалари. Мулоқот - одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда бажарадиган фаолиятлари (мехнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шаклларини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни, бир-бирларига турли ҳил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қиласи. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир. Бир қарашда осонгина туюлган шахслараро мулоқот аслида жуда мураккаб жараён бўлиб, унга одам ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқот психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Паригин шундай ёзади:

«Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қўйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;

- в) бир шаҳснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шаҳсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни».

В.М.Бехтерев муомалани шартли равиша бевосита ва билвосита турларга ҳам ажратади. Билвосита муомала таркибий қисмлари сифатида хат, телефон, телеграмма, эркалаш, уришиш ва бошқаларни олса, бевосита муомала турига нутқни киритади.

Шуни таъкидлаш жоизки, муомалани экспериментал ўрганиш ишини В.М.Бехтерев томонидан амалга оширилгандир.

Мулоқот функциялари. Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро бир - бирини тушунишларини таъминлаштириш. Бу ўзбекларда самимий салом - алик, очик юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек халқининг энг нодир ва буюк ҳислатларидан бири ҳам шуки, уйига бирор кириб келса, албатта очик юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол - аҳвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиласиз. Унинг иккинчи муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишидир. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўғриланиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан

ташқари, бундай холат боладаги билиш қобилиятларини ҳам чеклаши кўплаб психологик экспериментларда ўз исботини топди.

Мулоқотнинг шакллари ва босқичлари. Мулоқот жараёни ўзига хос равиша мураккаб бўлиб, бунда уч хил босқич мавжуд. Дастребки босқич — одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутани —Ижтимоий психология" дарслигида: «Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади»— деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг характерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак бошқалар билан мулоқот— мулоқотнинг иккинчи босқичидир. Мулоқотнинг ҳаётимиздаги шакл ва кўринишларига келсак унинг ҳар бир шаҳснинг ҳаётий вазиятларга мос келадиган, ўша вазиятлардан келиб чиқадиган кўринишлари ва турлари ҳақида гапириш мумкин. Лекин умумий ҳолда ҳар қандай мулоқот ё расмий ёки норасмий тусда бўлади. Агар расмиймулоқот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атвор нормаларидан келиб чиқса, масалан, раҳбарнинг ўз қўл остида ишлаётган ходимлар билан мулоқоти, профессорнинг талаба билан мулоқоти ва ҳоказо, норасмий мулоқот — бу одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни ўша

сұхбатдошларнинг фикр-ўйлари, ният-мақсадлари ва эмостионал муносабатлари билан белгиланади. Масалан, дўстлар сұхбатдоши, поездда узоқ сафарга чиққан йўловчилар сұхбати, танаффус вақтида талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги мунозаралари. Одамларнинг асл табиатларига мос бўлгани учун ҳам норасмий мулоқот доимо одамларнинг ҳаётида кўпроқ вақтини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, одамда ана шундай мулоқотга ҳам қобилияtlар керак, яъни унинг қанчалик сергаплиги, очик кўнгиллиги, сұхбатлашиш йўлларини билиш, тил топишиш қобилияти, ўзгаларни тушуниши ва бошқа шахсий сифатлари кундалик мулоқотнинг самарасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳамма одам ҳам раҳбар бўлолмайди, айниқса, педагогик ишга ҳамма ҳам қўл уравермайди, чунки бунинг учун ундан ҳам расмий, ҳам норасмий мулоқот техникасидан хабардорлик талаб қилинади.

Мулоқотнинг вербал ва новербал воситалари. Мулоқотнинг вербал воситаси бу сўзлар ҳисобланади. Вербал таъсир – бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсирилиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир.

Нутқ ўзининг физиологик негизига кўра, эшитиш ва ҳаракат анализаторлари

фаолиятини бажаради. Мия қобиғида ташқи олам томонидан бўладиган турли хил қўзғатувчилар билан сўзларнинг талаффуз қилинишини бошқариб турадиган товуш пайчалари, хиқилдоқ, тил ва бошқа аъзолар ҳаракати ўртасидаги муваққат боғланишлар ўрнатилади. Нутқ иккинчи сигналлар тизими негизида амал қиласди. Сўз, И.П.Павлов фикрича, —сигналлар сигнали|| дир. Нутқни дастурлаштириш - нутқий ифоданинг, яъни киши билдиromoқчи бўлган фикрнинг маънавий ўзагини тузиш -биринчи босқич ҳисобланади. Иккинчи босқич - жумланинг синтактик таркибини тузишдан иборат. Ниҳоят, жумлани овоз чиқариб айта бошлайди, яъни нутқ реал тарзда руёбга чиқади. Шундай қилиб, —гапириш|| жараёни бошланади. Бу жараён давомида коммуникатор узатилиши лозим бўлган ахборотни кодлаштиради. Рестрипент тинглаш жараёнида олинган ахборотнинг кодини очади. Бу коммуникатор айтмоқчи бўлган сўзнинг англаш этилишини таъминлайди. Нутқий фикр - мулоҳазани кодлаштириш ва кодини очиш жараёнлари оғзаки мулоқотда муваффақият келтирадиган ақлий марказлар ва тизимлар сақланиб қолганда юз беради. Мабодо ушбу тизимлар ишида бузилишлар рўй берса, киши нутқида турли хилдаги бузилишлар - афазиялар (сўзлашиш ва тушуниш қобилиятининг йўқотилиши) содир бўлади. XIX асрнинг ўрталаридаёқ олимлар миянинг баъзи бир қисмлари ишидаги бузилиш нутқнинг бузилишига олиб келишини кашф этган эдилар. Жумладан, П.Брока беморларда чап ярим шарнинг пастки пешона қисмидаги бурмалари орқали орқа томонининг учдан бир улуши шикастланган ҳолда сўзларни талаффуз этишда бузилиш рўй беришини аниқлади. Кейинроқ К. Вернике чап ярим шарнинг устки чакка қисмидаги бурмалари орқа томонининг учдан бир улуши шикастланганда сўзларни тушунишнинг бузилиши ҳолларини тавсиф қилган эди.

Мия тўқималарининг ушбу қисмлари ҳаракатлантирувчи нутқ (—Брока маркази||) ва нутқни тушуниш (—Вернике маркази||) —марказлари|| деб юритила бошлади. Лекин кейинчалиқ, асосан психофизиологлар (А.Р.Лурия, Н.А.Бернштейн, П.К.Анохин ва бошқалар) нинг илмий ишлари туфайли нутқнинг физиологик негизи миянинг алоҳида қисмлари (—Нутқ марказлари||) фаолиятидан кўра кўпроқ яхлит ҳолдаги мия фаолиятининг мураккаб тарзда ташкил топишидан иборат эканлиги аниқ - равshan бўлди. Шундай қилиб, нутқ функцияларининг жўшқин, яъни анатомик тарзда эмас, балки ҳаракатчан тарзда чекланиши тўғрисидаги тасаввур таркиб топдики, бу марказий асаб тизимининг кенг равишда компенсастиялаб туриш имкониятларидан фойдаланиши муносабати билан нутқнинг бузилишини тўғрилашида жуда аҳамият касб этади.

Новербал (нутқсиз) коммуникастия воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза (холат), кўз ёш, кулгу ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникастия - сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади.

Болгарларда бошни қимирлатиш йўқ дегани, русларники тескариси бўлади. Турли ёш гуруҳларида новербал коммуникастия воситаси турлича бўлади. Масалан, болалар қўпинча катталарга таъсир этиш, уларга ўз хоҳиш ва кайфиятларини ўтказишида йифидан восита сифатида фойдаланадилар. Ахборотни сўз билан баён етишнинг мазмuni ва мақсадига новербал коммуникастия воситаларининг мос келиши муомала маданиятининг бир туридир.

Ўртоғининг бошига тушган кулфатдан ҳабар топиб, унга ҳамдардлик билдираётган сухбатдоши нутқсиз коммуникастия белгиларини ишлатади: юзларини ғамгин тутади, паст оҳангда, қўлларини юзига ё пешонасига қўйган ва бошини чайқаган ҳолда чуқур хўрсиниб гапиради ва ҳ.к.

Нутқсиз коммуникастияни амалга ошириш учун турли хил ёш гуруҳларида турлича воситалар танланади. Нутқсиз коммуникастияда қўлланилаётган воситаларнинг ахборотни сўз билан этказиш мақсадларига ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятининг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бундай мувофиқлик ҳам оғзаки ва ҳам нутқсиз коммуникастия воситалари касб фаолиятининг куроли ҳисобланган педагог учун жуда муҳимдир.

## 2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни

Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний киёфаси, фазилатлари, ҳаттоки, нуксонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди.

Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиласиз. Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - сухбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом-алиқ, очик юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек ҳалкининг энг нодир ва буюк

хислатларидан бири ҳам шуки, уйига бирор кириб келса, албатта очик юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол-ахвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чогда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиласиз. Бу каби бирламчи контакт усуллари бошқа миллат ва ҳалкларда ҳам бор, яъни бу жихат миллий ўзига хосликка эга. Унинг иккинчи муҳим функсияси ижтимоий тажрибага асос солишdir. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўгрilаниб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан ташқари, бундай ҳолат боладаги билиш қобилиятларини ҳам чеклаши қўплаб психологик експериментларда ўз исботини топди.

Назорат саволлари:

1. Касбий мулоқотнинг аҳамияти ҳақида гапиринг.
2. Таълимда шахслараро муносабатлар, уларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш масаласи долзарб муаммо эканлигини кўрсатиб беринг.
3. Касбий психологик мулоқот тушунчасини изохланг.
4. Педагогик мулоқотнинг тарбиявий дидактик аҳамияти нимадан иборат?
5. Таълим тарбия жараёнида ўқитувчи қандай коммуникатив вазифаларни амалга оширади?
6. Ёш ўқитувчи мулоқот маданиятига қандай услублар билан эришади?
7. Педагогик таъсир эицхнинг мантқий образини тасвирлаб беринг.
8. Профессионал тинглаш техникасига нималар киради?
9. Жамоаларда психологик мослик тушунчасига мисол келтиринг.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт.
5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.:

- Педагогика, 2002.
7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  8. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: —Шарқ|| нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  11. Э. Г. Гозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
  12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фескова и др. —Психология профессионального образования|| (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернет ресурслари
1. www.edu.uz
  2. www.ziёnet.uz
  3. www.tuit.uz

## **11- Мавзу: Қасбий фаолиятдаги муроқот. Ўқитувчининг коммуникатив қўнималари.**

### **Режа:**

1. Қасбий фаолиятдаги муроқот тўғрисидаги илмий қарашлар.
2. Қасбкорликда нутқ ва коммуникативмуроқотнинг аҳамияти.
3. Ўқитувчининг коммуникатив муроқот билан боғлиқ бўлган қўнималари.
4. Қасбий фаолиятдаги муроқот. Ўқитувчининг коммуникатив билимдонлиги.

1. Қасбий фаолиятдаги муроқот тўғрисидаги қарашлар. Инсон фаолиятининг турли соҳасида ахборот алмашиш, хар қандай муаммони жамоа бўлиб мухокама қилиш натижасида янги натижаларни олиш зарурияти конференсия, семинарлар, йиғинлар каби муроқот шаклларини келтириб чиқарди. Хозирда бирор бир жиддий ишни оралиқ натижалар, якунлар, вариантлар, қарор варианtlари, оппонентларни тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилишнинг турли даражаларида хал қилмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Мазкур даврларда Шарқда хам илк психологик қарашлар юзага келди.

Шарқда психологик қарашларнинг пайдо бўлишида буюк Шарқ мутафаккирларининг роли катта бўлган. Улар орасида Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Абу РайХон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек кабилар ўзларининг инсон психикаси ва ёш авлодни тарбиялашга доир бой фикрлар ва қарашларини мерос сифатида қолдирганлар. Улар орасида айниқса Абу Али ибн Синонинг мантиқ, метафизика, табиий фанлар, айниқса, тиббиёт хақидаги фикрлари асрлар ўша давр илмий тараққиётига катта хисса қўшди. У маҳсус психологик муаммолар билан шуғулланган олимлардан биридир.

Унинг рух, асаб тизими хақидаги қарашлари катта ахамиятга эга. Айниқса, Абу Али ибн Синонинг темперамент ҳусусиятларига қараб ёндашиш зарурлиги хақидаги фикрлари минг йилдан сўнг хам замонавий психологияда ўз қимматини йўқотмаган. Абу Али ибн Сино дунёда биринчи бўлиб психотерапевтик усулларни қўллаб кўрган олимлардан биридир.

Сўнгги вакъларда жуда кўп чет эл психологлари 20-30 йилларда номи чиқкан америкалик психолог Э.Торндайкнинг айрим фикрларига мурожаат этмоқдалар. Хозирги замон буржуа психологи ўз қарашларини никоблашни ётиради. Э.Торндайк эса нихоятда аниқ ёзар унинг қарашларида хеч қандай иккиланиш холатларига ё`л қўйилмас эди. «Арифметика ўқитувчисининг Янги методлари» ва психологияга асосланган принциплари» деган асарларида Э.Торндайк тўғридан тўғри ўқувчиларнинг «табиий кучлари»га „уларнинг «тут`ма майллари»га шама қиласди. Э.Торндайк мухитнинг таъсири ҳақида тарбиянинг таъсири ҳақида гапирган лекин бу факторларнинг таъсирига очиқдан очиқ иккинчи даражали, тобелик ролини берган ўқитиш қанчалик яхши бўлишига қарамай, айрим ўқувчилар хеч қандай мувафокиятга эриша олмайдилар, бошқа бир ўқувчилар эса, ўқитиш қанчалик ёмон бўлишига қарамай мувафокиятга эришадилар. Мутлақо очиқ-ойдин фикр! Шундай қилиб ўқитувчининг роли якка чиқарилмоқда ва олдинган педагогик брак оқланмоқда.

Мулоқот ёки коммуникация - одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги шаклларидан бири. Мулоқот одамларнинг воқеликни акс эттириши натижасини ифодаловчи хабарлар алмашиш жараёни бўлиб, улар ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ҳамда уларнинг индивидуал ва ижтимоий онги шаклланиши ва амал қилишининг воситасидир. Одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида мақсадли ҳамкорликни ташкил этиш, тажриба алмашиш, меҳнат ва турмуш кўникмаларини олиш, маънавий эҳтиёжларни намоён этиш ва қондириш мулоқот ёрдамида юз беради.

Мулоқот ёки муомала, янги ахборотларнинг алмашинув жараёни ҳамдир, бу ҳақида Бернард Шоу қуйидагиларни қайд этади:

«Агар менда битта олма ва сизда ҳам шунча олма бўлиб, ўзаро алмашсак, сизда ҳам, менда ҳам биттадан олма қолади, агар ҳар биримизда шахсий фикр бўлса ва ўзаро алмашсак, унда ҳар биримизда иккитадан ғоя бўлади» Ушбу таъкиддан ҳам мулоқот давомида ўзаро фикр алмашинув муносабатлари юзага келишини кўриш мумкин.

Мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса бўлиб, одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Шахслар ўзаро муносабатга киришар экан, алоқанинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида тилга мурожаат қиласдилар. Мулоқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, муносабатга киришувчилар муомала жараёнида факат сўзлар билан эмас, балки хатти-харакатлар билан ҳам ахборот айирбошлашадилар. Мулоқот жараёни шахсларнинг қизиқишилари, дунёқараши, муомала маданиятига ҳам боғлик бўлади, чунки шахслардаги ўзаро мулоқот бу табиий эҳтиёждир.

Мулоқот ҳар қандай фаолиятнинг муҳим жиҳати ҳисобланиб, у орқали инсоннинг моҳияти намоён бўлади, яъни ўзаро тушунишга, ишни бажариш чоғида уйғунликка эришилади ёки, аксинча, низолар ва ахлоқий зиддиятлар, ишдаги келишмовчиликлар мулоқот туфайли юзага келади. Мулоқот орқали шахсларнинг биргаликда алоқа қилиш методикаси кетма-кет бўлган олти босқичдан иборат:

- 1 босқич -ўзаро бир-бирини тушуниш;
  - 2 босқич -умумий ёки мос келадиган қизиқишиларни топиш;
  - 3 босқич -мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принциплар;
  - 4 босқич -мулоқот учун хавфлибўлган сифатларни аниқлаш;
  - 5 босқич -индивидуал таъсир этиш ва сухбатдошга мослашиш;
  - 6 босқич -умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.
- Босқичлар кетма-кетлигига риоя қилиш тўғри таъсир этишни ташкиллаштиришдамуҳим аҳамиятга эгадир.

Касбий муомала ҳар бир ходим фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам муомаланинг ҳар бири турли фаолият жараёнида иштирок етади. Ходим, муомала қонуниятларига суюнган ҳолда шахслар билан муносабатга киришади. Мулоқот жараёнида ходимнинг барча касбий сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантиқий фикрлашга, воқеани ўтмишдаги вазият билан боғлашга, ўзаро солиштириш ва қиёслаш, обект ва шароитни мукаммал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Ходимлар фаолиятидамулоқотнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) бевосита;
- 2) билвосита;
- 3) ролли;
- 4) мазмунли;
- 5) расмий;
- 6) норасмий.

Бевосита мулоқот «юзма-юз» сухбат бўлиб, унинг ҳар бир иштирокчиси идрок қилади, алоқа қилади ва ҳамма мавжуд воситаларни кенг қўллайди.

2. Касбкорликда нутқ ва коммуникативмулоқотнинг аҳамияти.

Биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, хис кечинмалар билан ўртоқлашадилар.

Коммуникатив мулоқот – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, foялар алмашинуви жараёнидир.

Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд.

Улар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва новербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникациядир.

Вербал коммуникация. Инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ - инсон томонидан қўлланиладиган товуш сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сакланади ва узатилади. У жараён тил орқали амалга

оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият махсули бўлиб юзага келади.

Тил муомала воситасидир. Тил муомалага киришувчилар ўртасидаги коммуникасияни таъминлайди, чунки уни аҳборот берувчи хам, уни қабул қилувчи хам бирдай тушунади. Бошқа кишига аҳборот берувчи (коммуникатор) ва уни қабул қилувчи (реципиент) мулоқот жараёнида бир ҳил тилдан фойдаланиши керак, акс холда бир-бирини тўғри тушунолмайди. Аҳборот алмашиш муомала қатнашувчиларига тушунарли белги ва мазмунга эга бўлиши керак. Тил сўз белгилари йиғиндисидан иборатdir. Сўзниг маъноси унинг мазмуний томонидир. хар

бир алохида одамнинг харакатлари ва фаолиятларини бошқа одамнинг харакати ва фаолиятларини З та мухим омил белгилайди.

Биринчидан, бутун инсониятнинг ёки бир мунча тор доирадаги кишилар жамоасининг ижтимоий-тариҳий тажрибасини белгилайди. Кичкина бола дунёни мустақил равишда билиб олмайди. У ота-онасига саволлар беради ва улар унга жавоб берадилар, бу жавоблардан бола ўз фаолиятини кейинчалик фойдаланадиган умумий билимларнинг фақат озгина қисмини олади. Умумий билимларнинг бу озгинагина қисмини бола тил шаклида, тил ёрдамида сўз белгилари тизимида хосил қила олади. Мактабда хам худди шундай бўлади, ўқувчи олам хақида барча билимларни ўқитувчининг тушунтиришидан ёки дарслиқдан, яъни тил ёрдамида ўзлаштиради. Бу эрда тил ўзининг мухим вазифаларидан бирини бажарадиган, яъни яшаш воситаси, ижтимоий-тариҳий тажрибани бериш ва ўзлаштириш воситаси тарзида намоён бўлади. Иккинчидан, хар бир алохида одамнинг иш-харакати ва фаолиятини кўпинча ижтимоий қийматга эга бўлмаган ўзга кишиларнинг бевосита тажрибаларини бел гилайди. Масалан, мен ошҳона томон йўл оламан. Йўлда ўртоғим учраб менга:

«ошҳона ёпилган», дейди. Шу пайтда бу ҳабар менинг фаолиятимни маълум бир тарзда бошқаради: мен қайрилиб, бошқа ошҳона томон жўнайман. Бу эрда тил ўзининг бошқа мухим вазифаси билан, яъни восита ёки коммуникация усули ёки оламнинг ҳатти-харакатларини бошқарувчи бир восита сифатида намоён бўлади. Натижада хар қандай коммуникация, хар қандай муносабат сухбатдошига таъсир қилишдан иборатdir.

Учинчидан, хар бир алохида одамнинг иш-харакатлари ва фаолиятларини хар бир айrim кишиларнинг шаҳсий тажрибаси белгилайди. Одамнинг «шаҳсий» ўз индивидуал тажрибаси бошқа кишиларнинг тажрибалари ва ижтимоий тажрибанинг ўзига ҳос аралашмасидан иборат. Одам хайвондан фарқли ўлароқ, ўз харакатларини режалаштира олади. Бундай режалаштириш ва умумий фикрий масалаларни хал қилишнинг асосий қуроли тилдир. Бу эрда биз тилнинг учинчи вазифаси ақлий фаолиятнинг (идрок, хотира, тафаккур, хаёл) қуроли сифатидаги вазифасига тўқнаш келдик. Сўз белгилари тизими сифатида тилдан нутқ фаолиятида фойдаланилади.

Нутқ фаолияти - одам томонидан ижтимоий-тариҳий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш, ўз

харакатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Тил алоқа воситаси ёхуд қуролдир, нутқ фаолияти ёки нутқ эса алоқа жараёнининг ўзидир. Бу жараёнда нутқ фаолиятининг фаол ва пассив турлари фарқланади. Сўзловчининг нутқи фаол нутқ, тингловчининг нутқи пассив нутқ хисобланади. Нутқ ички ва ташқи нутқа бўлинади. Ташқи нутқ - ёзма ва оғзаки нутқа, оғзаки нутқ эса монолог ва диалогик нутқа бўлинади.

**Монолог** - бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқидир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир.

### Назорат саволлари

1. Касбий фаолиятдаги мулоқот қандай хусусиятларни ўзида намоён этади?
2. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин муносабатидан асосий мақсад нима?
3. Педагогик мулоқот функцияларига таъриф беринг.
4. Ўқитувчи мулоқотини таъминлайдиганасосий талаблар ҳақида ўз фикрингизни билдиринг.
5. Ўқитувчининг коммуникатив мулоқот билан боғлиқ бўлган кўнималари.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Психолог Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт.
5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
8. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.

10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.

11. Э. Ф. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.

12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.

Интернетресурслари

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
2. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

## **12- мавзу: Қасбий фаолиятни шахсга таъсир кўрсатиши. Қасбий фаолиятта мослашув.**

**Режа:**

1. Фаолият – шахс шаклланишининг асосий омили сифатида.
2. Қасбий фаолиятни шахс маънавий аҳлоқий шаклланишига таъсир кўрсатиши.
3. Қасбий фаолиятта мослашувнинг психологик асоси.
4. Қасбий фаолиятни шахсга тасир кўрсатишини чет эл олимлари томонидан ўрганилиши.

**1.Фаолият - шахс шаклланишининг асосий омили сифатида**

Шахс тушунчаси ижтимоий фойдали фаолиятда қатнашишга эҳтиёж сезишини ва актив иштирок этишини, ҳар бир кишининг бошқа одамлар билан муносабатда бўлиш эҳтиёжини, бу муносабатнинг мазмуни ва формаларини, шахс билан унинг атрофидаги кишилар ўртасидаги муносабатлар тизимини, унинг табиатга, теварак атрофдаги дунёга муносабатини шахснинг асосий хусусиятлари деб ажратиш мумкин. Шахснинг кўп соҳали ва ҳар томонлама фаолиятида турли ҳил одамлар билан муносабатида, шахснинг ҳамма қизиқишилари намоён бўлади. Унинг одамларга, умумий ишга, ўз малакасига, ўзига бўлган муносабатлари шаклланади. Бироқ шахс ижтимоий турмуш маҳсули бўлиш билан бирга тирик организмдир. Организмнинг ҳаёти биологик қонунларига бўйсунади. Биринчи галда нерв системасининг хоссалари мавжудга келтирадиган темперамент хусусиятлари туфайли, инсоннинг бутун хулқ-авторида, ижтимоий ва биологик жиҳатлар муносабати ниҳоятда мураккаб бўлиб, киши тараққиётининг турли даврларида унинг бошқа одамлар билан бўлган алоқаларининг турли вазият ва кўринишларида ҳар ҳил кескинликда намоён бўлади. Шахсга, аввало унинг ижтимоий қиёфасига, кишининг ўз атрофидаги одамлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ифодаланидиган қиёфасига қараб баҳо берилади. Киши теварак атрофидаги одамлар билан ҳилма-ҳил муносабатларда бўлиши баъзан ўзига боғлиқ бўлади. Шахснинг барча хислатлари атрофдаги кишилар билан муносабатида шаклланади. Шахс одамлар орасидан ташқарида яшай олмайди ва шаклланмайди. Ҳозирги даврда шахсни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, давлат

сиёсатининг бош мезони ҳисобланади. Шахс ривожланишига тўғри ёндашиш учун шахснинг табиатини, тузилишини, унинг хулқ-авторини ва унга таъсир кўрсатиш воситаларини билиш зарур. Туғилган инсон шахс бўлиб шаклланиши лозим. Бу жараён бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади ва муайян қонунларга бўйсунади. Одатда шахс шаклланиши учун учта асосий омиллар тан олинади. Булар ирсият, атроф-муҳит ва тарбиядир. Ушбу омилларнинг ҳеч бири вазият ва шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мустақил равища шахс шаклланишига таъсир ета олмайди. Бундан ташқари баъзи омиллар фаолроқ, мунтазамроқ таъсир кўрсатади ва кишиларнинг онгли иродасига бўйсунади Баъзи омилларнинг таъсири стихияли равища содир бўлади ва шахс тарбияси билан шуғулланувчи айрим кишиларнинг иродасига, ташкилоизлик қобилиятларига ва бошқаларга bogлиқ bўlмайди.

Тарбияга- шахсни унинг ҳис-туйғуларини, характеристини, жисмоний ривожини, хулқ-авторини муайян ёъналишда шакллантириш мақсадида кишилар бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодиса деб қараш лозим. Педагогика соҳасининг етук олимлари ижтимоий омилнинг ҳал қилувчи аҳамиятига эга эканлигини химоя қиласидар. Шахс яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Балки, тарбиянинг таъсири остида яхши ёки ёмон бўлиб ўсади деб ҳисоблайдилар. Шахс тарбияси учун таъсир этувчи омиллар қайсиларидан иборат? Бу асосан учта омилни ташкил этади. Биологик омил, атроф-муҳит ва тарбиядаги омиллардан иборатдир.

Биологик омил. Бу омилнинг таъсирини аввало, шунинг учун эътиборсиз қолдириб бўлмайдики, шахс тирик организмидир, унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига ҳам, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг маҳсус қонунларига ҳам бўйсунади. Ҳаётнинг муайян даврларида, шахснинг айрим органлари ва бутун бир органлар системасининг тузилишида ва функсияларида ўзгаришлар юз беради.

Шахснинг психик ҳолати ва бу ҳолат кўп ёки оз муддат бузилиб туриши биологик омилга таъаллуклидир. Шахс ҳаётида нерв фаолиятининг индивидуал ва типологик хусусиялари, ёш ва жинсий жиҳатдан бўлган тафовутлар катта рол ўйнайди. Организмнинг биологик етилиши қонунларга асосланади. Бу қонун муҳитнинг баъзи бир тарбиявий таъсиrlарига турли даражада бўйсунган ҳолда амал қилиши керак. Лекин, шахс организмининг биологик ҳаёти унинг психик ривожланишини бевосита белгилаб бермайди ва шу билан бирга, унга нисбатан мутлақо бетараф ва бефарқ ҳодиса бўлиб ҳам қолмайди. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган ирсиятнинг ролидаги изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ота-она организмининг узоқ муддат бир хил шароитда яшаш натижасида мустаҳкам ўрнашиб қолган хоссалари ирсият ёъли билан ўтади. Муҳит. Биология фани, муҳитни организм яшайдиган жой деб, муҳитнинг таъсири esa организм билан боғлиқ муҳит ўртасидаги ассимиляция ва диссимилияция ёки моддалар алмашиш қонуни асосида амалга ошади, - деб тушунтиради. Бу қонунга биноан организм яшаб турган муҳит бир бутун нарсадир. Табиий муҳит, ёруғлик, иссиқлик, овқат, ҳаво каби компонентлар, шахс организмининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Аммо шахснинг шахс сифатида шаклланиши учун бу мутлақо

етарли эмас. Шахснинг яшаб турган муҳитида одамлар, биринчи навбатда, тарбияланувчига яқин кишилар, яъни оз сонли оила аъзоларигина эмас, балки унга узоқроқ бўлган кишилар, унинг қўни-қўшнилари, маҳалласи, тарбияланувчилар боғчасидаги ўртоқлари, сўнгра эса у бирга ўқийдиган, ўйнайдиган, бирга ишлайдиган, турли муносабатда бўладиган ўртоқлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ҳозирда, тарбияланувчилар оммавий ахборот воситалари орқали ўзларига нотаниш авлод-аждодларнинг жонли образларига дуч келадилар. Бу образлар ёш авлоднинг фикр ва ҳисларига, унинг воқеа-ҳодисаларига берадиган баҳоларига ва интилишларига таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг ижобий ёки салбий

ўтадиган бирдан-бир ёъли шахснинг теварак-атрофидаги одамлар билан муносабатда бўлишидир. Шахс муносабатда бўлган кишилар унинг муҳитидир. Шахс билан жамият ўртасидаги ўзига хос модда алмашиш типи бўлган алоқа орқалигина шахс ўтмиш авлодларининг қимматли тажрибасини ўзлаштира олиши, энг яхши катта кишилардан намуна ола билиши мумкин.

Факат тарбияланувчилар ва тарбиячилар фаол қатнашадиган муносабатдагина яъни, факат ана шу икки ёқлама жараёндагина шахс хилмачил билим олади ва жуда кўп малакаларни ва иш усулларини эгаллайди. Тарбияланувчи ўзининг сезги органлари орқали идрок қилган нарсаларини англаб олишга, ташқи дунёдаги воқеа ва ҳодисаларга турли хил ҳистийгулар, фикр ва тасаввурлар билан жавоб беришни ўрганади. Одамлар билан муносабатда у нима яхши-ю нима ёмонлигини, нимани қилиш ва

қилмасликни билиб олади. У муайян мақсадни кўзлаб, ўзини ўша мақсадга мувофиқ тутишни ҳамда инсонларга ва уларнинг феъл-атворларига танқидий баҳо беришни ўрганади. Одамлар билан бўлган муносабатларида шахс яхши фазилатлари билан бошқа шахслар ўртасида ажралиб тура бошлайди ва ўзи яшаб турган жамиятда қабул этилган аҳлоқ меъёрларини бошқаларга ва ўзига нисбатан қўллаб, уларни ўз ишида мезон қилиб ола бошлайди.

Биринчидан, муҳит шахсни ривожлантирувчи омил сифатида тарихан ўзгарувчи ижтимоий ҳодисадир, чунки муҳит, ҳатто шахс дунёга келган дастлабки кунларданоқ унинг ҳаёти ўтадиган энг тор муҳит ҳам, яъни шахснинг оиласи ҳам жамияning бир уяси, ҳужайрасидир. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврида янги кишини тарбиялашнинг мақсадлари ва воситалари ўзгаради, аҳлоқ меъёрлари, маданият бойликлари, катта ёшдаги одамларнинг диди ва қизиқишлари, фикр юритиш усуллари ўзгаради.

Иккинчидан, тарбияланувчи ўз активлиги туфайли, моддий, табиий ва айниқса ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киради. Факат ана шу шароитдагина муҳит ўсиб келаётган шахсни ривожлантирувчи омил бўлиб қолади. Инсон тарбиясида муҳит муҳимми ёки тарбия? - деган саволни қўйиш мантиқан тўғри бўлмайди. Аммо муҳит шахсга маълум даражада тарбияловчи таъсир кўрсатган тақдирдагина ривожлантирувчи омил бўла олади. Бу таъсир стихияли, тартибсиз кўринишда бўлиши мумкин, бундай холда шахснинг ривожланиши ҳам муайян мақсадга қаратилмаган бўлади,

натижада шахсда жамият учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам заарли бўлган шахсий фазилатлар вужудга келади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.
  4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Психологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт.
  5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
  6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
  7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  8. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  11. Э. Ғ. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
  12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернет ресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)
- 13 - Мавзу: Жамоадаги психологик муҳит**  
**Режа**
1. Психологик муҳитни аниқлаш факторлари.
  2. Ҳизмат жойидаги носоғлом ижтимоий - психологик муҳитни юзага келтирувчи сабаблар.
  3. Қасбий муҳитдаги муаммолар ечими.
  4. Қасбий фаолиятдаги психологик муҳитни чет эл олимлари томонидан ўрганилиши.

## 1. Психологикмұхитнианиқлашфакторлари

Ишчи гурух аъзоларини бир- бири билан ўзаро алоқа шарт-

Шароитлари гурух биргаликдаги фаолияти муваффақияти ва иш жараёнидан ва унинг натижаларидан қониқишига таъсир қиласы. Ҳусусан, унга ишчилар ишлайдиган санитар- гигиеник шароитлар: температура режими, намлик, ёргулук, хонанинг кенглиги, қулай иш жойининг мавжудлиги ва бошқалар.

Гурухдаги ўзаро алоқалар характеристері ва ундағы ҳукм сурадиган кайфият катта ахамиятга эга. Гурухдаги психологик ҳолатни белгилаш учун «ижтимоий - психологик мұхит», «психологик атмосфера», «ташкилот мұхити», «микроклимат» ва бошқа тушунчалар ишлатилади.

Үз келиб чиқишига кўра бу тушунчалар метафоралардир. Ўсимликларни гуллаб –яшнайдиган табиий-мұхит билан солишириш мүмкін. Бир мұхитда улар гуллаб-яшнаса, иккінчи мұхитда улар сўлиши мүмкін.

Худди шундай фикрни ижтимоий –психологик мұхит ҳақида гапириш мүмкін: маълум бир шароитда гурух аъзолари ўз имкониятларини тўлиқ ишга солиб, фаолият кўрсаца, иккінчи мұхитда одам ўзини ноқулай сезиб, гурухни ташлаб кетишни истайдилар, уларнинг шахсий ўсиши секинлашади. Ижтимоий –психологик мұхит деганда одатда қўйидагилар назарда тутилади:

Гурух ижтимоий –психологик характеристикалари йиғинди;

Жамоадаги асосий ҳукм сурувчи психологик кайфият;

Жамоадаги ўзаро алоқалар характеристері;

Жамоа ҳолати йигма характеристикаси.

Жамоадаги соглом ижтимоий –психологик мұхит ўзаро мұлоқатдан мамнунлик, бир-бирига ишонч, химояланганлик, хавфсизлик, қулайлик, ўзаро бир- бирини қўллаб қувватлаш, муносабатлардаги илиқлик, бир-бирини еқтириш, очиқ фикр билдириш, қатъийятлик, тетиклик, ижод қилиш, интеллектуал ва қасбий ўсиш, ташкилот равнақига ўз ҳиссасини қўшиш, ҳатоликлар келиб чиқишидан қўрқмаслик ҳислари билан характерланади. Жамоадаги носоглом ижтимоий –психологик мұхит зерикиш, рухан тушқунлик, тез аччиқланишлик, зерикиш, тез қизшиш ва гурухдаги мажорали муносабатлар, ишонмаслик, янглиши еки ҳатолик келиб чиқиши ва оқибатда жазоланишдан қўрқиши, бир-бирини тушунмаслик, душманлик, шубҳалик, ягона ишга қаттиқ уринмаслик, жамоа ва ташкилот равнақига ўз ҳиссасини қўшиш истаги йуклиги, умуман олганда, қониқмаслик ҳислари билан характерланади. Гурухдаги мұхит ҳақида бевосита ҳукм чиқариш мүмкін бўлган аломатлар мавжуд:

- ишчиларини тез-тез ишдан бўшаши;
- меҳнат унумдорлиги;
- маҳсулот сифати;
- ишга келмаслик еки кечикишлар сони;
- ишчилар ва мижозлардан тушган шикоят ва даъволар сони;
- ишларни муддатид ёки кечикиб бажариш;
- ускуналар билан эҳтиеткорсиз ёки бепарволик билан ишлаш;
- ишдаги танафузлар тезлиги.

Қўйида таклиф қилинган саволлар жамоадаги муҳитни баҳолашга ёрдам беради:

- сизга ишингиз ёқадми?
  - сиз ишингизни алмаштириш ҳоҳлайсизи?
  - агар сизга ҳозир иш қидиришни таклиф қилишса, сиз танловни ўз ишингизни танлармидингиз?
  - сизни иш жойингиз шароити қониқтирадми?
  - сизни ишингиз қизиқарли ва турли туманми?
  - сизни ишдаги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланганлик қониқтирадими?
  - сизни иш ҳақи қаноатлантирадими?
- Сиз ўз малакангизни ошириш имкониятига эгамисиз? Бундай имкониятдан фойдаланишини ҳоҳлайсизми?
- сизни бажараётганиш ҳажм қониқтирадими? Сиз толиқмайсизми? Ишдан ташқари ишлашга тўғри келадими?
  - биргаликдаги фаолиятга қандай ўзгартириш киритишни таклиф қилган бўлардингиз?
  - сиз ишдаги муҳитни қандай баҳолаган бўлардингиз ( дўстона муносабатлар,

ўзаро ҳурмат, ишонч ёки кўролмаслик, тушунмаслик, муносабатлардаги таранглик )?

- сизни ўз бевосита раҳбарингиз билан муносабатларингиз қониқтирадими?
- жамоада низолар тез-тез чиқиб турадими?
- сиз ўз ҳамкасларингизни малакали, масъулиятли деб биласизми?
- сиз ўз ҳамкасларингиз ишончи ва ҳурматини қозонгандисиз?

Раҳбар мақсадга мувофиқ жамоа ва гуруҳдаги муносабатларни бошқара олади ва ижтимоий –психологик муҳитга таъсир курсата олади. Бунингт учун у ижтимоий –психологик муҳитга таъсир этувчи факторларни билиши ва бошқариш қонуниятларини билиб фаолият юргазиши керак.

Гурухга киравчи одамлар бир-бирларига ва гурухнинг фаолиятига нисбатан бир хил нуқтаи назарда бўлмайдилар. Гурухнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ишchanлиги ва шахсий фазилатларига, ўз мақомига, яъни унинг гуруҳда тутган ўрни ҳақида далолат берадиган, мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва бурчларига, унинг хизматлари ва фазилатларини гурухнинг тан олиши ёки олмаслигини акс эттирадиган нуфузига биноан гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида муайян мавқеига эга бўлади.

Психологияда гурух ичидаги табақаланишнинг иккита асосий тизими – социометрик ва референтометрик афзал кўриш ва танлашлар алоҳида ажralиб туради. Америкалик психолог Ж. Морено гурухларда шахслараро афзал кўришни аниқлаш усулини ва эмоционал афзал кўришни қайд қилиш техникасини таклиф этади. Буни у социометрия деб атади. Социометрия ёрдамида шахслараро биргаликдаги харакат жараёнида гурух аъзоларида намоён бўладиган афзал кўришларнинг, бефарқлик ёки хуш кўрмасликнинг миқдорий меъёрини аниқлаш мумкин. Социометрия гурух аъзоларининг бир-

бирини хуш кўриши ёки хуш кўрмаслигини аниқлашда кенг қўлланилади. Гурух аъзоларининг ўзлари бундай муносабатларни англаб ола олмасликлари ва уларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ўзларига ҳисоб бермасликлари мумкин. Социометрик усулнинг негизида «Сен ким билан бирга бўлишни хоҳлайсан» деган тўғридан-тўғри савол туради. У кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хоҳлаган жабҳасига татбиқан қўйилиши мумкин. Қоида тариқасида, танлашнинг икки йўналиши – биргаликда меҳнат қилиш соҳасидаги ва вақтичоғлик қилиш соҳасидаги йўналишлари тавсия қилинади. Бу ўринда танлашнинг мақбуллиги даражасига (бениҳоя истак борлиги, бажонидиллиги, бефарқлиги, унчалик истамаётганлиги, сира ҳам истак йўқлиги) аниқлик киритилиши ва танлаш учун тавсия қилинадиган шахслар сони чекланган бўлиши ҳам мумкин. Танлашларни танлаш матрицасига тушириш ҷоида янада таҳлил этиш ўзаро хуш кўриш ва хуш кўрмасликларнинг мураккаб тарзда чатишиб кетганлигини ва қарама-қарши томонлар ўртасидаги оралиқ бўғинларнинг бутун иерархиясини кўрсатиб беради. Шундай савол туғилади: гурухдаги ўзаро муносабатларнинг социометрия методи учун яширин бўлиб қоладиган, лекин бу муносабатларнинг факат ташқи жиҳатини оддий кузатувга қараганда анча тез ва аниқроқ кўрсатиб бера оладиган ҳақиқий ички ривожланишини қандай аниқлаш мумкин? Гурух ичидағи ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ташқи манзараси гурух аъзолари ўртасидаги теран муносабатларнинг оқибати сифатида қаралиши мумкин, лекин социометрия афзал қўриш ва яккаланиб қолишнинг сабабларини аниқламайди. Ҳар қандай гурух тузилишига кўра гурух аъзолари нуфузи ва мақомининг ъзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жиҳатдан суриб чиқарилган индивидлар туради. Мазкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гурухнинг пешқадами (лидери) жойлашади. Пешқадам гурухнинг қолган барча аъзолари учун ўзларининг манфаатларига дахлдор бўлган ҳамда бутун гурух фаолиятининг йўналишини ва хусусиятини белгилаб берадиган энг масъулиятли ечимларни қабул қилишга ҳақли деб ҳисобланган шахсdir Социометрик «юлдуз» бўлиши ҳам, аксинча, теварак-атрофдагиларнинг шахсий хайриҳоҳлигига сазовор бўлмаслиги ҳам мумкин. Пешқадам расман гурухнинг раҳбари бўлиши ҳам, аксинча бўлиши ҳам мумкин. Пешқадам билан раҳбарликнинг ягона битта шахсга тўғри келиши мақбул ҳодиса ҳисобланади. Борди-ю, агар бундай мувофиқлик бўлмаса, у ҳолда гурух фаолиятининг самарадорлиги расмий раҳбар (масалан, синфбоши) билан норасмий пешқадам ёки пешқадамлар ўртасидаги муносабатлар қай тарзда юз беришига боғлиқ бўлади.

Жамоада пешқадам ўз ўртоқлари қаршисида таҳлил қилиш ва эришиш учун намунага айланиб қолаётган шахсий фазилатлар соҳиби сифатида намоён бўлади. Бундай пешқадамнинг шахсига мансуб фазилатлар мазкур ёшдаги гурухда қабул қилинган ва тан олинадиган қадриятларга мос келади. Тажриба йўли билан шу нарса аниқланганки, юқори синф ўқувчилари ўз

тенгдошларига фақат шу ёшда алоҳида қимматга эга деб тан олинадиган фазилатлардан эмас, балки уларнинг ўзларида суст ривожланган ёки умуман мавжуд бўлмаган фазилатлардан келиб чиқсан ҳолда ҳам баҳо берадилар. Бу хилдаги фазилатларга эга бўлган ўртоқларнинг таъсири анча кучли бўлади ва улар обрў-эътибор қозониш учун, жамоасида пешқадамликка эришиш учун кўпгина асосга эгадир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.
  3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.
  4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт.
  5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
  6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
  7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
  8. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
  9. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  11. Э. Ф. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
  12. Н. В. Гафурова, В.Л.Лях, Е.В.ЯФескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернетресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

### 14 –мавзу: Ўқитувчининг қасбий хусусиятлари. Қасбий фаоллик

#### Режа:

1. Педагогнинг қасбий хусусиятлари ҳакида тушунча.
2. Қасбий қизиқишлар ва ўзини –ўзи баҳолаш

### 3. Касбий фаоллик.

#### 1. Педагогнинг касбий хусусиятлари.

Ўқитувчи-педагогларнинг шахсий ижтимоий сифатларига азал-азалдан эътибор қаратиб келинган ва ҳар бир замон талабидан келиб чиқиб, педагогга қўйиладиган талаблар такомиллашиб, мураккаблашиб бораверган. Талабаларга билим бериш ўқитувчининг масъулияти бурчидир, ўқитувчининг шахсияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида қўйидаги фикрларни билдирган: Талабалар билан муомалада босик, жиддий бўлиш;

Бериладиган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

Таълимда турли усул ва шакллардан фойдаланиш;

Талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;

Талабаларни фанга қизиқтира олиш;

Талабаларга берилган билимларнинг энг муҳимини ажратиб ўқитиши;

Билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;

Фарб олимлари ўқитувчининг хусусиятлари ҳақида шундай фикр билдирганлар: “Яхши ўқитувчи ўзининг тарбия принсипларидан ҳеч қачон қайтмайди. Ўқитувчи ўз устида доимо мустақил ишлаши лозим. Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса болаларга ҳақиқатни топишга ўргатади” деган. Кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар ўқитувчи ва педагог, яъни ўзига ёш авлодни тарбиялашни касб қилиб танлаган инсон қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши шарт эканини кўрсатди: ўқитувчи фалсафани яхши билиши шарт. Чунки фалсафа одамга абстракт фикр юритишни ўргатади. Ўқитувчи синф ёки аудиторияга кирганда, унда абстракт тафаккур суст ривожланган бўлса, ўзини йўқотиб қўяди. Синф ва аудиториядагилар дикқатини ўзига қаратиб олиши учун, кишида абстракт тафаккур яхши ривожланган бўлиши керак. Ундан ташқари, фалсафа дарс пайтида кечадиган билиш жараёнини ўргатади. Билиш жараёнини, яъни гнесологияни билмаган ўқитувчи дарс ўтишда бир қатор қийинчиликларга дуч келиб, дарсни амалга ошира олмайди, оширганда ҳам нотўғри дарс ўтади.

Шу билан бир қаторда, фалсафанинг асосий қонунлари инсоннинг барча амалий фаолиятида, шу жумладан, педагогик фаолиятда ҳам умумий методологик асос вазифасини ўтайди. педагог аҳоли таълим-тарбияси билан шуғулланишни ўзига касб қилиб олган экан, педагогиканинг жамият ҳаётидаги ўрнини, унинг пайдо бўлиш тарихини яхши билиши керак. Педагогика тарихини ўрганиш жараёнида киши педагогик фаолиятнинг инсон ҳаётидаги ўрнини, педагогикадаги асосий қонун-қоида ва тамойиллари ҳамда асосий тушунчаларнинг шаклланиш тарихини билиб олади. Шунингдек, педагогиканинг назарий асослари билан қуролланиш учун дидактикани яхши билиши керак. Чунки у билим бериш ва уни ҳаётда қўллашга ўргатиш жараёнини амалга оширишнинг асосий тамойилларига амал қилишликни илмий томондан асослаб беради. Педагогиканинг умумий масалаларини ёритиб берувчи Умумий педагогикани, фаннинг ўзига

хосликларини ёритиб берувчи Хусусий педагогика (методика)ни мукаммал билиши лозим бўлади. ўзи ўқитадиган фандаги билимларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Ўқитувчи ўқитаётган предметини ва унинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчи ва талабаларга этказа олиши уларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади. Бу эса ўқитувчининг обрўсини кўтаради. педагог болаларга билим беришда муайян ёшдаги болалар вужудида содир бўлаётган физиологик ва руҳий ҳодисаларни яхши билиши керак. Акс ҳолда ўзини ҳам, болаларни ҳам қийнаб, дарс олдига қўйилган мақсадига эта олмайди. Бунинг учун педагог болалар анатомияси ва физиологиясини ҳамда психология фанларидан тўлиқ билимга эга бўлиши керак. ўқитувчи болаларга ўз фанидан билим бериш жараёнида, уларни муайян жамият ва унда олиб борилаётган сиёsat билан таништириб бориш шарт. Шу сабабли ўқитувчи ва педагоглар сиёсацхунослик билимларини пухта эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олишлари лозим. педагог муайян жамиятда тарихан шаклланган ижтимоий гурӯхлардан ҳам талабаларни хабардор этмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ва педагог социология билимларидан хабардор бўлиб, улардан педагогик амалиётда фойдалана олиши керак.

Шу билан бир қаторда, ўқитувчи болаларга маданият тўғисида бошланғич тушунчалар бериб, уларда маданият элементларини шакллантириб бориши лозим.

Бунинг учун ўқитувчининг ўзи маданияцхунослик билимларини эгаллаган ва уларни амалиётда қўллай оладиган бўлиши керак. ёш авлодга муайян фан билимларини ўргатувчи педагог, уларни ахлоқ ва одобга ҳам ўргатиши шарт. Бу ўқитувчининг бурч ва масъулиятига киради. Бунинг учун у аввало, ўзи тарбияланган бўлиши лозим.

Ўқитувчига хос бўлган фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб бу- ўқитувчининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчига саботли бўлиш, ўз ҳиссиётини идора қила олиш, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрини белгилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган ўқитувчигина синфда мўътадил психологик мұхит ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади. таълим-тарбия билан шуғулланувчи инсон сўзсиз, эстетик тарбияланган бўлиши шарт. Эстетик тарбия маънавий тарбиянинг мұхим ва таркибий қисми эканини унутмаслик керак. эстетик диднинг пастлиги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига салбий таъсир кўрсатади.

## 2. Ўқитувчининг касбий қизиқиши ва ўз ўзини баҳолаш.

Ўқитувчининг касбий шаклланиши олий ўқув юрти даргоҳида касбий таълим олиш жараёнида бошланади. Касбий таълим йўналишининг ўқув-режа ва фанлар бўйича дастурларида бўлажак ўқитувчиларга шу касбнинг сир-асрорларини ўргатиш, илмий билимлар бериш, ўқитувчи касби ҳақида маълумот бериш ва кўнишка ҳосил қилиш назарда тутилади.

Таълим жараёнида фанлар бўйича амалга ошириладиган семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари назарий билимларни мустаҳкамлашга

ҳамда уларни кўникмага айлантиришгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида қўллашга ҳам имкон беради. Бундай машғулотлар танлаган касби тўғри эканига ишонч ҳиссини уйғотади.

Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни биринтириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, услубий ишларга жалб этиш коллеж раҳбариятининг асосий вазифаларидан бири. Ўқитувчи ўз касбини секин-аста ўзлаштириб бориши билан бирга ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади. Шу йўл орқали ҳам касбий шаклланиши такомиллашиб боради.

Ўқитувчилик касбини ва педагогик маҳоратни эгаллаш, ўқитувчилар жамоасига киришиб, унда ўз ўрнини топиб кета олиш ёш ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўғирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда рухан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўқитувчининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ва ўз вақтида малакасини ошириб боришга узвий боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўқитувчидаги педагогик маҳоратни шакллантириш учун аввало педагогик ишни илмий асосда ташкил қилиш лозим. Бунинг учун ўқитувчининг истак ва қизиқишлигини ҳисобга олиш, унинг интилиши ва бошқа ташқи омилларини бир-бирига уйғунлаштириб, касби ва шахсининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда фаоллигини оширишни назарда тутиш керак

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июнь, 1-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июнь, 1-бет.

4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчолог Сопиригҳт

© 2009 Келвин Сеиферт.

5. W. Брусе Валш. Марк Л. Савискас. Ҳандбоок оғ Восатионал Псайчолог. Нев Жерсей. Лондон.2005

6. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.

7. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.

8. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003

9. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.

10. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
  11. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
  12. Э. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
  13. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, Е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.
- Интернет ресурслари
1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
  3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

### **15- Мавзу: Қасбий муҳитдаги ўз ўзига мотивация ва мақсадга интилувчанлик.**

Режа:

1. Қасбий муҳитдаги мулоқот компетентлигининг аҳамияти.
2. Қасбий мотив ва мотивация. Мехнат фаолияти мотивлари.
3. Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси.

1. Қасбий муҳитдаги мулоқот компетентлигининг аҳамияти.

Шахснинг танлаган соҳаси бўйича малакали, юқори маҳоратга эга мутахассис сифатида шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, унга кўп йиллик самарали меҳнат, ижодий изланишлар натижасидагина эришиш мумкин. Бироқ мазкур сифатларнинг шаклланиши учун замин ўрта маҳсус қасб-хунар коллежларидағи таҳсил жараёнида яратилади. Бўлажак педагогнинг қасбий тайёргарлиги жараёнида мутахассисликка оид билим, кўнишка ва малакаларни ўзлаштириб бориши билан бир қаторда психология фани бўйича назарий ва амалий билимдонликнинг шаклланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқ хўжалигининг турли соҳаларидағи ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этиш, долзарб вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар бир мутахассисда қасбий компетентликни шакллантириб боришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Қасбий компетентлик кишининг қасбий фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажара олиш қобилияти ва ундан самарали фойдалана олиш имконияти бўлиб, у шахсга хос қўплаб психологик хусусиятларга эга бўлишни тақозо этади. А. А. Деркач томонидан қасбий компетентликнинг таркибида қасбий фаолиятдаги компетентлик, қасбий мулоқотдаги компетентлик, мутахассиснинг ўз шахсини намоён эта олишидаги компетентлигини киритиш мумкин.

Педагогнинг қасбий компетентлиги педагогика ва психология фанларига доир билимларга эга бўлиш, ўз устида ишлаш, таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш, ўқувчиларда ўкув фаолияти мотивациясини шакллантириш, ахборот коммуникация

технологияларини яхши билиш, таълим муҳитига янгилик киритиш, ўз фанини мукаммал билиш, хорижий тиллардан бирини яхши билишни тақазо этади.

А.В. Хоторский таълим жараёни учун муҳим бўлган педагогнинг қуидаги компетентлигини тавсифлайди:

1. Дунёқараш, қадрият ва ўзини англаш - ўқитувчининг дунёқараши, тасаввури ва қадрияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. У атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисалар моҳиятини аниқлай билади ва тушунади унга ўзини йўналтиради, педагог сифатида ўз фикрини асослай олиш ҳамда муаммонинг ечимини топа билиш кўникмасига эга. Бу компетенсия-ўқитувчининг ўқув ва бошқа фаолиятларидаги ўзини – ўзи англаш механизмини таъминлайди.

2. Умуммаданий – миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиш; мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш; оиласига, урф–одатларга ҳурмат; ижтимоий кўникмаларга эга бўлиш. Илм фаннинг инсон ҳаётига ва дунё ривожига таъсирини англай олиши ва ўқувчи ёшларга тушунтира олиши.

3. Ўқув ва билиш жараёни - ўқитувчининг мустақил билиш фаолияти, мантиқий фикрлаши, ўқув – билим фаолиятини баҳолаши, билим ва кўникмасини таҳлил қила олиши.

4. Маълумотга эга бўлиш- педагогик фаолияти, ўз фанига доир маълумотларни эгаллаш кўникмаси.

5. Мулоқотчанлик - тил билиши, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиши, жамоада ўзига хос ўринда туриши.

6. Ижтимоий - фойдали меҳнат оилавий муносабатлар ва масъулият, жамият ривожидаги иштироки, ижтимоий фойдали меҳнат қилиши. Иқтисодий ва ҳуқуқий кўникмаларга эга бўлиш.

7. Ўз устида ишлиши - жисмоний, маънавий, интеллектуал жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириб бориши, ҳиссиётини бошқариш.

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги қўп жиҳатдан педагогик фаолият субъекти ҳисобланган ўқитувчининг касбий маҳорати ва тажрибасига боғлиқдир.

Педагоглик касбига лойиқлик касб учун зарур бўлган қобилиятлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у коммуникатив қобилиятларда ҳам ўз аксини топади. Шахслараро мулоқот, ўзаро психологик таъсир этиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун ҳар бир педагогда соҳа учун энг муҳим хусусият ҳисобланган мулоқотчанлик ёки коммуникатив компетентликни шакллантириш керак.

Талабалар билан педагогик мулоқотни самарали ташкил этиш ўқитувчининг касбий компетенсияси, педагог шахси ва унинг шу фаолиятга муносабати ва мотивасияси билан белгиланади. Педагог шахси унинг қадриятили йўналишлари, ҳаётий режа ва орзу-истакларини акс эттириб – педагогик фаолият мазмунини ифодалайди. XX аср бошида П.Ф. Каптерев алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Таълим жараёнидаги ўқитувчи шахси биринчи ўринда туради, педагогнинг бошқа хислатлари таълим натижаларига

бўлган тарбиявий таъсирни оширади ёки пасайтиради”. Коммуникатив компетентлик ишга оид, ҳамкасб ёки дўстлар билан, раҳбарларга мурожаат қилиш билан боғлиқ, ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ташкил этишининг шакллари, усуслари ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар турлари ҳақидаги билимлар тизими, мулоқот жараёнидаги шерикка психологик таъсир эта олиш техникасига эга бўлишни тақозо этади.

Педагог коммуникатив компетентлиги ёрдамида ўқувчи ва талабаларнинг ҳар қандай салбий ҳиссий ҳолатлари ёки экстремал вазиятларда ҳам уларнинг руҳий ҳолатини тўғри идрок қилиш, тушуниш, мавжуд ахборотларни тўғри таҳлил қила олиши мумкин.

Талабалар билан педагогик мулоқот, коммуникатив компетентлик педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмиdir. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятлари унинг шахсий сифатларида ҳам акс этади. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги ва талабаларнинг коммуникатив имкониятлари улар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг тўлақонли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Мулоқот таълимнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ҳам манба, ҳам ахборот тармоғи вазифасини ўтайди. Шунинг учун у таълим жараёнида этакчи ўринни егалладайди.

Педагогик фаолиятдаги самарали мулоқотнинг асосий сирларидан бири, суҳбатдошни “тўғри” тинглай олиш маҳорати саналади. “Кишиларга таъсир кўрсата олиш сири гапириш маҳоратида эмас, - деб ёзади Д. Карнеги, балки яхши тингловчи бўлишдадир”. Тинглаш оддийгина жим ўтириш эмас, балки фаол жараён бўлиб, кишилар орасида кўзга кўринмас ришталар ўрнатади, ўзаро яқинлик, илиқлик, бир – бирини тушуниш ҳиссини вужудга келтиради. Ҳар қандай мулоқотнинг зарур нуқтаси қайтарма алоқадир, шу орқали суҳбатдошлар бир – бирини идрок этиб ҳиссий яқинликка эришадилар. Шунингдек, мулоқотда педагог ва талабанинг ўзаро биргаликдаги фаолияти амалга оширилади, ҳиссий ва иродавий таъсирчанлик ортади, фикрлар ва ғоялар уйғунлиги шаклланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, педагогнинг коммуникатив қобилияти ва мулоқотдаги компетентлиги қуий курс талабалари томонидан кўпроқ қадрланади, ўқитувчининг шахсий фазилатларига юқори баҳо беришади. Яхши ўқитувчи моделида талабани тушуна оладиган устозларни идрок қилишади. Юқори курс талабалри учун эса касбий компетентлик муҳим хусусият сифатида баҳоланади, ҳамда ўзида ҳам мазкур сифатларни шакллантиришга бўлган эътибор ортиб боради.

Мазкур сифат ва хусусиятларнинг юқори даражада ривожланишига эришиш учун бўлажак педагог ёш психологияси, психодиагностика, педагогик психология, акмеология каби фанлар бўйича етарли даражада билим, кўнишка ва малакаларни ўзлаштириб бориши, ўз фаолиятини замон талабларига мос ҳолда бажариши ва касбий компетентлигини ошириб боришини таъминлайди.

2. Касбий мотив ва мотивация. Мехнат фаолияти мотивлари.

Касбий мотив ва мотивасия муаммоси хориж психологлари томонидан кенг доирада тадқиқ қилинган. Жумладан, касбий мотивлар борасида Й.А.Климов, В.А.Крутецкий, А.Н.Василкова, Э.Диси, В.Врум, М.В.Дмитрий ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Шахснинг иш фаолияти билан боғлиқ мотивасияларни З гурухга ажратиш мумкин; биринчиси - меҳнат фаолияти мотивлари, иккинчиси - касб танлаш мотивлари ва учинчиси-иш жойини танлаш мотивлари. Аниқ фаолият эса барчасини жамланган ҳолда изоҳланади, яъни, бунда меҳнат фаолияти мотивлари, касб танлаш мотивларининг шаклланиши, шунингдек, қолган иккита мотив орқали эса иш жойини танлаш мотивлари ҳам юзага келади. Меҳнат фаолияти мотивлари хилма-хил бўлиб, улар ўзига хос омиллар билан белгиланади. Биринчи гуруҳ омилларига жамоавий характернинг уйғониши билан боғлиқлари киритилиб, бунда жамоага фойда тегишини англаш, бошқа инсонларга ёрдам бериш истаги, меҳнат фаолиятида ижтимоий установканинг зарурлиги ва бошқаларга нисбатан тобеликни ҳоҳламаслик каби мотивлар ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ омиллари ўзи ва оиласи учун моддий маблағнинг ортирилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши учун пул ишлаб топиш мотивларидир. Учинчи гурухга ўзини ўзи фаоллаштириш, ривожлантириш, ўзини намоён қилиш эҳтиёжларнинг қондирилиши ва бошқалар киради. Маълумки, инсонлар табиатдан бирор-бир фаолият билан шуғулланмасдан туролмайдилар. Инсон нафақат истеъмолчи балки яратувчи бўлиб, яратиш жараёнида у ижоддан илҳом олади. Бу гурухга мансуб мотив жамият томонидан эҳтиёжларнинг қондирилиши ва бошқаларнинг ҳурматини қозониш билан боғлиқ. Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбияси ҳам шу мотив билан боғлиқ равища шакллантирилади. Меҳнат фаолиятининг умумий мотивлари юқорида айтиб ўтилганидек, аниқ касблар доирасида амалга ошади.

Назорат саволлари:

1. Касбий мотив ва мотивация деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнат фаолияти мотивлари қандай шаклланади?
3. Касбий мослашув босқичлари қандай амалга оширилади?
4. «Мотивация» тушунчасини «Мотив» тушунчасидан фарқи қандай?

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.

4. Келвин Сеиферт, Росемарий Суттон. Эдусатионал Псайчологий Сопиригхт © 2009. 120 пагес.
5. W. Брусе Валш. Марк Л. Савискас. Ҳандбоок оғ Восатионал Псайсонолигий. Махваҳ, Нью Жерсей Лондон. 2005.
6. Бордавская Н.В., Рean A.A. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
7. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
8. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
9. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
10. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
11. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.ф
12. Э. Ф. Фозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.
13. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010.

#### Интернет ресурслари

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

### **16-МАВЗУ Ўқитувчи касбкорлигини баҳолаш. Касбий фаолиятнинг сўниши.**

#### **Режа:**

1. Ўқитувчи касбий фаолияти баҳолаш мезонлари. Касбкорлик.
2. Касбкорликни юзага келтирувчи психологик-ижтимоий омиллар.
3. Касбий фаолиятни сўнишига олиб келувчи ижтимоий-психологик омиллар.

1. Ўқитувчи касбий фаолияти баҳолаш мезонлари. Касбкорлик.  
Маълумки, агар касб тӯғри танланган бўлса, инсон учун меҳнат қувонч, ижодий илҳом манбаига айланади, бу эса шахс учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир.

Онгли касб танлаш ўсмирлар етарли даражадаги умумий ва политехник тайёргарликка эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли ёъналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим бунинг учун уни кузатиш, ўқувчининг мактабдаги, жамоат жойларидағи, оила ва меҳнатдаги амалий харакатларини таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, сухбат, тест, интервю олиш мумкин. Касбга ёъналтиришда турли касблар,

уларга қўйиладиган талаблар, бу касбни қаерда эгаллашлари мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга маълумот бериш катта аҳамиятга эга.

Касб танлаш – жиддий ва масъулиятли ишдир. Ўз ҳаёт ёълини жиддий суратда белгилаб олиш – осон иш эмас. Бунинг учун узоқ вақт маҳсус тайёргарлик қўриш талаб этилади.

Ўқувчиларнинг касб–хунарга лаёқатини ўрганиш учун уларнинг ақлий, жисмоний қобилиятларини билиш, малака ва қўникмаларини ўрганиш лозим. Ишчи мутахассисларни тайёрлаш ҳар доим ҳам жиддий масала бўлиб келган, чунки ишлаб чиқаришнинг муваффақиятлари уларнинг малака даражасига боғлиқ бўлган. Барча ривожланган давлатлар учун ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида жисмоний меҳнатнинг солиштирма оғирлиги барқарор камайиб бориши тенденсияси характерлидир.

Кўпчилик ривожланган давлатларда ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш, монотон ва бир хилдаги иш билан боғлиқ бўлган кам малака талаб қилинадиган ишлар машина ва роботларга юклатилмоқда.

Меҳнат функцияларининг ўзгариши ёшлар учун турли хилдаги ишларнинг ўзига тортиш мезонини аниқ ажратиб берди. Бажариш жараёни қизиқарли ва ижодий куч-Гайрат талаб қиласиган фаолият асосий ўринга қўйилмоқда.

Бу меҳнат фаолиятининг турли ёъналишлари - саноат ва қишлоқ хўжалигидан тортиб то хизмат кўрсатиш соҳаларигача тегишилдири.

Дунё олимларининг тадқиқотларига кўра янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга шиддат билан кириб келиш тенденсияси тез орада барча жойларни қамраб олади. Одат бўлиб қолган кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари ўтмишга айланмоқда ёки тубдан ўзгармоқда. Замонавий кичик мутахассис қадимги хунарманд - ишчиларнинг энг яхши сифатларини сақлаб қолган ҳолда янги технологияларга мослашиши ва уни эгаллашга тайёр бўлиши лозим.

Шундай қилиб, мамлакат саноати ва халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси ёшларга касб сирларини ўргатишда янги ёндашувларни англашдан иборатдир.

Бу қадимдан ўқувчилар учун ҳар доим зарур бўлган ва ишлаб чиқаришнинг истиқболли талабларини ҳисобга оладиган қатор сифатларни шакллантиришдан воз кечиши билдирамайди. Улар қўйидагилар эди: ишлаб чиқариш ва технологик интизомни тарбиялаш; жиҳоз ва асбобларни асраб-авайлашни сингдириш; олинган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш; ишлаб чиқариш техника ва технологияси, меҳнатни ташкил қилиш тўғрисида, касбни эгаллаш ва ишлаб чиқариш малакасининг кейинги ривожланиши учун зарур бўлган ҳажмда чуқур ва мустаҳкам билимларни шакллантириш.

Хозирги босқичда бўлғуси мутахассисдан ишлаб чиқаришнинг ўзгариб бораётган шароитларига осон мослаша оладиган ва фаол харакат қиласиган, ижодий ўйлайдиган шахс сифатлари талаб қилинади. Бошқача сўз билан айтганда, замонавий мутахассис қўйидаги сифатларга эга бўлиши лозим: меҳнат фаолияти давомида ўзини онгли равишда ўзgartiriш ва

ривожлантириш, касбга ўзининг индивидуал ижодий улушини қўшиш, унда ўзига хос ўринни эгаллаш. Демак, малакали мутахассислар тайёрлашнинг асосий ёъналиши ёшларга фақатгина билим беришдан иборат бўлмай, балки ҳаётнинг ўзи белгилаб берадиган устивор вазифаларни амалга оширишдан иборатdir.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳаётининг жонланиши натижасида малакали кичик мутахассис ходимлар етишмаслиги сезилмоқда. Шунинг учун эътиборни касб-ҳунар таълимига қаратиш ва унинг мазмунини янгилаш вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий ишлаб чиқаришда оддий ишчи эмас, балки малакали ва юқори малакали кичик мутахассислар етишмаяпти. Бу вазифани ҳал қилиш яқин даврларнинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади.

XXI аср таълими бўйича ЮНЭСКО томонидан тақдим этилган Халқаро комиссия маъruzасида таълимнинг тўртта асосий тамойили қўриб чиқилган. Улар қисқа сатрларда баён қилинган бўлиб, чукур мазмунга эга: билим олишни ўрганиш – шахснинг шаклланиши ва кейинги ривожланиши янгиликларни узлуксиз кузатиб бориш ва мустақил ўрганишни кўзда тутади; ишлашни ўрганиш – ишни оддийгина бажариш эмас, балки ҳар қандай буюрилган ишга фаолиятли ёндашув тушунилади (ҳар бир босқичдаги иш натижалари ва ўз фаолиятини баҳолаш ва таҳрирлашни билиш); яшашни ўрганиш – тез ўзгараётган замон шароитларига мослаша олиш, ўзини шахсий ва оиласи ҳаётга, келажакдаги касбий фаолиятга ижодий сафарбар қила олиш; биргаликда яшашни ўрганиш – дунёга, инсонларга, ўзига нисбатан қадр-қимматни шакллантириш (жамият аъзоси сифатида индивиднинг барқарор ижтимоий муҳим жиҳатлари тизимини тарбиялаш).

Ҳозирги замонда таълимнинг глобал мақсади инсонни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Биринчи ўринга ўқувчининг ички салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда унинг шахсини ривожлантириш масаласи чиқади. Бу фақатгина умум ўқув қувларга тегишли бўлмай балки касбий ўқитишга ҳам тегишилди. Агар авваллари у предметга ёъналтирилган – асосий мақсади шу предмет соҳасининг мазмунини узатиш бўлган бўлса, ҳозир эса ўқувчини ривожлантиришга ёъналтирилган ўқитишга ўтишдан иборат бўлмоқда. Дидактикада у «шахсга ёъналтирилган» атамаси билан маълумдир.

Таълимнинг янги мазмунига юқоридагилар билан бирга мезонларни ўлчаш ҳам кириши лозим: одам қанчалик касб талабларига мос келади ва касб қанчалик инсон талабларига, унинг мотивлари ва лаёқатларига мос келади; инсон қай даражада касбнинг меъёр ва қоидаларини ўзлаштириб олди ва унда қай даражада ўзини намоён қилишга, ўзини касб воситалари ёрдамида ривожлантиришга интилади; инсонда ўсиш истиқболлари борми ва уни излайдими, бошқа одамларнинг касбий тажрибасини қабул қилишга тайёрми; инсон ўз муваффақиятларини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолай оладими ва унга тайёрми, у уларни балл, мезонларда объектив баҳолай оладими.

Кўриниб турибдики мутахассисга ўз ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган шахсий сифатлар мажмуаси маълум тарзда

ташкиллаштирилган ўқитиш шароитларида шакллантирилиши мумкин. Бу ерда кўзланган мақсад – янги жамият мутахассисини тайёрлашга қаратилган приоритетлар тўғри танланиши муҳим.

Касбий психология бўйича мутахассислар профессионалнинг мудавфақият билан ишлаши учун зарур бўлган барча сифатларни учта блокка бирлаштириш мумкин деб ҳисоблашади. Худди шуларни ўқитиш жараёнида ҳисобга олиш зарур бўлади. Чунки инсоннинг профессионализми фақатгина унинг ишлай олишида эмас. Замонавий кичик мутахассиснинг фаолиятини кўриб чиқиш ва унга баҳо беришда бу касбда уни нима ҳаракатга келтираяпти, нима учун ушбу иш билан шуғулланаяпти, у қандай қадриятлардан келиб чиқади, ўзининг қандай ижодий ресурсларини ихтиёрий равишда ва ички туйғу бўйича ўз меҳнатига қўшади.

Мана шунинг учун ҳам бўлғуси кичик мутахассисни ўқитиш ва шакллантиришда қуидаги шахсий сифатлар тарбияланиши лозим:

- Эмоционал-қимматли – ўқиши, меҳнатга бўлган муносабат; ахлоқнинг ўзлаштирилган меъёрлари (инсонларга муносабат); доминант ехтиёжлар, рағбатлар ва ҳ.к.;
- Фаоллик-ирода – ишлаб чиқариш вазиятларига кириш ва ундан чиқиш учун ўзлаштирилган усуллар; тўсиқларни енгиш тажрибаси ва иродали бўлиш;

натижаларни назорат қилиш ва таҳрирлаш усуллари; ижоднинг ўзлаштирилган процедуралари ва ҳ.к.;

- Образли-билимли – образларни умумлаштириш қобилиятлари, фантазия ва хаёлларни ривожлантириш; рефлексия тажрибаси; фикрий амаллар ва фикрий коммуникацияни ривожлантириш.

Бугунги илмий-техник тараққиётни ҳисобга олган ҳолда жуда ёшлик даврдан бошлабоқ ёшларда ижодий салоҳиятни шахсга хос бўлган мажбурий сифат тарзида шакллантириш керак. Сивилизациянинг барча дурдоналари ижодкор инсонлар томонидан ихтиро қилинган технология ва техник воситалар асосида яратилган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.

4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт.

5. W.Брусе Валш. Марк Л. Савискас. Ҳандбоок оғ Восатионал Псайснолигӣ. Маҳваш, Нью Жерсей Лондон.2005.

6. Сонтемпорарий моделсин восатионал псайчология Волуме ин Ҳонороф Самуэл Ҳ. ОсиоповФредерикс Т. Л. Леонг Тхе Оҳио Стате Университэзий Барак.2001.
7. Бордаская Н.В., Рean А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
8. Профессионална педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
9. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
10. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
11. Эгамбердиев Э., Ҳўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
12. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.ф
13. Э. F. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Қасб психолоияси. Т. 2003 й.
14. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фескова и др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010.

#### Интернет ресурслари

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
2. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

### **17-Мавзу.**

**Ўқитувчисамараадорлиги.Ўқитувчи профессионаллигинимезони (ўичови).**

#### **Режа**

1. Профессионаллик. Талаба билимини баҳолаш методлари ва мезонлари.
2. Талаба билимини баҳолашда педагогик технологиялардан қўлланишнинг аҳамияти.
3. Билимларни баҳолашда объектив ёндашувда ўқитувчи ва талаба фаолияти.

#### **Профессионаллик мезони.**

1. **Профессионаллик.** Талаба билимини баҳолаш методлари ва мезонлари таълимда назорат қилишнинг 2 тури мавжуд. Биринчи – таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар хил кузатиш, иккинчиси – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текширишдан иборат.

Кўникма деганда шахснинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади. Орттирилган билимлар шахс хатти-харакатининг назарий асоси

хисобланади. Билимларга асосланиб хатти-ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, алоҳида босқичлари фикран хаёлдан ўтказилади.

Элементар тажриба талабларида айнан бирор фаолият ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бирон касб ёки фаолият ҳақида тасаввурга эга бўлишда элементар тажриба билан бирга бошқаларнинг тажрибасини тасаввур қилиш аҳамият касб этади. Бу эрда педагогнинг шахсий намунаси, мутахассис кадрларнинг илфор тажрибалари, этук олим ижодкорларнинг иш жараёни мисол бўла олади.

Мехнат кўникмаларининг шаклланиши жараёнида талабалар кўриш ёки эшитиш орқали фақат ҳаракатларнинг қандай бажарилиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бу фақат намуна, бажарилиши керак бўлган иш ҳақидаги кириш инструктати ҳисобланади Кўникманинг шаклланиши учун талаба бу ҳаракатларни ўзи бажариб кўриши шарт.

Таълимнинг турли босқичларида талабалар меҳнат кўникмаларининг даражаси ҳар хил бўлади. Элементар кўникмалар аста-секин мураккаб кўникмаларга айланади, мураккаб кўникмалар кўп марта қайтарилиши ёки машқ қилиниши натижасида малакалар пайдо бўлади.

Малака – билимларга асосланиб машқ ёрдамида айланган фаолиятнинг автоматлашган компоненти ҳисобланади. Малака тез ва аниқ бажариш билан боғлиқ бўлган кўникмаларнинг автоматлашган элементлари саналади. Малакалар бажарилётган фаолиятнинг фақат маҳорат томонини, яъни айрим ҳаракатларни ифодалайди.

Мехнат кўникмаларининг шаклланиши учун фақат тафаккурнинг ёки ақлий фаолиятнинг ўзигина этарли эмас. Талабаларда мураккаб кўникмаларнинг, умумлашган сафарбар кўникмаларнинг шаклланиши учун улар бевосита амалий меҳнат фаолиятида, узоқ пайт машқ бажаришда қатнашишлари шарт.

“Касбий педагогика” фанини ўрганишда назарий таълим жараёнида назорат қилишнинг асосий методлари, таълим олувчиларнинг билимларини оғзаки текшириш, ҳамда ёзма текшириш, назорат ишлари «техник диктант»лар ўтказиш, техник ҳужжатларни муҳокама қилиш ва бошқалар қўлланилади. Назарий таълимда таълим олувчиларнинг билимларини амалиётда қўллай олишини назорат қилиш, схемаларни йиғиш, ўлчаш, механизмларни тузатиш, бузилиш сабаблари каби методлар қўлланилади. Бу методга яна лаборатория – амалий ишлар орқали текширишни ҳам киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқаришда бажарган ва бажараётган назорат қилишнинг асосий методлари: жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ҳисобланади.

Ташхисли назорат турларидан бири – тест ўтказишидир. Тест икки усулда ўтказилади.

Биринчи усул – ташкил қилувчи сифатида, дастурлаштирилган таълим, назорат ва қайта алоқа тизими.

Иккинчи усул – мустақил назорат қилиш методи. Ишлаб чиқариш таълимида тест мустақил ўз-ўзини назорат қилиш методи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълимининг ҳар бир босқичида тестлар ўтказиш мумкин.

Педагог ва талабанинг дастурли фаолияти таълим жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада – кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда педагог «технолог» сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аник ўрнатиши, ўтилаётган ўкув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек, ташкилий шаклларнингмосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади.

Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўкув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман таълим жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, ўқитиш давомида юзага келадиган нокулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб таълим жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишни таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки ўкув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қилишади. Якуний назоратда режалаштирилган ўкув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади.

Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин:

1. Оғзаки ва ёзма назорат.

Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий муносабат, ўқитувчининг талаба билан жонли мулоқоти, унинг фикрларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида педагог томонидан қўшимча саволлар бериш имкониятлари киради. Педагог томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо талабанинг фаол фикрлаши билан боғланган. Оғзаки жавоб яхши тайёрланган талабага ўзининг иқтидорини, қўшимча

егаллаган билимларини намойиш этишга имкон беради. Бевосита мулоқот туфайли педагогда савол-жавоб давомида талабанинг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш имкони бўлади. Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда талабалар билимларини баҳолашда маълум даражада педагог шахсиятининг акс этиши намоён бўлади. Ҳар бир педагогда талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашда доимо холис ва шахсий муносабат бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади.

Умуман олганда, талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси

баъзан холисона бўлмайди. Талабанинг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гурухнинг ўртача даражасини мўлжалга олади. Шунинг учун кучсиз гурухларда баҳолар одатда кўтарилган, кучли гурухларда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув материалини ўзлаштириш даражасини хужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил экспертларнинг ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга:

- имтиҳонда талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо еса бутун ўқув фанини билиш учун қўйилади;
- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган;
- оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди;
- оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қиласи, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

2. Тест (инглизча—“синаш”) – бу бирор-бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида этalon ишлаб чиқилади. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳакида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади.

Тест назоратлари ва унинг афзалликлари:

- этарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказаётган шахсга боғлиқ бўлмаган холис педагогик ўлчов қуроли ҳисобланади;
- тест ўқув мавзуларининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш барча текширилувчиларга баравар кўлланадиган олдиндан ишлаб чиқилган мезон асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;
- тест назорати технологиялашувчан бўлиб, у нисбатан қисқа вакт ичida маълум ўқув мавзулари ўзлаштирилишининг тўла назоратини кам куч ва воситалар сарфлаган ҳолда ўтказиш имконини беради.
- тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади. Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзалликларидан биридир.

Тўғри ташкил қилинганда педагогик тест талabalар билимларини холис баҳолаш самарасини беради, чунки бу баҳо уни қўяётган одамга боғлиқ бўлмайди. У барча текширилувчиларга бир хил кўлланадиган қилиб тузилган мезон бўйича тўғри эчилган тест топшириқлари фоизи асосида аниқланади. Шунинг учун педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва

ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуроли деб аталади. Аммо бундай баҳолаш жараёни факат илмий талабларга риоя қилинган ҳолда тузилган, текширилувчан ва меъёрига этказилган сифатли тест воситасидагина амалга оширилиши мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологияларисоҳасидарлар тайёрлаштизиминита комиллаштириштўгърисида» ги Қарори. //Халқсўзи, 2005 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада еркинлаштириш чора-Тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. //Халқсўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимояқилиштизимини яна датаком иллаштиришчора-тадбирларитўғрисида» ги Фармони. //Халқсўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.
4. Келвин Сеиферт ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Псайчологӣ Сопиригҳт © 2009 Келвин Сеиферт.
5. W. Брусе Уалш. Марк Л. Савискас. Ҳандбоок оғ Восатионал Псайсонолигӣ. Maҳwax, Нew Жерсей Лондон. 2005.
6. Сонтемпорарий моделсин восатионал псайчологя Волуме ин Ҳонороф Самуел Ҳ. Осиопов Фредерикс Т. Л. Леонг Тҳе Охио Стате Университети Барак. 2001.
7. Бордавская Н.В., Рean A.A. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
8. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
9. Нишонова С. Комилинсоннитарбияси: ўртамахсус, касб-хунартаълимимуассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
10. Гуломов С.С. вабошқалар. Ахборотизимлариватехнологиялари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
11. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ватадбиркорлик. – Т.: Маънавият, 2003.
12. Хошимов К. вабошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001. ф
13. Э. Ғозиев, К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси. Т. 2003 й.
14. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фесковаи др. “Психология профессионального образования” (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010.

### Интернетресурслари

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
2. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
3. [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)

## **18 Мавзу: Ёш даврлар кетма-кетлиги.Ўсмирилик ва ўспиринлик даврларини ёш даврлари хусусиятлари.**

Режа:

1. Ўспиринлик ва ўсмирилик даврининг психологик хусусиятлари.
2. Ўсмирилик ва ўспиринлик даврда ақлий камолотнинг ривожланиши.
3. Ўсмирилик даврида девиант хулқ-атвор ҳолати ва даражаси.
4. Ўспирин ва ўсмирилик даврларининг чет эл адабиётларидағи талқини

**Ўспиринлик ва ўсмирилик даврининг психологик хусусиятлари.**

Илк ўспиринлик даврига 15-18 ёшлар оралиғи киради. Бу даврда ўкувчи жисмонан бакувват ва мустакил меҳнат кила оладиган бўлади. Илк ўспиринлик даврида шахс ижтимоий хаётда, мактаб жамоасида, тенгкурлари билан муносабатларда эгаллаган мутлако янгича мавкеи, ўкиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида таркиб топа бошлайди. Мазкур даврнинг яна бир хусусияти - меҳнат ва таълим фаолиятининг бир хил ахамият касб этишидир. Мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида ўспириннинг ўзига хос ахлокий ва аклий ривожланишини кўриш мумкин. Шунингдек, бу даврда ўспиринларда ўзлигини англаш яккол намоён бўлади. Ўспириннинг барча жабҳада мустакил фаолият юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчиликлардан биридир. Ўспирин тафаккури даражасини унинг мазмундорлиги, чукурлиги, кенглиги, тезлиги ташкил килади. Агар ўсмирилик ёшининг классик тадқикотларига назар соладиган бўлсак, унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигини кўриш мумкин. Ўсмирилик ёшига хос ёркин психологик концепсиялардан бири XX асрнинг бошларида Л. С. Вгоцкий томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда ўсмир психологиясидаги баркарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепсияларнинг интерпретацияси берилган. Ўсмирилик даврнинг йирик тадқикотчиларидан яна бири - немис файласуфи ва психологи Э. Шпрангер ўсмирилик ёши кизларда 14-21, ўғил болаларда 13-19 ёшларгача давом этишини, унинг биринчи боскичи 14-17 ёшларга тўғри келиб, бу ёшда болаликдан кутилиш содир бўлишини таъкидлайди. Ўсмирилик ёшини «пубертат давр» деб атаган Ш. Бюлер ишларида ушбу даврнинг биологик моҳияти очиб берилган. Пубертат давр биологик ўсиш даври хисобланиб, жинсий этилиш ўз нихоясига этади, аммо жисмоний ривожланиш давом этади. У пубертат даврни иккига: психи-к ва жисмоний даврларга ажратади. Ўспириннинг этилишига таъсир этувчи ташки ва 66 ички қўзғатувчилар ундаги ўзидан ўзи коникиш ва хотиржамликни издан чикариб, уни ўзга жинсни кидиришга ундейди. Биологик этилиш ўсмирни изланувчан килиб кўяди ва унинг «мен»ида «у» билан учрашиш истаги туғилади.

Ш. Бюлер психик пубертатликни танадан фарқлашга харакат килади. Унинг фикрича, жисмоний этилиш ўғил болаларда ўртача 14-16, киз болаларда эса 13-15 ёшларга тўғри келади. Албатта, бундай фарқлашларда шахар ва кишлоп, алохида мамлакатлар ва хатто икlimнинг таъсири хам хисобга олинади.

Пубертатликнинг куйи чегараси 10-11 ёш, юкори чегараси 18 ёш бўлиши керак. Шу маънода ўсмирик ёши дунёкараш, эътиод, нуктаи назар, принсип, ўзлигини англаш, баҳолаш ва хоказолар шаклланадиган давр хисобланади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг қўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, беихтиёр орзу-истаклари билан харакат килса, ўсмири ўз фаолиятини муайян принсип, еътиод ва шахсий нуктаи назар асосида ташкил кила бошлади.

Ўсмирик ёшининг психологик хусусиятлари алохида намоён бўлганда улар «ўсмирик комплекси» ва унинг кечиши билан боғлик тарздаги хулк-автор бузилиши - «пубертат инкиroz» деган ном олади. Адабиётлар таҳлилиниң қўрсатишича, мазкур холат иккига - «инкиroz» ва «стабил» (муқим)га ажратилади. Инкиroz холати ўткинчи хусусиятга эга бўлиб, уларни 1 ёш, 3 ёш, 7 ёш ва 13 ёшда кўриш мумкин. Ўсмирик ёшидаги инкирознинг кескин ўтиш даври 12-16 ёш бўлиб, унинг икки фазаси мавжуд ва улар негатив (13-14 ёш) ва позитив (15-16 ёш) деб аталади. Умуман, ўсмири шахсида жуда киска вакт оралиғида шиддатли, хаттоки баъзан фожиали тарздаги ўзгаришлар сезилади. Инкиroz эски ва янги психологик ўзгаришларнинг тўқнашуви бўлиб, яхлит холда караганда позитив кайта курилишлар характерини белгилаб беради. Ўсмирик даврининг пубертат инкирозларини конструктив баҳоланишини Д. ЙЭ. Элконин (1972), В. В. Давидов (1974), А. Н. Леонтьев (1975) ишларида кўриш мумкин.

Ўсмирик инкиroz доирасига кириши билан унинг ривожланишида психологик силжишнинг айрим ўзига хос кескин қўринишлари: инкиroz бошланиши ва тугашининг ноаниклиги; тарбиясида қийинчилик; ривожланишнинг негатив хусусият касб этиши кабиларда намоён бўлади. Айрим хориж психологлари ўсмирик даври инкирозларининг илдизларини куйидагича талкин киладилар. Масалан, З. Фрейднинг фикрича, ўзини ўзи севиш, Э. Эриксон айнанлик инкирози, Э. Дойч ижтимоий омил инкирози, авлодлар орасидаги низолар ва хоказоларда деб тушуниришади. Ўсмири шахсининг таркиб топишида ахлок, ўзига хос онг алохидаяхамият касб этади. Ўсмири шахсини таркиб топтиришда унинг атроф- мухитга, ижтимоий ходисаларга, кишиларга муносабатини хисобга олиш лозим. Чунки ўсмирда муайян нарсаларга муносабат шаклланган бўлади.

Психологлар ўтказган тадқикотлардан кўринадики, ўсмириларнинг кўпчилиги катъиятлилик, камтарлик, мағрурлик, самимилик, меҳрибонлик, дилкашлик,adolatлилик каби маънавий-ахлокий тушунчаларни тўғри англайдилар. Уларнинг турмуш тажрибасида, фан асосларини эгаллашлари натижасида баркарор эътиод ва илмий дунёкараш таркиб топади, шулар замирида ахлокий идеаллар юзага кела бошлади. Ўсмириларнинг идеаллари негизида орзу, максад ва уларни рўёбга чиқариш режалари намоён бўла бошлади. Муайян касбга майл ва кизикиш туғилади. Орзу-истаклар ранг-баранглиги билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

Ўсмирик ёшида психологик жихатдан энг мухим хислат - вояга этиш ёки катталик хиссининг пайдо бўлиши алохидаяхамиятга эга. Катталик хисси ижтимоий-ахлокий соҳада, аклий фаолиятда, кизикишда,

муносабатда, кўнгил очиш жараёнида хулк-авторнинг ташки шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва кувватининг чидамлилиги ортаётганини ва билим савияси кенгаяётганлигини англай бошлади. Буларнинг барчаси унда катталик хиссини ривожлантиради.

Бугунги кунда таълим жараёнида тарбияси «қийин» ўсмирлар ибораси тез-тез учраб туради. Биз тарбияси «қийин» ўсмирлар феноменларининг айrim жихатларини ёритишга харакат киламиз. Илмий тадқикотларнинг кўрсатишича, ўсмирлик даврида улар томонидан содир этиладиган хар кандай хатти-харакат актлари: аксилижтимоий хулк-автор, педагогик каровсизлик, мослаша олмайдиган хулк,ахлоксиз хулк, девиант хулк, аутодеструктив (ўзини ўзи фош килиш) хулк ва хоказолар ўтиш 68 даврининг ўзига хос одат тусига кириб қолган тартиб шакли сифатида тан олинади. Кўпгина адабиётлар тахлилига кўра ИК (интеллект)нинг кўрсаткич даражаси канчалик паст бўлса, тарбияси «қийин»лик даражаси шунчалик юкори кўрсаткичга эга. Шу сабабли ИК (интеллект) тарбияси «қийин»лик кўрсаткичи сифатида маълум даражада ижтимоий маъно касб этувчи психологик жараён билан алоқадор.

Тарбияси «қийин» ўсмирларнинг ўзлигини англашда «Мен» тимсоли алоҳида ўрин тутади. Тарбияси «қийин»ликнинг вужудга келиши ва унинг кечишини субект томонидан англаниши улар билан олиб бориладиган психопрофилактик, психодиагностик, психокоррексион ишларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Психолог, психотерапевт ва, умуман, таълим-тарбия ишларига масъул ходимларнинг барчаси тарбияси «қийин» ўсмирлар хулк-авторининг ижтимоий меъёрларга мослашув ёки мослаша олмаслик стратегияси ўсмир шахсининг химоявий-мослашув механизмини акс эттиришини хисобга олишлари зарур.

## ***АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 15 июн, 1-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик суб‘ектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2005 йил, 16-июн, 1-бет.

4. Келвин СеиферТ ва Росемарй Суттон. Эдусатионал Психологии 2009 Келвин Сеиферт.10-16 пагес. 5.Бордавская Н.В., Рean А.А. Педагогика.-М.: Питер, 2004.
6. Профессионалная педагогика.Учебник для студентов.—М.: Педагогика, 2002.
7. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси.ўрта махсус, касб-хунар та‘лими муассасалари учун қўлланма. -Т.: Истиқлол. 2003
8. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: —Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
- 9.Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Ҳ. Кичикбизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Ма‘навият, 2003.
10. Хошимов К. ва бошқалар таҳрири остида. Педагогика тарихи – Т.: Фан, 2001.
11. Э. Ф. Фозиев,К. Қ. Мамедов. Касб психолоияси.Т. 2003 й.
12. Н. В. Гафурова, В. Л. Лях, е. В. Фескова и др. —Психология профессионального образования (сибирский федеральный университет) СФУ, 2010г.

### **Интернет ресурслари**

- 1.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)
- 2.[www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
- 3.[www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)